

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!



Муассислар:

Ўзбекистон Езувчилар
уюшмаси, Ешлар
Иттифоки Марказий
Қўмитаси

Бош мухаррир:

Собир ҲИНАР

Тахрир хайъати:


Одил ЕКУБОВ
ШУКРУЛЛО
Ғаффор ХОТАМ
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Абдусайд КҮЧИМОВ
Алишер ТЕШАБОЕВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Аслиддин ҚАЛОҲОНОВ
Низомиддин МАХМУДОВ
Тўра МИРЗО
Дилшод НУРУЛЛОХ —
масъул котиб
Аҳмад ОТАБОЕВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Шодикул ХАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ
Бегижон РАХМОҲОНОВ
Қулмирза КАМБАРОВ
Аҳмад УСМОНОВ
Темур ХИДИРОВ
Эргаш РИЗАЕВ
Ҳамроқул АСҚАР
Абдушуқур АШИРБОЕВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Шаходат ИСАҲОНОВА
Эргаш НОРМАТОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Рустам ХУДОЙҚУЛ
Усмон ҚҮЧҚОР
Тоҳир ҚАХХОР
Ҳабибулло САИД ҒАНИ



Улуғбек обсерваторияси секстанти.

Абдул Ғани ЖҮМА олган фотосурат.

ЁШЛАРНИНГ АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖҮРНАЛИ

«ЁШЛИК» № 3, (140) 1994 ЙИЛ

1982 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи ва тўртинчи муқовада му-
саввир Хусан Содиқов мўйқалами-
га мансуб «Меърож» асари.



ДАҶО БОБОМИЗНИНГ РУҶИ ҚОНДА БОР!

Ўзимизни, ўзлимизни қайтадан кашф қилишга тушдик. Дунё фозилларининг ҳайрати ва ҳурматидаги донишманд боболаримиз яна кўнглимиз ва онгимизга ташриф буюришяпти. Бундан ҳаяжонда тилларимиз ғалатиноқ айланади. Ҳеч кутилмаганда балқиган кўёшдек гоҳида уларнинг олиий мақомини ўрнига қўйишга шошилиб қоляпмиз. Чунки уларни бир пайтлардагидек қарши олиб бўлмайди.

Фалакнинг гардишини қарангки, бир замонлар Турон заминнинг бу ўғлонларига маҳлиё бўлган ўзга юртлик илм пешалари тупроғимизга келиб, уларни ўрганган, илм аҳлидан қимматли маълумотларни тўплаб, буни ўз элларига ёйгандилар. Энди бўлса биз уларни ўрганиб, турли манбаларни солиштириб, алломаларимиз буюклигини инкишоф этишимиз лозим.

Ҳозир айна билим олиш ёшидаги авлод ўзини бахтли санашга ҳақли. Негаки, барча иқтисодий қийинчиликлардан қатъи назар ҳақиқатни билиш сари, қадриятларимизни ўрганиш сари очилган имкониятга нима етсин! Ахир бутун бир кейинги 60-70 йил давомида яшаш чекига тушган биродарларимиз онги кишанланиб, чинакам илм ёруғлигидан бенасиб этиб келинганлиги бугун аён-ку! Афсус. Сароб қўйнида соврилган ул умрлар энди қайтмасдир. Худога шукрки шоир орзу этгандек "адоват енгилган, зулм янчилган" кунларга етиб келдик.

Ўтган йили икки буюк бобомиз — Аҳмад Яссавий ва Баҳовуддин Нақшбанд тўйлари муносабати билан уларнинг руҳларига тиловатлар қилиниб, ҳоки пойларигина зиёрат қилиб қолинмади. Балки шўро ҳукмронлиги замонасида улар ҳақида онгимизга тиқиштирилган уйдирмалар улоқтирилди, ҳамда чинакам руҳиятлари ва амалларидан яралган мўъжизаларни ўрганиш бошланди. Булар аввало унинг маънавий меросхўри элимизга етказиш тадоригига тушилди. Бунинг шарофати асларга таътигуликдир.

Бу йил эса яна бир тенгсиз даҳо бобомиз Муҳаммад Тарағай — Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тўйини нишонламоқдамиз. Юртбошимизнинг алоҳида фармони билан кечаётган йилимиз — Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинганлиги ҳам аллома бобомизни яқиндан танишимизда янада имконият, куч ва рағбат бериши шубҳасиз. Чунки 600 йил ошиб, Улуғбекдай чуқур ақл соҳиби ва дарёдил шахснинг руҳини шод этмоқ илмидан баҳраманд бўлмоқ, бу баҳри уммонни кўзга тўтиё этмоқ учун бир-икки кунлик савъий ҳаракатлар озлик қилади. Бутун йил аллома номи билан боғланган экан, бу шунчаки уни тантаналар билан эслашгина эмас, балки буюк бобомизнинг сарҳадсиз илм маъданини ўрганиш ҳамда қайта-қайта уни ёдга нақшлаш деганидир.

Негаки, абадиятга дахлдор бу инсон ҳамиша ўзгаларга бахт, эзулик, яратувчанлик уруғларини улашиб ўтган. Бу унинг таваллудидан бошланган десак, муболага қилган бўлмаймиз. Бир мисол. Улуғбек туғилганлигини эшитган Амир Темури ўзига ғаним бўлса-да ҳозиргина забт этган бутун бир қалъа аҳлига тўла омонлик берганлиги тарихий

ҳақиқат. Бу Улуғбекнинг шарофати, уни бошданоқ тангри-нинг ярлағани эмасми?! Ҳақиқатдан ҳам илм ва маърифатда Улуғбек ярлағанича бўлган. Абдураззоқ Самарқандий ёзади:

Чун Улуғбек мирзо дар илми ҳандаса,
Нотавон ёфт дар хазори мадраса.

Яъни, ҳандаса илмида минглаб мадрасадан Улуғбекдай забардастини топиб бўлмаган экан, вақт соати етиб, унинг тенгсиз олимлик заковатига бутун дунё ҳам тан берди. Польяк фалакшуноси Ян Гевелийнинг баҳосича ҳам 17 асрдаёқ осмон илмида Улуғбекни Европадаги беш зўр олимлардан бири, жаҳонда эса ўн бир машҳур мунажжимнинг энг ўткирларидан ҳисоблашган. Бекорга Бартольд Ислом олами подшоҳлари ичида Улуғбекдай комил олими етишиб чиқмаган демаган-да. У яратган бу илм дурдоналари ўлмаслиги, бугунга ҳам дахлдорлиги билан янада қимматлидир. Айна кунларда ҳам "Зижи Кўрагоний" асари ҳозирги астрономия эришган ютуқларга ҳисоб-китоби бўйича жуда яқин келади. Бунга XX аср фалакшунослари қойил қолмасдан иложи йўқ.

Шундай улуғ бобомизни берганга шукурлар қила, бизнинг назаримизча айна кунларда аҳли зиёлилар, айниқса ёшлар тўйга тўёнадай икки масалада жуда собит қадамлик қилиши керак деб биламиз. Буларнинг бири даҳрий замонанинг таъйиқи билан бошқа буюкларимиз қатори Улуғбекни ҳам шўро мафкуриси қолипига солишга ҳаракатлар бўлди. Билиб-билмай тарихий ҳақиқатларга зид Улуғбек шахси, унинг диний ва дунёвий билимлардан хабардорлиги, шайх ва диндорларга муносабати нотўғри талқин этилган. Бу хатоликлар тузатилиб, халқимиз онгида чин ҳақиқатлар ўрин олиш вақти етди. Бунда тарихчиларимиз, санъат ва адабиёт аҳли туғдор бўлиши ҳам фарз; ҳам қарз.

Яна бир мулоҳаза. Улуғбекдай билими ва мўъжизаларига олам гарқ аллома боболаримиз битта ёки иккита эмас. Аммо шу буюкларимиз ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўришимизнинг гали келмадими?! Ростки, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлсакина, улар шуҳрати ва суръатидан фахр бизга таътийди. Осмон илмининг илдиэлари заминимиз ва қонимизда бўлса-да, биздан ҳалигача кўкка учган бирон-бир фазогир чиқмади. Майли... лекин эндиги ўзбек — ўзига бек бўлган замонда армонга айланган орзулар армон қатидан чиқиб, ҳақиқатга айланмоғи шарт. Бунга ҳукуратимиз ҳам кундан-кунга кенгроқ йўл очиб берапти. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ иқтидорли ёшлар учун "Улуғбек" жамғармасининг ташкил бўлиб, ёш олимларга ёрдам қўлини чўзиб келаётгани ҳам шуни кўрсатади. Бу кўмак бундан кейин ҳам давом этади.

...Умидворимизки, келгусида юртимизда биз орзулаган ва дунё қудратига оғзи очилган Улуғбеклар сафи келади. Уларни эса ҳар қачон даҳо бобомиз Мирзо Улуғбекнинг ҳеч сўнмас руҳи қўллаб туражак.

Таҳририят.



Мирзо КЕНЖАБЕК

УХЛА ҒАМ...

ОШИҚ ЭСАМ...

Ошиқ эсам, эсам мен шоир,
Билмасмидим, яралиб башар,
Оллоҳ, оллоҳ, не сабаб, ахир,
Ошиқларинг оламдан қочар!

Бағрим кукун. Художон, худо,
Орифликка нечук ярайлик?! —
Ошиқ эсам, кўзимга дунё
Кўрингайми шунча чиройлик!

Туркистоннинг ҳикматзориди
Тупроқ билан бирмасми эдим;
Жон борида — имкон борида
Ер остига кирмасми эдим?!

"Ошиқ" сўзин тақиб отимга,
Ҳам севиб, ҳам севилиб бирдан,
Ошиқ эсам, яшамасмидим
Ун чиқариб ўн икки гўрдан!

Ошиқ эсам, ҳарорат билан
Борлиғимни ёндириб талғат,
Қуръон сасли қироат билан
Топмасмидим шерозий санғат!

Ошиқ эсам, ичимда дудим,
Тош шаҳрида юрмай фарёдда,
Саройларда чўкиб вужудим,
Хилват топмасмидим Ҳиротда!

Ошиқ эсам, жисмимни ёриб,
Беҳиштини ўртабон имон,
Дор қидириб — дийдор қидириб
Кетмасмидим Қашқарга томон?!

Ошиқ эсам, босқин замонда
Асрор билиб ризқи рўзимни,
Қадрим танниб, бир қоп сомонга
Соттирмасми эдим ўзимни!

Вой ҳасрат-о! Мен ошиқ эсам,
Ўзимни бор билмай дунёда,
Турон юрда туғилиб азал,
Кумилмасми эдим Кўнёда?!



ҲАЛИ ЎЛМАЙ ТУРИБ...

Ҳали ўлмай туриб, дўстлар, бу ҳижрон доғидан ўлдим,
Кўзимда ёш битиб, соғлом юрак қақроғидан ўлдим.
Латиф қўллар эмас, юзни силаб барги хазон доим,
Куйиб тақдир китобидан, фиरोқ авроқидан ўлдим.
Баҳорларда чўпонларни яшин урган каби, мен ҳам
Муҳаббат даштида гулнинг кўзи чақмоғидан ўлдим.
"Тирилгум шўх шу лазгиндан, гўзал ҳайкал",

дея боқдим,
Ва ҳар дафъа санам бармоғининг титроғидан ўлдим!
Агар дўст қилса душманлик, бу ҳолдан

ўлмаган ҳеч ким,
Ёронлар, мен рақибларнинг лутф-ардоғидан ўлдим.
Чиқиб ҳар гал гуноҳзордан, на юксак нурда покландим,
Бузилган хулқ ила Ернинг етук ахлоқидан ўлдим.
Қалам аҳли — алам аҳли ажалдан ўлмаган, Мирзо,
Ки, мен ҳам илдда Ёр ишқи туғилган чоғидан ўлдим!..

ЁЗИҚ

Сўрадинг — сўйладим. Қалбинга бу тун
Ўрнашди беўхшов таржимаи ҳол.
Тонг. Энди кезасан тупроқда маҳзун
Саргузашт юкланган эй, нозик ниҳол.
Тақдир-ку манглайга ёзилмиш азал,
Сийратда махфийдир асл таърифим.
Сенинг оёқларинг билан бу маҳал
Тупроққа ёзилди менинг тарихим.

ҚАЙҒУ БИЛАН МУЛОҚОТ

Қайғуга ёлвордим: ухлагин эй, ғам,
Бир зум тин! Сен билан туриб бўлурми?
Ҳеч уйқу билмадик қайғу ҳам, мен ҳам,
Уйғоқлик ҳам дарддир! Билиб бўлурми!
Сўнг ғамга: Ўл! — дедим. — ўлмайсан нечун,
Ҳеч сендан қутулиб, кулиб бўлурми?
Ғам деди: Менинг ҳам ҳолимни тушун,
Ухлаб бўлмаганда ўлиб бўлурми?!

Мирзо Кенжабек. Навқирон шеърятимизнинг пешқадам вакилларида бири. Унинг нафаси қайноқ, дарди янғроқ, фикри чироқ шеърларида гўзал бир тиниқлик билан кўнгил фасллари чизилади. Қувонч ва қайғунинг юрти тикланади. Айниқса у миллат ўтмиши ва истиқболга бағишланган ҳар сатрида оташин бўлиб кетади. Ва аввало унинг фарзанди, ҳимоячиси бўлиб фикр ва зикр қилади. Ташбеҳ топади. Шу бонс аллақачон "Мақтубларим", "Қуёшга қараган уй", "Муножот", "Баҳорим еллари" китоблари шеърят мухлисларининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган.



МАЪСУМА АХМЕДОВА

Бегим кунлар

Бугун ҳавонинг заҳри кетди. Кун илжайди. Кампир ҳассасига таяниб, аста айвонга чиқди. Ҳовли бурчидаги қайрағоч шохларида қушлар чирқиллади. Кеча ёмғир илвиллатиб кетган боғлардаги ҳовур кўтарилди. Қоп-қора лайча кучук у ёндан-бу ёнга ирғиди. Шалпангқулоқ бола, "маҳ,маҳ", дея кучукни олқишлади. Лайча бўйи баравар сапчиди.

Кампир зиналардан аста-аста туша бошлади. Лайча ликиллаб келиб кампирнинг оёғини искади. Кампир ҳассасининг учи билан лайчани туртди. Лайча ангиллаганича нари кетди.

— Тилаб олган ёмғир бошга бало. Бунни қарагин-а, ўзинг бир ит, яна изингдан ит етаклаганингга ўлайми. — Кампир болага қараб вайсади.

Бола итни нари олиб кетди.

— Ҳа-а... — кампир узун сулиш олди, кун мўлроқ тушиб турган, хийла қурган ёғоч харракка ўтирди.

Дарахт тагига тўкилган барглари турли тусда товланди. Гала чумчуқ чирқиллаб пешайвонга қўнди.

— Ҳа, қирғинда кетларинг-а, — ориққина сарғиш жувон пешайвонга ёйилган майиз томон чопди.

Чумчуқлар "гурр" этиб ҳаволанди. Рўпарадаги яланғоч дарахтга ёпирилиб қўнди.

— Ойи, қарасангиз бўлмайдим. Бунақада бор майизни еб битиради-ку, — жувон таънаомуз кампирга қаради.

— Ҳа, энди мен сенга шопипоядаги қўриқчи бўлдимми! — кампир иддао билан юзини терс бурди. — Мен сенга қайнона эмас, келинман, келин.

Жувон бир муддат оғиз жуфтлаганича жойида туриб қолди. Шундай оғизга келиб турган гапни зўрга қайтарди — айтмади. Унинг нима демоқчи бўлганини қайнона тушунди. "Ҳа, сиз менга қайнона эмассиз!"

Кампир ҳассасини бошқатдан нам ерга ботирди. Аста вужуд-вужуди илиди. Кун кифтларини илитди, кун баданига хуш ёқди. Кўз олди живир-живир қилди. Хаёли йироқлаб кетди.

Кўк шишадай, ариқдаги сувдай тиниқ. Боғни гир ўраган жийдазор гулга кирган, гул иси бошни гангитади.

"Тўқ, тўқ, тўқ!"

Келидаста бир меъёрда уриб турибди.

Кўйлагини липпасига қистириб олганича келида жўхори янчаётган Шаҳодатнинг қулоғига янғаси шивирлаб кетди:

— Сизни ўша келганларга нон синдирди.

Шундан буён юрагига ваҳима оралади. Бунгача ҳеч бундай ҳолатга тушмаган эди.

Шаҳодат ҳозирга қадар товонларигача зирқиратиб юборган ўша кунни унутолмади.

Худойимдан айланай, кейин бир кунлар бўлдики, йили бир тутам бўлди. Кўп кунлари ёддан кўтарилди.

Умирида бир кунлар бўлдики, у аввало эсдан чиқарайин деди, чиқаролмади. Кўз очиб кўргани ойдай ярқиллаган келинчакка қайрилиб қарамади, бир оғиз ширин сўзни раво кўрмади. Болиш кучоқлаб уф тортди.

Келинчак кўча-кўйининг гапига қулоқ тутмади. Тўғрисида, қулоқ туттиси ҳам келмади: Муҳиддиннинг бошқа суйгани бор эмиш, Шаҳодатга кўнгли йўқ эмиш... Бу шивир-шивирлар қандай қилиб раҳматли дадасининг қулоғига етди билмай қолди. Эрта салқинлаб кув пишаётди, қўллари орқасида, боши эгик дадасини ҳовлида кўриб, нақ эси тескари бўлди.

— Юр, Шаҳодат, кетамиз. Кундошликка кун битмас, кун битса-да, бутун битмас.

Эҳ-ҳа, ўтган умрини гапираверса... бу дунёда нимаики бор — бари ўткинчи экан... Иккинчи эрнинг бети қурсин. Шаҳодат у билан ўткарган ёруғ кунни эсламади. Кунлари таҳликада ўтди. Ой келгунча санаб, умидвор бўлди — умидллари пучга чиқди. Фарзандталаб эрнинг, болага зор хотиннинг тилаклари ижобат бўлмади.

Бир кун тонглаб сигир соққани бораётган хотиннинг эр тирсагидан тутди.

— Ишингни қўятур. Юр, ойнингникига борамиз. Бир туш кўрдим, юрагим гаш.

Шаҳодат шошилиничда: "Қандай туш кўрдингиз, гапиринг-чи аввал", дейиш хаёлига келмади. Тешик калишини алмаштириш эсида йўқ, тунд эр изидан югургилади. Эр йўл бўйи чурқ этмади, у эса бирон нима дермикин, дея оғиз пойлаб илҳақ борди.

Шу зайл олдинма-кетин ота уйига кириб келдилар. Чўлтоқ супурги билан ариқча балчигини тозалаётган она уларни кўриб жойида қотди.

— Ҳа, худога шукур, эсон экансиз, — куёв гудранди. — Бўпти, мен борай, бу сиз билан ўтирсин.

Эри ияги билан уни имо қилиб кўрсатди. Бир муддат эсанкираб қолган она аста ўзига келиб, куёвга манзират қилди:

— Юринг, чой ичинг.

Куёв кўнмай, орқасига қайтди. Бирдан Шаҳодатнинг эсига соғувсиз қолган, подага қўшилмаган сигири тушди.

— Ҳой, менга қаранг. Назирага тайинланг, сигирни соғиб қўйсин, соғмаса... — шу пайт биқини ўйилди. — Вой... Гапи оғзида чала қолди.

— Ҳа, пешонаси шўргина-я... Ҳа, шумбахт-а... сигир соғувсиз қолса, ундан нарига бормайдими. Сенга нима! Уйинг бузилди-ку, бебахт! — онаизор зориллаб йиғлади. Пешоналарига уриб йиғлади.

Шаҳодат дабдурустан нима гаплигини англамай анқайди. Соддалиги ҳам бор бўлсин. Жувонмарг кетгур эри хотин қўйибди-ю, у беҳабар қолибди, нодон...

Ҳай, ўша кунлари курсин...

— Чиққан қиз ёвдан ёмон. Энди икки эрни эскитдинг. Бунисига йўқ дема, боласи бор, боланг бўлади, — раҳматли онасининг сўзлари қулоқлари остида жаранглади.

Вой, тавба, вой, тавба, қандай эскитибди? Худо охирини айтмаса нима қилсин? Қайси тошга бош урсин?

Шу Ғойибини топмагунича кўрган кунини кун демади. Бировникини асради, ўзимники деди, асради, авайлади, уйлади, жойлади. Онасининг айтгани шу учинчи эрнинг боласини ўзимники деди. Ўзимники дейишнинг эса ўзи бўлмади. Бир кун Ғойибжони касал бўлиб нақ эсончасини чиқарди. Ўша кеча у Ғойибини туғди. Худди кўзи ёригандай, тўлғоқ тутгандай азоб еди.

— Е, худойим, болам апарайса бўлмасин-да ишқилиб!

Эрталаб тараша каби озгин дўхтир унга пешвоз илжайиб келди.

— Суюнчини чўзаверинг, опа, ўглингни операция бўлмайдиган бўлди. Касали кўричак эмас, колит экан, колит.

— Калит, қанақа калит? — У кўнгли жойига тушиб ёнидаги эрига саволомуз тикилди.

— Э, шуни ҳам билмайсанми, ичаклари шамоллаган-да, — ўзича шарҳлади чол.

Ҳа, шундай кунлар ҳам ўтди. У ўтган кунларидан нолимади. Учинчи эрни ҳам охиригача пешонасига айтмаган экан, Ёлғиз ўғилнинг тўйини кўрмай оламдан ўтди. Раҳматли чолининг гўри тўла нур бўлсин, бу дунёда уни Ёлғиз ташламади. Ғойибжонни-чи, ўғил деса дегудай бўлди. Аммо-лекин бу келин деганлари нақ жоло бўлди. Индамай қақиб олди.

Ҳа, у якка ўзи аёл боши билан рўзгорнинг неча жойидан туғиб, йиғиб-чатиб ўғил уйлади. Тўй қилди. Худонинг буюргани рост экан, тўй-томоша, орзу-ҳавас кўрди. Худога шукурки, тепкилаб-тепкилаб кўмадигани бор.

Эсида, қиз чарларда йиманиб, нарироқдан жой олди. Шунда уни қават-қават кўрпачага ўтиришга қистадилар.

— Жойингиздан адашманг, қуда хола. Ўғил тарбиялаб, эр етказган қайнонанинг жойи шу бўлади.

Шунда кўнгли тоғдай ўсди.

Кампир беихтиёр харракка сурилиб ўтирди.

Келиним, деб тахт ясаган

Тахт эмасу бахт ясаган

Қайнонасига бир салом...

Қулоғига келин салом қилдирган янгаларнинг овози келди. Самбиттол новдасидай оқ-сарикқа мойил келинчак

саломга эгилди. Унинг оқ-сарикқа мойил тиниқ юзлари ҳарир парда остида оловланди. Шунда унинг меҳри бир товланди, бир товланди... Ўша нозиккина келинчак мана шу келин эди.

Кампир ердан кўзини олиб, йироқларга тикилди. Олис тоғлар тиниқлашди, яқинлашди.

— Ойи! — кампир бош кўтарди. Рўпарасида келини турибди. Жувоннинг юзида ҳадик-пушаймон.

— Ойи, кўйлагингизни ечиб беринг, кир ювяпман.

“Ҳа, қилиғи ўзига таъсир қилибди-да. — Кампир енгил тортиди. — Ҳай, инсон боласи-да, феъли бор, тили бор...”


Кампир келинига индамади. “Дарровда ризолик билдирсанг, бошга чиқади”.

Келин қайнона сукутидан саросималанди, Сўзга оғиз жуфлади-ю, айтолмади. Кампир келиннинг ҳолатини тушунди. — Ҳай, худойимга шукур, — кампир харракдан кўзалди.

Чумчуқлар яна “гур” этиб пешайвонга ёпирилди.

— Ҳай кетларинг-а! — кампир айвон томон ҳассасини ўқталаркан, зимдан келин тарафга назар солди.

Келин кўринмади.



Бировнинг ҳаёти

Ёнма-йўлда поезд пишиллаб келди. Микрофондан манқа, уйқуга қонмаган бўғиқ овоз таралди.

— Диққат! Диққат! Хурматли пассажирлар! Иккинчи йўлда “Тошкент-Андижон” поезде келиб тўхтади. Поезд бекатда уч дақиқа туради. Қайтараман...

Перрондаги одамлар шошилиб қолди. Акбар электропоезда ўтирганлигини, ҳозиргина унинг ҳадеганда юрмаётганлигидан тоқатсизланганлигини унутди. Беихтиёр рўпарадаги вагон ойналарига тикилиб қолди. Одамлар ҳеч нима билан ишлари йўқ, бири чиқиб, бири тушяпти. Кўшни поезддагилар ҳадемай катта шаҳарга кириб борадилар. Одатдаги ғала-ғовур ҳаёт давом этади... Орадан ҳеч вақт ўтмай, поезд бир хўрсиниб йўлга тушди. Бўм-бўш перронда қўлида тугун, гижим рўмолни иягидан тангиган ёлғиз жувон серрайиб қолди. Жувоннинг қорни эғнидаги кўк ёмғирпўшини билинар-билинмас туртиб чиққанди. Аста-аста томчилаётган ёмғир унинг кифтларидан резина калишларигача черта бошлади. Жувоннинг кўзлари олазарак боқарди. Акбар юзини деразага яқинлаштирди ва жувонга кўзи тушиб, тикилиб қолди. Жувоннинг лаблари қаттиқ қимтилган, узун киприкларидан ҳозиргина ёш думалаб кетадигандек авзойида эди. Совуқда кўкарган қўллари тугунни маҳқам тутганди. Ёмғир тезлашди. Электропоезд ойналарини ҳовур босди. Акбар қўли билан ойнани артди. Жувон ҳамон жойида қотиб турар, назарида, савалаётган ёмғирни ҳам ҳис қилмасди. Акбар тўсатдан орқасига қалқиб кетди: поезд жойидан силжиди. Тезда жувон ҳам, перрон ҳам ортда қолди. Ойна ортида енгил ҳовурга бурканган далалар, уйлар, дарахтлар липиллаб ўтиб турди. Ҳар кун тиниқ кўриниб тургувчи олис тоғлар ҳам бугун ёмғир пардаси остида қолди. Бугун олис манзаралар кўринмади. Негадир Акбарнинг кўз ўнгида перрондаги ёшгина, кўҳликкина жувон, унинг қаттиқ қимтилган лаблари миҳланиб қолди. Ҳаёлига нималар келмади. Балки жувон оиласидан ҳайдалгандир, яқингинада қурган турмуши бузилгандир. Нобон эр, жоҳил қайнона уни оғироеқлигига қарамасдан ҳайдаб солгандир. Ва у ҳозир нима қилишини, қаёққа боришини билмасдан эсанкираб турибди. Йўқ, йўқ, балки жувон умуман ҳали турмуш қуришга улгурмагандир. Қиз боши билан алданган, бир лаҳзалик лаззатга учгандир. Ота уйини не-не кўнгли билан тарк этган, номусдан дуч келган поездга чиққан... Ҳа, ҳа, шу ҳақиқатга яқинроқ. Энди у поезддан тушиб олганича қаерга боришини билмай довдираб турибди.

Акбар бу гал поезд шаҳарга қандай кириб келганини

сезмай қолди. Юрагида тийиқсиз истак пайдо бўлди. Эсизгина, ёнида бир парча қоғоз ҳам йўқ экан. Қани эди, перронда шалвирабгина туриб қолган боғи жувоннинг қиёфасини чизиб олса. Акбар тўрхалтасидаги бир уюм газет-журнални беихтиёр титкилади. У ҳар кун умрининг беш-олти соатини йўлга сарфлайди. Шу важдан ишхонадаги кутубхоначи аёлдан йиллик газета-журналлар, китобларни сўраб олади. Йўл бўйи шуларни ўқиб кетади. У баъзи йўлдан толиққан кезлари ўз-ўзига таскин беради: агарда шунча масофага қатнаб ишламасам бу газета-журналларни ўқимас, оламда нима гаплар бўлаётганидан беҳабар юраверар эдим. Хайриятки, вақтни бекорга сарфламаяпман. У тўрхалтани титкилаб ҳеч нима тополмади. Ишхонага бориши билан ўзи гувоҳ бўлган манзарани чизиб олади.

У бугун ҳамкасбларидан атайин ўзини олиб қочди, ҳаёлидагини қоғозга тушириб олмас, бутун ҳаракати зое кетади. У қалам билан тез-тез чиза кетди: ана, намли, рутубатли тонг, кўз илғамас, фэйзсиз кичик бекат, ана, резина калиш, кўк ёмғирпўш кийган, сочлари рўмолдан тўзғиб чиққан, кўзлари олазарак, лаблари қимтилган қиз... Барибир кўнгидагидай чиқмади. “Уйга бориб яна чизаман”, у ичида ўзига-ўзи шундай деди.

Газета-журналларни кутубхоначига топширди. — Нима берай, Акбаржон? — кутубхоначи опа кўзойнак ортидан унга тикилди.

— Раҳмат, ҳозирча ҳеч нарса керак эмас. Бир-икки кун дам олай.

Акбар аслида дам олмоқчи эмасди. Ахир газет-журнал ўқиб чалгиси, ҳаёлидаги манзара чалланади, хира тортади. У бармоқлари билан кун санади. Яна икки кун ишласа, шанба-якшанба дам олади. Ихтиёрида икки кун бор, насиб бўлса ўтириб ишлайди. Фақат Мавлуда индамаса, жанжал чиқармаса бўлганди. Шунинг учун ҳозир тайёргарлик кўриб қўйиш керак. “Туш пайти бозорга тушиб, бозорлик қилсам, шанба кун уйдан ташқарига чиқмайман. Мавлуда хурсанд бўлади, ишга ўтирсам, жини кўзимайди”, — ўйлади Акбар. Ва шундай қилди.

Ёмғир қуйгандан-қуйди. Кўк ёмғирпўшли жувон жала остида қолди. Унинг кўнгири сочлари ивиб пешонасига ёпишди. Акбар бир зумда ҳаёлидаги манзарани бир неча хил кўринишини чизиб ташлади. “Муҳими, картина қилиш, полотнога кўчириш”. У беихтиёр Ван Гогнинг “Ёмғирдан сўнг” асарини эслади. Ёмғирдан кейинги куннинг таровати, деҳқон кунни манзарасини эсларкан, ичида мамнун бўлди: унинг ёмғирли кун манзараси, насиб бўлса, ҳеч кимниҳига ўхшамайди. Асарда ҳам манзара, ҳам инсон қиёфаси акс этади. Кайфият, инсон тақдири бўртиб туради. Ҳақиқий инсоний асар бўлади.

Дастурхон теварагида жимгина овқатландилар.

— Бошлиқ билан айтишиб қолдим, — Мавлуда нима деркин дегандай Акбарга қаради. — Қарасам ҳар хил гаплар қилипти.

Акбар қошиқни косога ташлади. У хотинининг ўйлаган ўйини англагандай бўлди:

— Сен нима дединг, эримга айтаман, дедингми?

— Нега одамни майна қиласиз? — Мавлуда қўлидаги қошиқни зарда билан тарақлатиб косога ташлади. — Ҳа, дедим деганими. Бир хаёлпараст эрим бор, унга мен биров билан юраманми, юрмайманми, барибир. Бўпти, айтганингиз бўлақолсин, дедим.

Акбар қўлларини пешонасига тиради. "Яна эски ашула бошланди.. Тўхтатиб бўлсан энди." У хотини ўзини беҳад севишини ва шунинг баробарида бениҳоя қизгани, рашк қилишини, бу рашк баъзан то ёқа бўғишгача олиб бормаса, асло қоникмаслигини, депсиб уйни бошига кўтаришини яхши билиб олганди.

Мавлуда индамай ўтирган эрига қараб, ғазаби келди. "Шуям эрми?"

— Тўғри айтибманми? — деярли бақириб деди аёл.

— Бўпти, эртага бошлигингни олдига бир борай. Мақсади нима, билмасам юрган эканман йигит бўлиб, — Акбар астойдил шундай деди. Чунки бу машамшалар охир-оқибат унинг жонига теккан эди. Мавлуда бошлиғи ҳақидаги гапларни тўқиб чиқарганлиги, эрининг бунга қандай қарашини, қандай чора кўришини ўз кўзи билан кўргиси келадигани унга янглик эмасди. Ва аёлнинг бошлиғи агарда у борса, бундай жинни хотин сизга керак бўлмаса, бизга мутлақо зарур эмас, деишига ишончи комил эди.

Мавлуда эрининг сўзлари чин эканлигини билди, дастурхонни йиғиштираркан, гудранди:

— Бўлди, бўлди, ўзим жавобини бериб юбордим.

Орага ноқулай сукунат чўкди. Хотин ахири идишларни йиғиб олиб кетди. Ошхонада этагига ёпишган қизчасига нималардир деб бақирди, қизча дод солди, нимадир синди. Бир зум ҳаммаёқ тинчиб қолди. Мавлуда шу билан аламдан чиқди. "Хайрият, бу сафар жанжални катта қилмади", суюнди Акбар, У сурат чизадиган хонага кираркан, бир муддат тўхтаб қолди, хаёлидаги манзарани ҳадеганда қайта тиклай олмади. "Бугун ҳам ҳаром бўлди", — у юраги сиқилиб, полотнога тикилди.

У яқинда йигирма еттига киради, шу умри давомида фақат осойишталик истади, жанжал-сурондан қочиб яшади. Эсида, дадасининг ичиб келди деганича у бирон ўртоғиникига ёки кунлар илиқ бўлса, рўпарадаги тепаликка қочиб кетарди. Тепаликдан кафтдай кўринган қишлоқ манзарасига қараб уйдаги нохушликларни бир дам унутарди ва беихтиёр юрагида расм чизиб истаги жунбишга келарди. Худди атайин қилгандай, чекига жанжални пулга сотиб оладиган хотин тушди. Бу ерда тепалик ҳам йўқ қочиб бориб жон сақласа... Ундан кейин бўёқларини, мўйқаламини, бошлаб қўйган ишини ташлаб ҳам кетолмайди.

У хонада у ёқдан-бўёққа юрди. "Энг муҳими, Мавлуда билан айтишмаслик, унинг гап-сўзларига аҳамият бермаслик керак. Қачонлардир кимлардандир эшитганди: одам турмуш майда-чуйдаларидан, икир-чикирларидан устун туриши керак, деб. У ҳам энди шундай қилади, турмуш галваларига заррача эътибор бермайди. Шу пайт дераза чертилди. Хаёли бўлиниб, деразага яқин борди. Деразани чертаётган ёмғир экан. Бирдан хаёлида кичик вокзал, перрондаги жувон жонланди. Шунда у барини, борлиқни унутди.

...Назариде керакли бўёқни тополмагандай бўлди. Нима қилса, қандай бўёқ берса, кайфият ифодаланади? Қандай чизса, аро йўлда қолган, адашган қиз акс этади? Шунча мўл ишласа-да, чизганлари ўзига маъқул келмади. "Ахир фақат хаёл билан расм чизиб бўлмайди-ку. Энг машҳур мусаввирлар ҳам нусха кўчирган", у ўзига-ўзи тасалли берди. Уни қаёқдан топсин? Мабодо ўша жувонга ўхшаш одамни топганда ҳам унга маблаг қани, шароит қани? Акбар машҳур мусаввир бўлса эканки, холис устахонаси бўлса. У ҳафсаласи пир бўлиб қўлидан чўткани ташлади. Рухи тушди. Икки кун ҳам "ғув" этиб ўтди-кетди. Эртага яна ишга бориши керак. Яна эрта саҳардан қора кечгача ўзи истамаган ишларни қилиши керак. У ҳеч қачон машҳур мусаввир бўла олмаса керак. Наридан, ўртамиёна бир сураткаш. Илк бор қўлига қалам билан қоғоз олиб, расм чизган, ўша расмини уч-тўрт одамга маъқул қилдирган сураткаш борки, машҳур бўлишни орзу қилади. Шухратга интилиш гуноҳми, орзу қилиш айбми? Лекин орзуга эришиш нечоғли мушкул. Турмуш юки остидан чиқиб олиш нечоғли огир. Акбар шундай ўйлар билан ўзига-ўзи тасалли бераркан, юрагини

қоллаган таҳлика орқага чекинди. У яна қўлига чўткани олди. Хаёлидан тасвири тобора ўчиб бораётган перрондаги жувонни амалда тиклашга бор кучи билан тиришди.

Акбарнинг миёсига тўсатдан бир фикр келиб қолди. Бу фикр ноҳос дилини ёритиб юборди. Бу фикр уни қўтқарди, бу фикр келажagini ёритувчи маёқ бўлди. Ахир ҳар кун ишга бўзчининг моксидай шаҳарга ишга бориб келавериши шартми? Ахир туссиз ҳаётида ва ниҳоят маъно пайдо бўлди-ку, ахир у ўзинини топди-ку. Назариде расм чизмаганига бир аср вақт ўтганга ўхшайди. У эртадан бошлаб то адашган қиз асарини тугатмагунича ишга бормади, тамом вассалом. Сабаби: ишдан ҳам муҳимроқ ишлари бор. Мавлудами, қўлидан келганини қилсин.

У қатъий қарорга келди.

Кеч кузнинг рутубатли тонги. Ёмғир эзиб ёғяпти. Совуқ ҳовур изма-из келиб турган поездларни парда каби ўра олди. Мана, аста аста поезд жойидан жилди. Поезддан тушувчилар, чикувчилар ариди. Перронда қўлида туғун, югун кийинган ёшгина хокисор жувон қолди, холос. Жувоннинг сочлари рўмонга сўз бермай, шамолда тебранади, лаблари қаттиқ қимтилган, қоп-қора кўзлари саросимада — жувон юкли.

Акбар ўзи хаёлан кашф қилган ёшгина жувон ҳаётига сингиб кетди, гўё у билан бирга нафас олди. Чўтка тутган қўллари тин олмади.

— Шундай ўтираверадиларми? — Мавлуданинг овози уни ҳушига қайтарди. У орқасига ўтирилди, остонада қошлари чимирилган, даргазоб хотинини кўрди, беихтиёр қўллари пастга тушди. — Сабабини билмас бўладими?

Акбар нима гаплигига тушунмагандай хотинига тикилиб қолди.

— Нега анқаясиз? Неча кун бўлди, ишга бормаёсиз, гап гапирсам анграёсиз. Қилинадиган қанча ишлар ётибди. Бу кишим бўлсалар расм чизиб ўтирибдилар. Кошки бу расм ўлгур ош берса, нон берса.

— Бас қил! — у хотинига ўшқирди, ерга чўкиб тиззаларини кучоқлади. У шу гапни сен гапиряпсанми, эй хотин, ахир сен оми, ўқимаган аёл эмассан-ку! Бир пайтлар сен ҳам санъаткор бўлишга даъвогар эдинг-ку, дегиси келди. Аммо ҳайф сенга сўз, дегандай энаси қотди.

— Э! — у қўлларини силтади.

Мавлуда эрининг кайфиятини бузилганини кўриб, шашти пасайди.

— Намоз аканикига бориш керакмиди? — Мавлуда юмшаб писанда қилди.

Акбар гап нимада эканлигига энди тушунди. Бир маҳалла наридаги Намоз ака шу кузда уй тузаб, безатяпти. Уйнинг бир хонасига манзарали расм чиздирмоқчи. У ўн кунларча аввал Акбар билан келишганди. Бутунлай эсида чиқиб кетибди-я! Унинг юраги орқага тортди. Яна ёзининг кун истамагани бўлди. Акбар ҳар йил ёзни интиқ бўлиб кутади, тоғларга, қишлоқларга чиқиб, расм чизсам деб орзулайди. Аммо орзу-орзулигича қолади. Рўзгор деб аталмиш гор уни ҳам, унинг орзуларини ҳам ўз комига тортади. "Шу ёз ишласангиз мебель, гилам оламан. Шаҳардан уй оладиган бўлсан, ҳеч вақомиз йўқ". У шундай-шундайлар билан тобора хоҳлаган расмларини чизмай қолаверади. Кўнглидаги мунг хаби, қувонч хаби оҳанг борган сари уни тарк этиб бораверади. Энди яна кўнгли орзуларидан воз кечсинми? Барини аро йўлда ташлаб, пул топишга тушсинми? Энди кўнглидаги полотнога қўчаётган ўша... ўша жувонни ташлаб кетсинми?

— Бориб айт, эрининг зарур ишлари чиқиб қолди, кела олмайди, де.

— Нима-а?!

— Шу. Мен картинани тугатмагунимча ҳеч қаёққа бормаёман. Сен айтмасанг, ўзим бориб айтаман.

— Сиз ахир йигитмисиз? Лафзингиз борми? — Мавлуданинг жони ҳалқумига келди. У сира-сира Акбардан бундай қилиқни кутмаганди. — Эй, инсон, сизга катталикни ким қўйибди? Олдин энгил-бошингизга бир кийим илинг-да, кейин катталикни қилинг-да ия.

Акбар ўзини тутолмай қолди.

— Қани, чиқ, чиқиб кет! — У бир қўли билан хотинини эшик томон итарди, бир қўли билан расмини муҳофаза қилди.

— Нега мени ушлайсан, қўйвор! — Мавлуда беихтиёр сен-сенлаб кетди. — Ҳали мени итдай ҳайдайдиган бўлдингми? Сен-а?

Мавлуда бир юлқиниб эрининг қуршовидан чиқди-да,

оёғидан шиппагини олиб жон-жаҳди билан расмга қараб отди.

Шиппак нишонга тегди.

Шиппак нақ кўк ёмғирпўшли жувонга тегди.

Шиппак учиб бориб жувоннинг ҳозир йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деяёзган алфоздаги юзига, маҳкам қимтилган лабларига тегди.

Шиппак зарб билан урилиб, бўёқларни чаплаб юборди.

Шиппак зарб билан урилиб расмли матони тешиб кетди.

Шиппак зарб билан урилиб жувоннинг чеҳрасини жароҳатлади. Жароҳатдан тирқираб қон оқди...

— А-а! — Акбарнинг томоғидан бир нидо отилиб чиқди.

У беихтиёр бошини чангаллаб ўтириб қолди.

Мавлуда нима бўлганига энди ақли етгандай саросимада қолди. Орага оғир сукут тушди.

— Яхшиси кет, — Акбар бошини кўтармай ҳансираб деди.

— Нега мен кетарканман, ўзинг кет, — деди Мавлуда ўзини тутиб.

— Мен кетайми? Бўпти, — Акбар шаҳд билан ўрнидан турди.

Энди уни бу уйда ҳеч қандай куч тутиб туролмас эди.

Кеч куз шамоли бадан-баданни тешиб юборгудай изиллайди. Олис-олислардан паровозлар гудоги чалинади. Вокзал биносидаги чироқ ҳозир ўчиб қоладигандай липил-лайди. Саёқ ит ичкарига кирмоқчи каби искаланади. Қоровул чол саёқ итга қўлига тушган консерва банкасини отади. Консерва банкаси итнинг оёғига тегади. Ит вангиллаб жўнайди. Ташқарида мов бўлган мушуклар қийиллайди, янги туғилган чақалоқлар каби чирқиллайди.

Акбар кўза очиб юмгунча бор-йўгини ўгри тўнаб кетган одам кепатасида қатор тизилган аҳдай ўтиргичларга ўзини беҳол ташлади. Бир муддат кўзи илинди. Хушидами, тушидами, микрофондан бўғиқ овоз таралди: "Диққат, диққат! Ҳурматли пассажирлар! Иккинчи йўлда "Тошкент—..." поезде келиб тўхтади. Қайтараман..."

Шунда кимдир елкасига аста қўлини қўйди. У сесканиб орқасига ўтирилди. Қаршисида рўмолини иягидан боғлаган, бир қўлида тугун, эғнида кўк ёмғирпўш, оёғида қора калиш, ёшгина жувон турибди. Жувон кўҳликкина... қорни билинар-билимас ёмғирпўшини туртиб чиққан, узун-узун киприкларидан томган томчи ёш йилтиллади, лаблари маҳкам қимтилган.

— Болам, эшикка рўпара ётманг, елвизак. Тагин шамоллаб қолманг. Туринг ўрингиздан, — қоровул чол Акбарнинг кифтидан аста туртди.

Акбар сапчиб ўрнидан турди Теварагига бир қур назар солди, ўзига келди.

Узоқ-яқиндан хўрозлар узун-қисқа қичқириб, сахарни қаршилади. Тонг ёришиб келди.

Узоқ-узоқлардан рельсларни тарақлатиб поезд бекатга яқинлаша бошлади.



Садриддин САРИМСОҚОВ

О Н А Ж О Н

Соғинч. Юрагимга кирасан,
Турна шафқат билмас ханжарда.
Меҳринг дарёсини тилади.
Теграмда оломон аждарҳо...

Йўллар сочилади тушларга
Туман пардасида уйгонгум.
Мени тиламаган бўшлиқда
Чопқиллар сен ёққа армоним.

Шуурида саҳарлаб боқасан,
Илонизи, гўр, дардчил сўқмоққа.
Дуодан умидинг шуъласин ёқасан,
Болалигим хаёлингдан оқмоқда.

Бир чимдим ёғдунгни айтдим?
Билмадим билмасман ҳеч қачон.
Ҳеч кимга кераксиз байтимни,
Ўйлама, мени кут ОНАЖОН.

Ҳалқоб, ҳалқоб, сувар гулу,
Ўрқачида битта сулув.
Термуламан, кетолмайман
Саробга-да етолмайман.

Гажагига гуллар осган,
Қадамига кўнгил расан
Ўргиламан нигоҳидан
Қийналади қийналган шаън.

Озурдадир фароғат,
Сўнгсиз, мўнгсиз талофати.
Қараб-қувраб сўлолмадим
Қасдимни ҳам ололмадим...

Кетар ул гул битар бу дил
Хотирада тонг ҳавоси.
Наҳот кўнгил, наҳотки кул,
Икки жаҳон оввораси...

Садриддин САРИМСОҚОВ 1975 йил Қўшработ туманида туғилган. Ҳозир Тошкент бизнес коллежининг толиби.

Шеърлари "Ёшлик"да илк марта эълон қилиняпти.





Табиатнинг меҳру муҳаббатидан яралганмиз



*"ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг раис ўринбосари
Эргаш НОРМЕТОВ билан суҳбат.*

Эргаш Норметов. Чимкент вилояти, Сайрам туманида 1940 йил туғилган. Олтой ўлкасидаги Уст-Каменогорск йўл қурилиши олийгоҳини 1968 йил муваффақиятли тугаллаган. Шундан буён жумҳуриятимиздаги турли масъул лавозимларда самарали хизмат лилиб келмоқда. Иқтисод фанлари номзоди, профессор.

Айни кунда "ЭКОСАН" халқаро жамғармаси раис ўринбосари, Тошкент тижорат коллежжи ректори вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

— Эргаш ака, суҳбатимиз айни кундаги экологик жараён ва унинг атроф-муҳитга, қолаверса, инсон ҳаётига таъсири хусусида экан, гапнинг аввалини шундай саволга жавобдан бошласак: бугун юртимизда қандай экологик ҳолат сақланиб турибди? Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатдан кўнгил қониқадими? Шахсан сизни зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган қандай муаммолар ташвишга солади?

— Биласизми, одамзот боласининг бу дунёга келиши, узоқ йиллар умргузаронлик қилиши, умуман айтганда, шу кафтдек ер юзини ўзига ватан деб билиши, унинг истак-хоҳишидан ташқари бошқа кўп қонуниятларга таъсир қилиши, Гарчи биз кўпда кўзга ташланмайдиган бу қонуниятларни тузук-қуруқ идрок этмай, улар доимий ҳаракатда эканини ва ҳаётимизга бевосита дахлдорлигини сезмай яшасак-да, бари бир умр йўлимиз шундай таъсирлар уйғунлиги, остида кечади. Инсон ва табиатнинг бир-бирига муштараклиги шундай қонуниятлардан биридир. Ердаги ҳаётни табиатдан ажратган ҳолда тасаввур қилиш асло мумкин эмаслиги барчага кундек равшан бўлса керак.

Минг афсуски, биз узоқ йиллар инсон ҳаётига бевосита дахлдор шундай қонуниятларни писанд этмай яшаб келдик. Кўп ҳолларда эса уларни қўпол ва шафқатсиз равишда буздик. Аммо табиатга нисбатан қилинган ҳар бир зуғум, ҳар бир шафқатсизлик ҳеч қачон бенз кетмаслигини, у ўз навбатида қаттиқ ва аёвсиз "ўч олишини" сира ҳаёлимизга келтирмадик. Бугун юртимизда сақланиб турган аянчли экологик ҳолат ҳам, ҳеч шак-шубҳасиз, бир пайтлар ўйламай босган қадамларимиз оқибатидир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, айни кундаги экологик ҳолат кишини ташвишга солишга тўла асос бўлади. Қўйида келтириладиган мисоллардан ҳам буни билиб олиш мумкин.

Бугун биосфера мувозанатининг бузилиши, иқлимнинг кескин ўзгариб кетаётгани ва ижтимоий-экологик ҳолатнинг ниҳоятда сустраслаётгани кундалик турмуш тарзимизга катта хавф-хатар солиб турибди. Кейинги 30-40 йиллар давомида йирик ишлаб чиқариш корхоналари, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги аграр саноати ва бошқа кўпгина соҳаларда атроф-муҳитни муҳофаза этиш, уни ифлосланишдан сақлаш

чора-тадбирларига мутлақо эътибор бермай қўйилди. Устига-устак, инсон ҳаёти ва табиат учун жуда зарарли саналган кимё заводлари аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда қурилиб, ишга туширилди. Бундай ҳолни Тошкент шаҳри ва унинг тевагагидаги Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятлари мисолида кўриш мумкин. Бу ўтган даврда қишлоқ хўжалигида ҳам худди шундай ҳолат ҳукм сурди: пахта майдонларида заҳарли модда ва ўғитлар миқдоридан ортиқ даражада қўлланилди. Оқибатда ернинг таркиби буткул ўзгариб кетди. Урта Осиё ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган Аму ва Сир дарёлари бугун нефть қолдиқлари, пестицид ва феноллар билан ифлосланган. Назорат ишлари қониқарсиз аҳволда олиб борилгани натижасида Оролбўйи ҳудудида жойлашган Хоразм вилоятида 50 фоиз, Қорақалпоғистонда 30 фоиз ерларни шўр сув босган. Ер ости сувининг сатҳи эса, 2-3 метрга кўтарилган.

Бошқа бир муаммо ҳам кишини жиддий ташвишга солади. Урта Осиё ҳудудида энг катта шаҳарлардан бири ҳисобланган Тошкент шаҳрида ахлатларни қайта ишлайдиган ёки уларни атроф-муҳитга зарарсиз тарзда куйдирадиган биронта корхона мавжуд эмас. Қолбуки, бир кунда 4 минг тоннадан ортиқ ахлат пайдо бўладиган Тошкентдек шаҳри азимда кам деганда 4 та шундай корхонанинг ишлаб туриши шарт ва зарурдир. Айни кунда, кўпчиликнинг хабари бўлса керак, ахлатлар кўча-кўчада сочилиб ётади, баъзан шу ернинг ўзида уларга ўт қўйиб юборилади. Бунинг оқибатида атроф-муҳитга, аҳолига қанчалик зарар етишини ҳеч ким ўйлаб кўрмайди.

Юқорида келтириб ўтилган мисолларга ўхшаш яна бир талай муаммолар мавжудки, улар алақачон инсон ҳаётига таҳдид сола бошлаган. Одий бир мисолга мурожаат этадиган бўлсак, биз истиқомат қиладиган ҳудудда тараққий этган давлатлар билан таққослаганда эркаклар 12-14 йил, аёллар эса 8 йил кам умр кечиради. Ҳар йили туғилаётган болаларнинг 50 мингдан зиёди ҳам ақлан, ҳам жисмонан заиф ва ногирондир. Бундай ногирон болаларни тарбиялаб вояга етказиш, касалларни умр бўйи даволаш ота-она, қолаверса, давлат зиммасига озмунча қийинчилик юклайди-

ми? Айниқса, бугун, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ташаббуси кўтарилган бир пайтда бу бир дақиқа ҳам кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масаладир. Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун эса ишни аввало атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни барқарорлаштиришдан бошлаш керак, деб ўйлайман.

— Маълумки, солиқ иттифоқ даврида нотўғри сиёсат юритилган туфайли экологик ҳолатнинг бузилиши ҳеч қайси жумҳуриятда биздаги каби авж нуқтасига чиқмаган эди. "Аламзада" табиат ҳатто инсон ҳаётига таҳдид солишгача бориб етди. Бугун, жумҳуриятимиз мустақиллик ва озодлик йўлига кирган бир паллада экология билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш асосан "ЭКОСАН" жамғармаси зиммасига тушиб турибди. Айтинг-чи, бу борада қандай хайрли ишлар амалга ошириляпти? Моддий тақчиллик қийнаб қўймаптими?

— Албатта, солиқ иттифоқ даврида юритилган ғайриинсоний сиёсат кўп соҳалар қатори экологияда ҳам ўзининг чуқур асоратини қолдириб кетди. Тузум ўз моҳият-эътибори билан инсон манфаатларига мутлақо зид бўлган, ундан қандай хайрли ишларни кутиш мумкин эди?! Шукри, у кунлар энди қайтмас бўлиб кетди. Айни кунда жумҳуриятимиз мустақиллик йўлида дадил қадамлар ташлаётган бир пайтда ҳукуматимиз раҳбарияти экология билан боғлиқ муаммоларни тез кунлар ичида бартараф этиш масаласига алоҳида диққат-эътибор билан қараётгани кишини қувонтиради.

Сўзимнинг исботи тариқасида 1992 йил май ойида шахсан ҳурматли Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан "ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг таъсис этилишини айтиб ўтишни истар эдим. Бу жамғарманинг тузилиши жумҳуриятимиз ҳаётида жуда улкан ва хайрли воқеа бўлди. Чунки шу пайтга қадар албатта, "Оролни қутқариш" қўмитасини ҳисобга олмаганда, бевосита экология муаммолари билан шуғулланадиган бирон-бир ташкилот мавжуд эмасди. Шундан буён "ЭКОСАН" жамғармаси экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб келмоқда. Биз аввало барча вилоят, туман, шаҳар ва кўпгина олий ўқув юртларида ўзимизнинг бошлангич ташкилотларимизни ташкил этиб, фаолиятини йўлга қўйдик. Айни кунда улар ўз дастурлари асосида қизгин иш олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, бу ўтган давр мобайнида "Тоза сув", "Тоза ҳаво", "Экология ва саломатлик", "ЭКОСАН поезди" каби бир нечта аниқ дастурлар ишлаб чиқиб, уларни экологик муҳит кескинлашган ҳудудларда амалга оширдик. Бундай дастурларни амалга ошириш, албатта, ўзининг катта самарасини берди. Бундан кўпчилик журналхонларнинг хабарлари бўлса керак. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ўлкамизда бугун ҳукм сураётган экологик жараён бир-икки йил ичида қалқиб юзага чиққани йўқ, аксинча, улар узоқ йиллар табнатга нисбатан нописанд муносабатларимиз оқибатидир. Энди бундай муаммоларни бартараф этиш, соғлом муҳитни вужудга келтириш ҳам биздан анчагина вақт талаб қилади. Шу маънода, "ЭКОСАН" жамғармасининг қилинажак катта ишлари ҳали олдиндадир.

Албатта, бугунги иқтисодий тақчиллик даврида кўнгилдагидек иш юритиш, ишлаб чиқилган дастурларни такомилга етказиш учун зарур маблағнинг етишмаслиги олдимизга талай қийинчиликларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бироқ биз бундай қийинчиликлар қаршисида қўлни қовуштириб, сукут сақлаб қолганимиз йўқ. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бир паллада кимдандир ёрдам кутиш аслида инсофдан эмас. Биз ўз ички имкониятларимиздан жуда оқилона фойдаланмоқдамиз. Чунончи айни кунда жамғарма қошида бир нечта қўшма корхона, дорихона ва савдо дўкончалари қизгин фаолият кўрсатмоқда. Яқин кунларда "ЭКОСАН" тижорат банки иш бошлаш арафасида

турибди. Мана шундай ички имкониятлардан топилган маблағларни экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида сарф этиш ниятидамиз.

— Эшитишимизча, "ЭКОСАН" жамғармасида халқаро алоқалар яхши йўлга қўйилган экан. Бундай амалий ҳамкорлик қандай натижалар бермоқда?

— Биз шуни очиқ-ойдин тан олишимиз лозимки, юртимизда мавжуд экологик муаммоларни чет эл техника ва тажрибасидан фойдаланмай туриб, бутунлай ҳал этиш асло мумкин эмас. Чунки чет эл мамлакатлари бу борада бой тажрибага эга. Улар биздан анча илгарилаб кетишган. Шу боис ҳам "ЭКОСАН" жамғармаси ташкил этилган, унинг дастури ва амалга оширажак режалари кўпгина чет эл давлатларига юборилган эди. Шундан сўнг кўп ўтмай жамғарма номига 30 дан ортиқ давлатдан мактублар келди. Ушбу мактубларда "ЭКОСАН"нинг дастури тўла қўллаб-қувватланиб, моддий маблағ ва замонавий асбоб-ускуналар билан ёрдам бериш билдирилган эди.

Бундан ташқари биз кўпгина чет эл мамлакатларидаги машҳур фирмалар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишни йўлга қўйганмиз. Шундай ҳамкорлик натижасида яқинда Франциядан сувни тўзалайдиган махсус асбоб олди ва уни Нукус шаҳридаги болалар шифохонасига топширдик. Ҳиндистонлик биродарларимиз тақдим этган 50 минг доллар миқдоридаги дори-дармонларни Орол бўйида жойлашган туман ва шаҳар касалхоналарига юбордик.

Амриқонинг Комардо штатидаги "Сервис Эдвентурз Инк" фирмаси билан тузилган шартномага кўра бу йил ёзги таътил кунлари Чотқол миллий боғида экология муаммоларига бағишланган илмий анжуман иш бошлайди. Бунга амриқолик олим, талаба ва телевидения ходимлари ҳамда ўзбекистонлик мутахассислар қатнашишади.

— Суҳбатимиз сўнгиде "ЭКОСАН" жамғармасининг келажақдаги режа ва мақсадлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— "ЭКОСАН" жамғармаси шу кунларда аста-секин қад ростлаб борапти. Бизнинг келажақдаги мақсад ва режаларимиз жуда каттадир. Яқин кунлар ичида бир қатор ишларни амалга ошириш ниятидамиз. Хусусан, чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ахлатларни қайта ишлайдиган махсус корхона қуришни мўлжаллаяпмиз. Хоразм, Қорақалпоғистон ва экологик шароит оғир бўлган бошқа ҳудудларда ичимлик сувини тозалаб берадиган замонавий иншоотлар қуриш тарадудида турибмиз.

Ташкилий масалаларга келсак, жамғарманинг бўлимларини чет эл давлатларида ҳам очиш ниятимиз бор. Яна жамғарма қошида худди машҳур "Рим клуби" сингари Тошкент "ЭКОСАН" клубини ташкил этмоқчимиз. Бу клубга ўз илмий изланишлари билан дунёга танилган олимлар, давлат арбоблари, журналистлар ва бошқа соҳа вакиллари аъзо бўлишади. Клубнинг асосий йўналиши Ўрта Осиёдаги экологик ҳолатни ўрганиш ва уни барқарорлаштириш йўлларини излаб топишдан иборат бўлади.

Хуллас, шунга ўхшаш яна бир қатор режа ва ниятларимиз борки, буларнинг барчаси инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни уйғунлаштиришга қаратилган.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Шодиқул Ҳамро.





Аъзам ҲКТАМ

ГУЛ ИСИН ИФТОРЛИК УЧУН БЕРДИ ШОМ



ХИЗМАТ

Элчига ўлим йўқ,
рост сўзлар фақат
эшитганлар титраб кетса ҳам,
Подшоҳ берган шундоқ ваколат.
Лекин бўйнингга ол,
билки, ўлим нақд —
агар фуқаронинг элчиси бўлсанг.

ТУШУНЧА

Боринг бермоқ — закот, яъни қарз,
Қочмоқ—аҳли дунёдан—ҳижрат.
Туни билан йиғламоқлик—фарз,
Сўнг кун бўйи хўрсинмоқ—суннат.

ТААЖЖУБ

Ётлашишар умр ўтган сайин,
Йилдан оғир кечар дақиқа.
Унисининг номи "хўжайин",
Бунисининг исми "рафиқа".

БАЛОҒАТ. УСМОН НОСИР

Ўгайга ўхшайман она Ватанда.
Тун. Бўрон. Таҳлика.
Яшашдан бездим.
Бор овоз-ла куйлаш таъқиқланганда
Овозим очилиб кетганим сездим.

ЖЎНАТИЛМАЙДИГАН ХАТ

Нечун сени кўрсам ғамларим кетар,
кўзалари ғуссага тўлган гулойим?
Ғам недир, ортиғу камларим кетар,
бор-йўғим зер-зебар қилган гулойим?
Султон бўлолмасан уйингда сенинг,
Сен ҳам бўлолмасан ғамхўр, дастёрим.
Наҳот яралгансан шўримга менинг,
ҳамиша беморим, ҳамиша зорим?
Ҳали-ер остига эмасмиз лойиқ,
Фаришта эмасмиз кўкка чиқарга.
Худомас, ҳакамдир бизга халойиқ,
Куч йўқдир тоғнимас, сўзни йиқарга.
Ҳаргиз боролмайман сен томон босиб,
Сен ҳам чиқолмасан остона ҳатлаб.

Мен ўқиб йиғлайман ўзим хат ёзиб,
Сенга етиб бормас мен битган хатлар.

ҲАРАКАТ

Қаршилиқ. Қамоқ. Қийноқ. Қасос. Қин. Қилич. Қалқон.
Қуюлади қон — қайноқ. Қаттол, қаттиқ қатагон.
Ўлар. Ўкирар. Ўйлар. Ўпирилар. Ўрганар. Ўнганлар.
Ўқир. Ўйнар. Ўсар. Ўтар. Ўрганар.

Қувонч қаҳат. Қотади. Қора қисмат. Қайғу. Қон. Қадим
қудрат қайтади қачон? Қачон?

Олиш. Отиш. Ободлик. Оғир ожиз оламга. Омонлиғу
озодлик омонатдир одамга.

Нотиқлар номард, нокас. Нечун нолиш, насиҳат? Нажот
— норози нафас. Нафрат — насиба, неъмат.

* * *

Кўзгинамнинг оқи — Тумарис,
Темур-кўзимнинг қораси.
Бири ёвим қирар, бириси қарғар,
Униси лочиним, буниси гулим.
У мағрур боқса, бу жовдираб қарар,
У бирла умр хуш, бу бирла ўлим.
Ёлғиз Оллоҳ эрур қодир, билгичим,
Мудом сидқу тавфиқ тиларим шундан.
Удир тобуткашим, будир йиғичим,
Ундан умид қилиб, қўрқарман бундан.

* * *

Эй, ота юртимдан келган йўловчи,
йўлинг ниятингдек мудом бўлсин оқ.
Топилса менга бир салом йўлловчи,
бир хушхабар ила дарвозамни қоқ.
Ўн беш йилки, бари кетмиш ўзгариб;
Фарзанд — ташвиш.
Ота-она — хавотир.
Биласан мен недан кулиб, бўзларим.
Сен алда уларни,
менга рост гапир.

ҶОРИНИ ЭСЛАБ

Қирқ кун бўлди — хазондир япроқ,
Ўчди сенга ёқилган шамлар.
Қуз оёқлар, совиди тупроқ,
Тирилмоқда қалбимда ғамлар.
Э худо, деб увишади тан,
Гарчи қишмас, вужудим яқлар.
Бир аянчли қисирлар экан
Қабристонда ўсган дарахтлар.

БОБОЛАРИМ

Уларда ҳар не оқ, ҳар не нуроний,
"Қора" сўзин ёзмай қалам тек қолар.
Дуо бирла суяб турар дунёни
Пайғамбар ёшини оқлаган чоллар.

* * *

Билмайман —
не ердан изларим сени,
Излаган, топганда
Не ҳам қилардим?
Бир армон ўртайди тунлари мени:
Йиғлаб жанозамга келсанг...
Ўларим.
Эсласам —
яқиндай туюлар само,
Единг борлигимни ёғдуга белар.
Истамасман —
бахтсиз бўлишинг, аммо
"Бахтли" деб ўйласам —
Сўкингим келар.

КЎКЛАМ СОҒИНЧИ

Чимдиб, тортар қулоқни, игна санчар изғирин. Туман.
Кўрмай узоқни — ҳамма туртар бир-бирин. Оғиз очирмас
довул, оёқларим тояди. Эвоҳ, кўкламга довуру совуқ жонни
ўяди.

Юрт бир кун қишдан безгай, ям-яшил туғ кўтарар:
хазон босган, қор эзган боғларимиз кўкарар!

ТАБРИК

Тилингизда ўша хуш наво,
қўлингизда ўзим билган соз.
Танимайроқ турибман аммо,
янгиранга ўхшайсиз бироз.
Иқболингиз тагин ҳам кулсин,
бошингизда сўнмасин шуъла.
Аравалар муборак бўлсин,
қуллуқ бўлсин янги ашула.



ЙИЛЛАР ЎТИБ...

Хазонзордир биз кезган боғлар,
саргайди биз гул терган қирлар.
Ўзга маъно касб этди "оқ"лар,
эсдан чиқди ёдланган шеърлар.
Билсанг, бекор бўғилганим йўқ,
энди дилдан куларим қийин.
Ўзим хоҳлаб туғилганим йўқ,
ўзим истаб ўларим қийин.
Билгим келар жудаям бироқ,
ўтган куним эсларкан нуқул:
Оҳу, нега соласан қовоқ,
нега мени қаргайсан эй, Гул?

КЎРГАНИМ

Қотиб кетди кўравериб кўз,
шундоқ эди, шу бўлар мангу:
кор қилади на буйруқ, на сўз,
сойга, фақат сойга оқар сув!

НЕЪМАТ

Рамазон — машаққат, синовлар ойи,
Ўттиз қоронғу кун, ўттиз ёруғ тун.
Тонглар насиб этди тоза ҳавою
Булбулнинг овозин саҳарлик учун.
Аччиқ сўз чиқмайди — ёпиқдир оғзим,
Бировга қадалиб тикилмак тамом.
Кўнгил тўқ, руҳ энгил.
Хушбахтман ўзим —
Гул исин ифторлик учун берди шом.

ИСТАГИМ

Кел, десанг —
Чопиб сўнгаларни
Шақиллатгим келур.
Ўлди, деб кулсин ишониб,
Ёвни лақиллатгим келур.
Бормагай тил сўз деярга,
Урмакка-да бормас қўлим,
Эшигингни кипригим бирла
Тақиллатгим келур.

ИЗОҲ

Ердан чиққаным йўқ.
Сирдошим — само.
Тўхтасам —
Хув тоғлар айлар маломат.
Ариқман,
Дарёга етмагунча то
Бағрим сув,
Кўзёшим сел бўлур фақат.

БАЪЗАН

Кўнгил ҳеч нарсадан тўлмайди сира,
Тинчроқ яшармидим девона бўлсам.
Тепамда осиглиқ болта — хотира,
Кошкийди ўзимга бегона бўлсам.

ҲАЁТ

Гоҳ бориб
Деворга урилди бошим.
Гоҳ келиб
Бошимга урилди девор.

ҚАНОАТ

Асл айбим —
Текис йўлда қоқинмоқдур.
Асл бахтим —
Ўзинг кўрмай соғинмоқдур.
Еру кўкдан мудом излаб
Хато қилдим.
Сени топмоқ йўли —
Доим топинмоқдур.



ҚУТЛОВ

На бўлғай яшашни сал осон қилсанг,
Қил сизмаган кўнглинг
Шуълага тўлсин.
Ҳар намоз орасин рамазон билсанг,
Бир кунда беш ҳайит
Муборак бўлсин!



АЪЗАМ ҲУТАМ 1960 йилнинг 4 октябрида Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги Хонобод қишлоғида туғилган. ТошДДнинг журналистика куллиётини тугатган. "Кузда кулган чечаклар", "Қузатиш", "Зиёрат", "Тараддуд" шеърини китоблари муаллифи. "Чўлпон" нашриётида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди.

Шоирнинг шеърларидаги теран фикр гўзал оҳангга солинганлиги эътиборни тортади. Бу жозиба шафағида ўзини кўз-кўз қилмайдиган устивор эътиқоднинг шуъласи кўнглини ёритади. Уни маърифатга етаклайди.



ЖЕЙМС ЖОЙС МАХЗУН КЕЧМИШ

ҲИКОЯ

Жаноб Жеймс Даффи ўзи фуқароси саналган шаҳардан имкони қадар узоқроқда яшашни истагани боис ҳам Чепелизод*да кун кечирар, Дублин теварагидаги кичик шаҳарчалар турмуш-тарзи унга қандайдир сохта, жимжимадор ва ўта замонавий бўлиб туюларди. У кўҳна, рутубатли уйда яшар, деразадан ташландиқ ароқ заводи ва қирғоғида Дублин қад ростлаган саёз дарё кўзга ташланиб турарди. Унинг шифти баланд хонаси полига тўшанчи тўшалмаган — шир яланғоч, деворларига ҳам лоақал биронта сурат осиб қўйилмаганди.

Жаноб Даффи ҳар қандай тартибсизликни — хоҳ у руҳий, хоҳ жисмоний бўлсин, барибир, жини суймасди. Мабодо ўрта аср олими юзма-юз келиб қолса, у ҳақида шундай башорат қилган бўлар эди: Жаноб Даффи Зуҳал юлдузи остида туғилган.

Унинг босиб ўтган умр йўли акс этган юзи ўзининг малла ранги билан Дублин кўчаларини киши ёдига солар эди. Узун ва ҳаддан зиёд катта бошини қора тиканакли соч қошлаган, сариқ мўйлови эса, лабларидаги ёқимсиз ифодани базўр яшириб турар эди. Бўртиб чиққан ёноқлари юзига шафқатсиз тус берар, фақат кўзларидагина бундай ифода кўринмасди: унинг кўзлари сариқ киприklar ортидан дунёга шундай маъно билан боқардики, гўё улар ўзга кимсаларнинг қандайдир айбу нуқсонларини адашиб-оғишмай топишаётганидан соҳиби мамнундек эди. Аммо бу кўзлар кўпинча дунёга ҳафсаласиз боқар эди. Жаноб Даффи худди мана шундай ҳафсаласиз ва ишончсиз нигоҳ билан ташқи оламда туриб, ўзига баҳо берарди. Бунинг устига, унинг ўзига алоҳида лаззат бахш этадиган ғалати одати бор эди: у худди учинчи бир кимса тўғрисида ўтган замонда туриб ҳикоя қилаётгандек вақти-вақти билан ўзи ҳақида меҳр-шафқатли ва илтифотли қилиб кўрсатмас, ҳаминша ёнғоқ дарахтидан ясалган пишиқ ҳассасига суянганча қатъий қадам ташлаб юрарди.

У узоқ йиллар Бэртот-Стритдаги хусусий банкда пул тарқатувчи бўлиб хизмат қилган эди. Уша кезлар у ҳар кун эрталаб Чепелизоддан трамвайда шаҳарга келар эди. Чошгоҳ пайт нонушта қилгани Дэн Бэркка борар, одатда, тамадди учун бир шиша пиво ва хуштаъм печенье харид қиларди. Соат тўртда хизматдан қайтар эди. У Дублиннинг "олтин ёшлари"дан холи ва мазали таомлар билан сийлайдиган Жорж-Стритда тушлик қиларди. Оқшомларни эса, ижара уйи бекасининг пианиноси ёнида ёки шаҳарнинг овлоқ жойларида бемақсад тентираб юриб ўтказар эди. Баъзан Моцартга бўлган муҳаббати уни концерт ёки операга етаклаб борарди — бу унинг ҳаётида яккаю ягона кўнгилочар одат эди.

Танишлар, дўстлар, ҳаётнинг мантиқий тизими, ишонч туйғуси — буларнинг бари унга ёт ва бегона эди. У ҳеч кимга кўнглини очмай, ҳеч ким билан сирлашмай ўзининг ички дунёсига бекиниб яшар, қариндошлариникига ҳам

*Ривоятларга қараганда, Чепелизодда Тристан Изольда билан юз кўришган.

**Концерт ва бошқа томошалар кўрсатиладиган бино.

рождество байрамида ёки уларнинг биронтаси бандаликни бажо келтирса, марҳумни сўнги йўлга кузатиб қўйиш мақсадида қадам босарди. Баъзан қулай пайт туғилганда банкни ҳам ўмариб кетишим мумкин, деган хомхаёлга борар, аммо бундай қулай пайт билан юзма-юз келиш унга ҳеч қачон насиб этмаганди — унинг умр дарёси бир қолипга тушиб оқар, ҳаёти худди маънисиз қиссага ўхшарди.

Бир оқшом Ротондеда** икки хоним билан ёнма-ён ўтириб қолди. Концертага ҳар доимгидан кам томошабин йиғилган эди. Бўм-бўш залда чўккан сукунат муваффақиятсизликдан дарак бериб турарди. Унинг ўнг ёнидаги курсида ўтирган хоним ҳувиллаб ётган залга бир-икки қараб қўйди-да, нимадандир норозидек енгил хўрсинди.

— Шундай концерта томошабинларнинг кам келиши қандай ачинарли-я! — деди у. — Устига-устак бўм-бўш зал қаршисида куйлаш жуда ёқимсиз бўлса керак.

У хонимнинг бу сўзларини ўзаро суҳбатга чорловдек қабул этди. Хоним ўзини бундай эркин тутиши уни ҳайратга солиб қўйганди. Хоним билан суҳбатлашаркан, унинг диққат-эътиборни тортадиган хислат ва фазилатларини ёдида сақлаб қолишга уринар эди. Нариги томонда ўтирган ҳали навниҳол қиз хонимнинг қизи эканини билгач, у бу хоним мендан нари борса, бир ёки икки ёш кичик, деган хаёлга борди. Хонимнинг бир пайтлар шубҳасиз, гўзал ва чиройли бўлган чехраси ҳали-ҳануз ўз жозибасини йўқотмаган эди. Бу — кутилмаганда ғайритабиий ифода балқиб турадиган узунчоқ чехра эди. Қоп-қора кўзлар жуда тийрак ва синчков боқарди кишига. Кўз қорачиғлари эса, аввалига кишини ўзига томон бетиним чорлаётгандек туюлар, аммо бу ҳолат бир лаҳзагина давом этар, сўнг туйқус қорачиғлар кенгайиб, енгил жароҳат етган қалб намоён бўларди. Мана, энди эса, қорачиғлар аста-секин кичик тортиб борапти, ҳозиргина балқиб турган қалб жуда усталик билан оқ парда ичига яширинмоқда ва хонимнинг қорақўл нимча тўла-тўқис қоплаган сийнаси гўё бундан сескангандек қалқиб-қалқиб тушмоқда...

Орадан бир ҳафта ўтгач, у хонимни Эрлсфорт-Терресдаги концертада тагин учратиб қолди: қизи аллакимга нигоҳини қадаб турган пайт у хоним билан яқинроқ танишиб олишга қулай фурсат топди. Хоним у билан суҳбатлашаркан, гап орасида икки-уч марта эрининг номини тилга олди, бироқ унинг гап оҳангида ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик шарпалари сезилмасди. Уни ҳамма Синико хоним деб аташарди. Эрининг бобокалонлари киндик қони Ливорнода тўкилган эди. Ўзи эса, Дублин билан Ҳолландия ўртасида қатнайидиган савдо кемасининг капитани эди, уларнинг яккаю ёлғиз фарзандлари бор эди.

Учинчи сафар мутлақо тасодифан рўбарў келиб қолишганда, у хонимни холи жойга учрашувга таклиф этди. Хоним унинг таклифини рад этиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмади, учрашувга келди. Бу ўз ортидан кўплаб учрашувларни бошлаб келган, бегона кўздан холи илк учрашув эди. Улар кўпинча оқшом пайтлари юз кўришар ва бирга сайр этиш учун тун сукунати тўшалган сокин ва осойишта кўчаларни ташлашар эди. Бироқ бундай учрашувлар жаноб Даффига кўпда маъқул келмасди, аммо у кўп ўтмай фақат мана

шундай киши билмас ва хуфиёна учрашиб юришлари мумкин эканини англаб етгач, хонимдан уйига таклиф этишни ўтганиб сўради. Унинг илк ташрифиеқ хонимнинг эри капитан Синикони кутилмаганда беҳад қувонтириб юборди. Капитан аллақачон бу жаноб ҳадемай қизимнинг қўлини сўрайди, деган ўйга борган ва бунга негадир қаттиқ ишонар эди. У ҳар гал жаноб Даффини қучоқ очиб катиб оларди.

Капитан хотини билан жаноб Даффи ўртасида қандайдир пинҳон сир борлигини сира хаёлига келтирмасди, аниқроғи, у хотинини аллақачон жозибали ва дилтортар хонимлар рўйхатида ўчириб ташлаган, кимдир уни ёқтириб қолиши асло мумкин эмас, деб ўйларди.

У хизмат тақозосига кўра тез-тез сафарга жўнаб кетар, қизи эса, мусиқа дарсидан бўшай демасди ва буларнинг бари жаноб Даффи хоним билан бежавотир ва ҳадиксиз учрашиши учун қулай имкониятларнинг эшигини кенг очиб берарди. Аммо улар ўртасидаги муносабат ҳали тўшакдаги саргузаштларгача бориб етмаганди, зеро бунда икковлари ҳам ҳеч қандай аҳмоқликни пайқашмасди.

Жаноб Даффи аста-секин хонимга кўнглини очиб, фикр-ўйларини баҳам кўра бошлаганди. У хонимга турли хил китоблар берар, ўз гоё ва ақидаларини унинг онгига сингдиришга уринар, уни гўё қўлларидан тутиб ўзининг қоронғи ва рутубатли оламига етаклаб кирарди. Хоним бундан ўзини бахтиёр ҳис этар, қувонч ва шодлигининг чек-чегараси йўқ эди.

Баъзан унинг алаҳсирашга ўхшаш таҳлилу муҳокамаларига жавобан хоним ўз ҳаётида қачонлардир юз берган аллақандай воқеани гапириб берарди. Хоним баайни оналик меҳр-муҳаббати билан унинг қалбини очишга ундар эди: у бамисоли жаноб Даффини тавба-тазарруга етаклаб бораётган фариштага ўхшар эди.

Жаноб Даффи хонимга умрининг алақайси палласида Ирландия коммунистик фирқаси йигилишларига қатнаб юрганини, жинчироқ ғира-шира ёритиб турган ертўладаги ишчилар орасида ўзини мудом бегона ва ёт ҳис этганини сўзлаб берарди. Таназзулга юз тутган фирқа уч гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ ўз йўлбошчилари билан алоҳида-алоҳида ертўлаларда фаолият кўрсата бошлагач, у йигилишларга қатнамай қўйганди. Унинг назарида, саҳролик ишчиларнинг баҳс-мунозаралари жуда жўн ва ибтидоий эди, уларнинг иш ҳақи тўғрисидаги саволга муносабати тоқатни тоқ қилиб юборарди. У фирқа аъзоларини қўпол материал-листлар, ўз фикридан усталик билан фойдалана олмайдиган нўноқ инқилобчилар эканини сезар эди: бундай танбаллик ишчилар табиатида ҳаддан зиёд вайсақилик қилиш оқибатида пайдо бўлган ва улар тамоман боши берк кўчага кириб қолишганди.

"Социал инқилоб, — деди у хонимга қараб, — бизнинг Дублинда, эҳтимол икки юз-уч юз йилдан сўнг базўр юз кўрсатиши мумкин".

Хоним унинг сўзларини тинглаб туриб, бу фикрларингизни нега бирон жойга қайд этиб қўймайсиз, дея сўраб қолди.

— Нима учун? — хўрсиниб жавоб берди у. — Ақалли бир дақиқагина ҳам тузук-қуруқ фикрлай олмайдиган, аравани қуруқ олиб қочадиган сафсатабозлар билан ҳамкорлик қилиш учунми? Ёки ўзининг тубан аҳлоқига миришабни лаққа ишонтирадиган, саъятни майнавозчиликдан ажратолмайдиган ақли ноқис ва фаросатсиз мешчанларнинг бошига таъна-маломат ёғдириш учунми?

У хонимнинг Дублин ташқарисидаги дала ҳовлисига тез-тез ташриф буюриб турарди: улар оқшомни бирга

Мусаввир Аслидин КАЛОНОВ



ўтказишар эди. Ҳўталарида руҳий яқинлашув кучайган сайин улар сирли ва дилкаш суҳбатлар қўришар эди. Аммо ўртадаги тафовут пардалари ҳали тамоман кўтарилиб улгурмаган эди. Хоним тарбия топган ва улғайган муҳит баайни тропик ўсимлик учун қўрилган иссиқхонага ўхшарди.

Хоним кўпинча тун аламаҳал бўлганга қадар чиқоқни ўчиришга шошилмай бемалол ўтирар эди. Тун, сукунат қоплаган хона, танҳолик, қулоқлари остидан ҳали-ҳануз ариб улгурмаган мусика садолари — буларнинг бари бир қудратли ва сеҳрли кучга айланиб, уларни сархуш этар, жисму жуссаларини омухта бўлиб кетишга ундар эди. Бутун аъзойи танини ларзага солаётган бу омухталик жаноб Даффини кўкларга олиб чиқар, феъл-атворининг ўткир ва шафқатсиз қирраларини оҳиша силаб-сийпалар, ички оламни ҳис-ҳаяжонга тўлдириб ташлар эди. Мана шундай масрур дамларда у ўз овози оҳанглари тинглаётгандек ҳис этарди ўзини. Хоним тасаввурда у гўё фариштага айланар, аммо кўзларидан жўшқин эҳтирос ёғилиб турган бу аёлни ўзинга қайта-қайта ром этаркан, ўзининг бутун табиати жамланган галати бир овоз қалби абадул-абад ёлғизликка маҳкум этилганини қаттиқ туриб таъкидлар эди. "Биз табиатан ўта худбин яралганмиз, деб сўзларди бу овоз, ўзимизни бир-биримиз учун ҳеч қачон қурбон қилолмаймиз". Бундай суҳбатлар охир-оқибат ўз эҳтиросларини тия олмаган Синоко хоним гайришуурий алфозда унинг қўлини ушлаб, лов-лов ёнаётган ёноқларига босиши билан яқун топди.

Жаноб Даффи буткул ҳайрат ичида қолган эди. Хонимнинг бундай дадил журъати унинг барча тушунчаю қарашларини остин-устун қилиб ташлаган эди. У хонимнинг уйига бир ҳафта қадам босмади, сўнг алҳол, ўзи учрашувга изн сўраб мактуб битди. Жаноб Даффи бу сўнгги учрашув эканини сезиб турар ва у худди қилган барча тавба-тазаррулари бир лаҳза ичида барбод бўлгандек таассурот қолдиришини сира истамасди. Улар Феникс-Парк дарвозаси яқинидаги кичкина қандолатхонада юз кўришишди. Ҳавода совуқ куз нафаси кезинар, бироқ улар бу аёни писанд этмай уч соат йўлак бўйлаб айланиб юришди. Улар қайта учрашмасликка аҳд қилишди: ҳар қандай ҳаммаслақлик, деди жаноб Даффи, кишини охир-оқибат барибир, қайгу-алам ва изтиробга солади.

Улар боғдан чиқишгач, жимгина трамвай томон юришди: хоним кўнгли аламага тўлиб турганданми, даг-даг қалтирар эди, жаноб Даффи буни сезиб бирон кор-қол рўй бериб қолишидан чўчиди, шекилли, хайрлашиш учун тезгина таъзим бажо келтирди-да, хонимни ёлғиз қолдириди.

Орадан бир неча кун ўтгач, бир пайтлар хонимга ўзи тортиқ этган китоб ва ноталарни унга келтириб беришди.

Тўрт йил ўтди. Жаноб Даффи яна ўша эски турмуш-тарзига қайтган, хонаси ҳам бурунгидек тартиб ва саранжом-сарипшталликка муҳаббатдан дарак бериб турарди. Биринчи қаватдаги хоналарнинг бирида қўйилган қия мосламада янги ноталар пайдо бўлган, китоб жавонидан эса, Нишшенинг икки томли асарни жой олганди: "Қувончли фан", "Зардуштий шундай деган эди". Кейинги пайтларда у кутидидаги қоғозларга ҳам онда-сонда бўлса-да, у-бу фикрларни қайд этиб кўярди. Синоко хоним билан ўша, охириги учрашувдан сўнг орадан икки ой ўтгач, қоғозда шундай фикр битилган эди: "Эркак билан эркак ўртасида муҳаббат туйғуси пайдо бўлиши асло мумкин эмас, чунки ўртада жисмоний майл ва интилишни қондиришга ҳеч қандай имкон йўқ. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларни ҳам ҳеч қачон дўстлик чегарасида тутиб туриб бўлмайди, чунки ўртадаги жисмоний майл ва интилишни инкор этиш асло мумкин эмас".

У хонимни қайта учратиб қолишдан чўчиб, концертларга бормаи қўйди. Бу орада отаси қазо қилди ва у ҳам хизмат жойидан махрум бўлди. Бироқ у ҳамон бурунгидек ҳар кун эрталаб трамвайда шаҳарга келар ва ҳар кеч Жорж-Стритда камсуқумгина тамадди қилиб, оқшомги газетга кўз югуртириб чиққач, яёв шаҳардан қайтарди.

Шундай оқшомларнинг бирида у тузланган карам бўлагини озгига олиб бораётиб, туйқус қўли қотиб қолди: унинг нигоҳи беихтиёр бир неча дақиқа муқаддам сув солинадиган идишга тирсагини қўйиб кўз югуртириб чиққан газетдаги хабарга тушиб қолган эди. У қўлидаги карам бўлагини қайта тақсимчага қўйди ва газетдаги хабарни диққат билан ўқиб чиқди. Кейин бошини кўтариб бир стакан сувни ичиб юборди-да, тақсимчани нари суриб қўйди ва газетни тирсақлари орасида ёзиб, хабарни қайта ўқишга тушди. Тақсимчадаги карамни совуқда қотган мой оқ тасма

каби ўраб олди. Хизматкор қиз унинг қаршисига келиб, тушлик ёқимли ўтдими, деб сўради. Ҳа, жуда ёқимли ўтди, деди у ва икки-уч луқма карамни баазўр ютди. Кейин ҳисобдаги тамадди ҳақини тўлаб, ташқарига чиқди.

У гира-шира ноябр оқшоми қўйнида тез-тез юриб борар, ҳассаси "тўқ-тўқ" этиб йўлакка бир тартибда урилар, икки тугмали узун палтосининг чўнтагидан "Мейл" газетининг сарғиш учи кўзга ташлиниб турарди.

У Феникс-Парк дарвозаси билан Чепелизод оралигидаги кимсасиз йўлда қадамни секинлатди. Энди ҳассасининг товуши унча қаттиқ эшитилмас, хўрсинишга ўхшаш пай-дар-пай нафаси аёзда музлаб қолганди.

Уйига етиб келгач, у тезда ётоқ бўлмасига ўтди-да, чўнтагидан газетни олиб, девордаги чиқоқнинг хира ёруғида яна ўқий бошлади. У овозини чиқармай ўқир, аммо лаблари худди муқаддас дуони тиловат қилаётган руҳонийнинг лаблари каби пичирлар эди.

Мана, газетдаги хабарда нималар қайд этилган эди: "СИДНИ-ПАРЕЙДДАГИ АЁЛНИНГ ЎЛИМИ БАХТСИЗ ТАСОДИФ

Бугун Дублин шаҳар касалхонасида коронер* ўринбосари томонидан (жаноб Левереттнинг иштирокисиз) кеча кечқурун Сидни-Парейд бекатида ҳалок бўлган қирқ уч ёшли Эмили Синико хонимнинг аянчли қисмати бўйича текширув ўтказилди. Кўрсатмалардан шу нарса маълум бўлдики, марҳума темирйўлни кесиб ўтаётганида, Кингзта-ундан келаётган соат ўнлик йўловчи поезди оёғидан уриб юборган ва оқибатда унинг боши ва ўнг биқинига ўлимга етаклайдиган оғир жароҳат этган.

Судда поезд ҳайдовчи Жеймс Леннен ўн беш йилдан буён темирйўл компаниясида хизмат қилишини айтди. У ўша оқшом бекат назоратчисининг ҳуштак товуши янграган ҳамон поездни ўрнидан кўзатган, аммо орадан бир неча лаҳза ўтиб-ўтмай аллакимнинг аянчли чинқирғини эшитиб, уни тўхтатган. Поезд секинлаган.

Ҳаммо П.Дэннинг айтишига қараганда, поезд бекатдан энди жунаган пайт темирйўлни кесиб ўтаётган қандайдир аёлга унинг кўзи тушиб қолган. У бақирганча аёлга томон югурган, аммо етиб боришга улгуролмаган, поезд аллақачон олд тарафи билан аёлни уриб юборган ва аёл йиқилиб тушган.

Суд хизматчиси: — Сиз аёл қандай йиқилиб тушганини ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

Гувоҳ: — Ҳа, кўрдим.

Политсия сержанти Кроум мудҳиш воқеа рўй берган жойга етиб келган пайт аёлнинг аллақачон жони узилган ва у поезд тўхтайдиган майдонда ётган эди. Сержант Кроум санитар аравачаси етиб келгунга қадар марҳумани кутувчилар залига олиб киришни буюрган.

Констебль, эзлик тўққизинчи рақамли ҳаммол сержант Кроумнинг судга берган кўрсатмаларини тўла тасдиқлади.

Дўхтир Холпин, Дублин шаҳри касалхонасининг жарроҳи, марҳумани тиббий текширувдан ўтказганда унинг икки қўйи қоғурғаси сингани ва ўнг елкасига жароҳат етгани маълум бўлди. Бундай шикаст етиши, деди жарроҳ, соппа-соғ одам ҳаётга жиддий хавф солиши асло мумкин эмас. Хонимнинг ўлимига миянинг карахт ҳолатга тушиб қолиши ва ҳамда юрак фаолиятининг кескин суст тортиши сабаб бўлган.

Жаноб Х.Б. Пэттерсон Финлей темирйўл компанияси номидан рўй берган бахтсиз тасодиф учун чуқур ҳамдардлик билдирди. У йўловчилар бекатга кўприк орқали ўтишлари учун компания барча зарур чора-тадбирларни кўриб қўганини, ҳар бир бекатда махсус кўрсатгич ва автомат тўсиқлар мавжуд эканини айтди. Марҳуманинг ярим тунда уйдан чиқиб темирйўлни кесиб ўтадиган одати бор экан, деди у. Шу каби баъзи бир нарсаларга диққат-этиборни қаратадиган бўлсак, темирйўл хизматчисининг бўйнидан ҳеч қандай айбу гуноҳ йўқлиги ўз-ўзидан равшан бўлади-қўяди.

Марҳуманинг умр йўлдоши капитан Синико ҳам гувоҳ сифатида судга қатнашди. У марҳума ҳақиқатан ҳам ўз хотини эканини тан олди. Турмуш қурганимизга йигирма йил тўлди, деди у. Биз, хотиним икки йил бурун ичкиликка ўлардек ружу қўйганга қадар бахтли яшаган эдик.

Марҳуманинг қизи Мэри Синико, онам одатда кечқурун-лари вино харид қилиш учун уйдан чиқиб кетарди, деди.

*Графликдаги мансабдор шахс. Шубҳали саналган қотиллик ва бошқа жиноятларни ажрим қилади.

Мен уни бу йўлдан қайтаришга кўп уриндим, аммо ҳеч қандай натижа чиқмади.

Суд ҳайъати асосан дўхтирларнинг кўрсатмасига таяниб, ҳукм чиқарди: машина ҳайдовчиси Леннен ҳар қандай жавобгарликдан озод этилсин.

Коронер ўринбосари бу бахтсиз тасодиф ўз тажрибасида энг мудҳиш воқеа эканини тан олди ва капитан Синико ва унинг қизига қайта ҳамдардлик изҳор этди.

Жаноб Даффи газетдан кўзларини узиб, дераза ортидаги қувончсиз манзарарга тикилди. Дарё ташландиқ ароқ заводидан анча қуйида оҳиста чайқалиб Дублин томон оқар, Дьюкен йўлидаги уйларида вақти-вақти билан чироқлар ёнарди. Қандай мудҳиш қисмат! Хонимнинг ўлими тўғрисидаги тафсилотлар уни қаттиқ изтиробга солар, нафратини кўзгар, марҳума билан бир пайтлар ўзи учун муқаддас ва азиз саналган нарсалар тўғрисида узоқ-узоқ суҳбат қурганини қайта хотирларкан, баттар ғазаби қайнар эди. Газетдаги топталган ифода, қуруқ ва юзаки ҳамдардлик, хонимнинг ўлимини сохталаштириш, ҳақиқий далил-исботларни яшириш мақсадида мухбирнинг айёрлик ва қувлик қилиши худди жирканч нарса каби унинг кўнглини айнитар эди. Устига-устак хоним ўз-ўзини оёқ ости қилиб кетди. У хоним босиб ўтган жирканч ва шармандали йўлни кўз ўнгига аниқ-тиниқ тасаввур этиб турарди. О, худойим бу йўлакнинг соҳибаси унинг кўнгли маҳбубаси эди. Қандай аянчли қисмат бу! Шақ-шубҳасиз хоним ҳали ҳаётга росмана тайёр эмасди, энгилтабиат ва эркисиз эди, шу боис бу маккор дунёнинг оддий эрмакларининг оппа-осон қурбонига айланди, о, йўқ, у суяклари устига тараққиёт пойдевори қуриладиган кўплаб қурбонларнинг бири бўлди. У қандай қилиб бундай тубандлики ўзига раво кўрди? Узи-чи, ўзи, нега унинг нағмаю ишваларига бунча тез ва осон алданди?! У хотирасига қаттиқ муҳрланиб қолган ўша, сўнгги учрашувни қайта эслади ва бу гал ўта совуққонлик билан ҳукм чиқарди: у ўшанда хонимнинг истак ва хоҳишини, эҳтирос тўла сўзларини рад этиб жуда тўғри қилган...

Қош қорайди, унинг ўй-дунёси безовта тортди ва шу чоғ кутилмаганда, хоним худди қўлидан тутгандек туюлди унга. Аввалига кўнглини оздирган сесканиш энди дағ-дағ қалтирата бошлади. У шошиб пальто ва шляпасини кийди-да, ташқарига чиқди. Остонада уни совуқ шамол қарши олди, пальтосининг энгларига ёпирилиб кирди. У Чепелизод-Бриж қаҳвахонасига етгач, ичкарига бош суқди ва қайноқ пунш келтиришни буюрди.

Қаҳвахона соҳиби унга хушомадгўйлик билан хизмат кўрсатар, аммо сўз қотишдан ўзини тийиб турарди. Қаҳвахонада беш-олти ишчи Келдер графлигидаги қандайдир хўжаликнинг баҳоси устида бақриб-чақриб тортишишар эди. Улар катта кружкадаги шаробни ҳўплаб-ҳўплаб ичишар, устма-уст тамаки тутатишар ва бефаросатларча шундоқ полга тупуришарди-да, оёқларидида оғир этик билан тупургични тахта қириндисида қориштириб ташлашарди. Жаноб Даффи ҳеч нарсани эшитмай ва ҳеч нарсани кўрмай уларга термулиб ўтирарди. Ишчилар тезда қаҳвахонани тарк этишди. У эса яна бир кружка пунш келтиришни буюрди. Узоқ ўтирди у. Қаҳвахона жимжит эди. Соҳиб тўсинга суянган кўйи "Герольд" газетини чайналиб ўқирди. Онда-сонда анча олисдаги кимсасиз йўлдан трамвайнинг шовқин солиб ўтгани қулоққа чалиниб қоларди.

У хоним билан бирга кечган дамларни, унинг ўзини ва бошқа кўпгина нарсаларни хотирлаб ўтирди, хонимни қайта кўрмаслигига, у энди ҳаётнинг кучоғидан ситилиб чиқиб кетиб хотирага айланиб қолганига сира шубҳа қилмасди. Шуларни хаёлдан кечираркан, ўзини жуда ёмон ҳис этди у. Оғир тин олиб ўз-ўзини саволга тутди: ўзгача йўл таллаши мумкинмиди? О, йўқ бундан ўзгасига унинг қурбу иродаси етмасди. Унинг гуноҳи нима? Энди, хоним ҳаётнинг бағридан буткул узилиб кетгач, у тушунди: хонимнинг қалбини ёлғизлик кемириб адо қилган, айниқса, ўша, дала ҳовлидаги сукунат тўшалган хонада у ўзини жуда ёлғиз ҳис этган. Қазо палласи етиб, ҳаёт талъати сўниб, кимнингдир хотирасига — албатта, ўзини хотирлайдиган кимса топилса — айланиб қолганга қадар унинг умр йўли ҳам худди шундай кимсасиз ва ёлғиз кечади.

У қаҳвахонани тарк этган пайт соат ўнга яқинлашиб қолган эди. Тун совуқ ва рутубатли эди. У яқин ўртадаги дарвозадан Феникс-Паркка кирди ва шамолда оҳиста тебранаётган дарахтлар остидан юриб кетди. Тўрт йил муқаддам хоним билан бирга сайр қилган хазин хиёбон бўйлаб кеза бошлади. Тун қўйнида хоним худди ўзи билан ёнма-ён кетаётгандек туюлди унга. Хонимнинг овози ҳам

қулогига элас-элас чалинаётгандек бўлар ва унинг қўллари тафтини ҳам ҳис этаётгандек эди. У буларни ҳис эта туриб дафъатан тонг қотиб қолди: нега у хонимнинг ҳаёт шаъмини бевақф сўндирди? Нега уни аянчли ўлимга маҳкум этди. Унинг бетартиб ва усталлик билан қурилган ички дунёси қулаб тушгандек бўлди.

У Мэгезин-Хилл тепалигига етгач, юришдан тўхтади ва Дублин томон раvon оқаётган дарёга — совуқ тун бағрида илиқ ва тафтли ёғду сочаётган оловга тикилди. Сўнг бошини яна қуйи эгиб пастга қаради ва боғ девори панасида бир-бирига илакишаётган икки қора гавдага кўзи тушди. Бундай нопок ва шилта қора терга ботган муҳаббат унинг ғазабини кўзитиб юборди. Аҳлоқнинг бундай тубан қирраларини кўришга унинг тоқати йўқ эди. У ўзини ҳаётнинг қувонч ва байрамларидан бадарга этилгандек ҳис этди. Ёлғиз тириклик севарди уни, у эса хонимни ҳаёт ва бахтдан маҳрум этди, уни аянчли ва шармандали ўлимга маҳкум этди.

Боғ девори панасидаги анави икки қора гавда ўзини кузатиб турганини ва бу ердан тезроқ кетишини сабрсиз кутаётганини у сезиб қолди. У ҳеч кимга керак эмас, ҳаётнинг қувонч ва байрамларидан қувгин этилган. Кулранг тусда тобланиб, Дублин томон қайрилиб оқаётган дарёга нигоҳини қадади. Дарё ортида Кингз-Бриж бекатидан йўлга чиққан юк поездига кўзи тушди, поезд худди тунни бир маромда, аммо кескин-кескин тилкалаб келаётган олов бошли чувалчанга ўхшар эди. Поезд аста-секин кўздан гойиб бўлди, бироқ гилдираклари узоқ пайт унинг номини ёдга солиб турди.

У ортга қайтди: поезднинг бир тартибда шовқин солиши ҳали-ҳануз қулоқлари остида жаранглаб турарди. У айни пайтда ҳозиргина хотираси сўзлаб берган кечмишлар рост эканига шубҳа билан қарай бошлаган эди. Дарахт остига етгач, тўхтади ва поезднинг шовқини тинганга қадар ўрнидан қимир этмади. У тун қўйнида хонимнинг қиёфасини излаб тополмас ва унинг овози ҳам ортиқ изтиробга солмасди. У бир неча дақиқа тун бағрига қулоқ тутиб, кутиб турди, бироқ ҳеч кимнинг сас-садоси қулоқларига чалинмади, тун тамоман кўр-соқов эди. Тагин қулоқ тутди: ҳеч қандай сас-садо йўқ. У буткул ёлғиз эди...

Ўрисчадан

Шодиқул Ҳамроев таржимаси.

Handwritten notes and signatures:
Lem - Teri Farzina (87)
aime Raymond Linossier
allant a "Ple..."
Brida fol est que y fi...
DEJEUNER "ULYSSE"
S.B.B.
André Chiquet
Simone
André Savitsky

Дублин. 1929 и. "Улисс" шарафига берилган зиёфатга таклифнома.

P.S. "Ёшлик" тахририяти Ж. Жойснинг "Улисс" рўмонини ўзбек китобхонага етказишда жонини ҳам аямайдиган таржимон шарафига зиёфат беришга тайёр! Отни қамчиланг, таржимонлар!!!



Муҳтарам журналхон!

Марям опа Қодированинг номи эҳтимол сизга таниш чиқар. Ҳа, шундай: у Ўзининг мўъжизакор игналари ёрдамида юзлаб беморларнинг дардига малҳам бўлган, кўпларни ўлим чангалидан омон сақлаб қолган. Қизиқ жиҳати шундаки, Марям опанинг табобатчиликдаги қарийб ўттиз йиллик фаолияти сиёсий тил билан айтадиган бўлсак, "нолегал" кечган. Ахир, бурун бизда фақат "совет медицинаси"гина тан олинар, бошқа ҳар қандай табобат усули, гарчи у халқнинг минг йиллик тажрибасида синналган бўлса-да, сўзсиз инкор этилар эди-да.

Марям опа билан суҳбатимиз игна билан даволаш усули, унинг ҳали бизга ноаён сир-синоатлари ҳақида жуда қизиқарли кечди. Қуйида шу суҳбатни сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

— Марям опа, беморларни игна ёрдамида даволаш қандай усул ўзи? Унинг инсон саломатлигига нечоғлик фойда-зиёни бор? Шулар тўғрисида қисқача гапириб берсангиз.

— Одамзот боласи бу олам бағрида бино бўлибдики, турли хил дарду хасталик мудом унинг оёғидан тортиб яшаб келади. Касаллик ҳеч қачон инсондан айри тушмаган. Эҳтимол, бугун биз тузуқ-қуруқ билмасмиз авлод-аждоғларимиз қандай хасталикларни бошларидан кечириб яшаганини. Фақат бир нарса аниқки, улар ҳеч қачон касаллик қошида ожиз қолишмаган, ўзларининг ақл-заковати кучи билан турли хил даво усулларини излаб топишганки, буларнинг кўпчилиги бугун бизга етиб келган. Игна ёрдамида беморларни даволаш ҳам ана шундай тинимсиз изланишлар самараси ўлароқ юзага келган усулдир. У ilk марта қадимги Хитой табиблари томонидан амалда қўлланилган ва орадан талай йиллар ўтишига қарамай ҳамон даволашнинг асосий усули сифатида яшаб келмоқда.

Даволашнинг бу усулини, агар таъбир жонз бўлса, ҳар бир хасталикнинг давоси инсон танида яширингандир, деган ҳикматли иборанинг исботи ҳам дейиш мумкин.

Маълумки, инсон танидаги ҳар бир аъзонинг муайян асаб нуқталари мавжуд. Бу асаб нуқталари инсон саломатлиги учун жуда катта аҳамиятга эга. Игна билан даволаш ҳам асосан мана шу асаб нуқталари ёрдамида олиб борилади, яъни, улар орқали хасталикка чалинган аъзога таъсир этилади, уни жонлантиради, касалликка қарши курашишга ундайди.

Беморларни бундай усул билан даволаш эҳтимол, мўъжизадек туюлар, аммо у жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида, жумладан, Хитой ва Қурияда аллақачон оммалашиб кетган, табобатчиликнинг асосий мағзини ташкил этади. Оддий бир мисол: Хитойда кўричак дарди билан оғриган беморлар жаррохлик тўшагида ётқизилмайди, мана шу игна ёрдамида бир зумда дарддан қутулади.

Энди игнанинг инсон саломатлигига қандай зиёни бор, деган саволингизга келсак, рости гап, мен шу пайтга қадар бирон бир беморда шундай кўнгилсиз ҳол рўй берганини кўрмаганман. Игналарнинг инсон ҳаётига ҳеч қандай хавфли томони йўқ, улар мутлақо зарарсиз, қимматбаҳо металллардан ясалган.

— Игна билан беморларни даволаш айна кунларда бизда ҳам бир қадар оммалашиб бормоқда. Марям опа, агар сир бўлмаса айтинг-чи, сиз игна қўйишни қаердан ўргангансиз?

— Бу ҳам бахтли бир тасодиф туфайли рўй берган. 60-йилларнинг бошларида Хитойга, аниқроғи, Қашқарда турадиган қариндош-уруғларимизникига меҳмонга борадиган бўлиб қолдик. Шу десангиз, атай қилгандек худди ўша кезлари ўнг қўлимдан безли яра чиқиб қолса бўладими. Меҳмондорчиликка жўнаб кетишимизга қадар дўхтирларга

қўлимни роса қаратдим. Улар тури дори-дармонлар қилишди, аммо ҳадеганда кор қилмагач, ярани кесишди ҳам. Барибир тузалмади. Симиллаб бир оғриқ беради, бир оғриқ беради, эсласам ҳозир ҳам юрагим зирқираб кетади. Бунинг устига Хитойга ҳам бормаса бўлмайди, елиб-югуриб базур ружхатнома олганмиз.

Хуллас, қўлимдаги шу дард билан Хитойга жўнаб кетдим. Бир жойнинг оғриб азоб бериб турса, кўнглингда ҳеч нарса сиғмас экан. Меҳмондорчилик ҳам таътимади ҳисоб. Аммо бир кун қариндошларимдан бири қўлим боғлиқ эканини кўриб, нима бўлганини сўраб қолди. Мен унга қандайдир безли яра чиққанини, анчадан буён азоб бериб келаётганини айтдим-да, энди тузалмаса керак, дўхтирлар қилмаган даво қолмади, дедим. Қариндошим бир муддат ўйга толиб турди-да, сўнг қўлингни бизнинг табиблар ҳам кўрсин-чи, дея қўярда-қўймай бир хитойи табибнинг ҳузурига бошлаб борди.

Хитойи табиб беморларни игна ёрдамида даволар экан. У қўлимдаги ярани синчков кўздан кечириб чиқиб, у ер-бу еримга игна санчиб қўйди. Бунга қарангки, учинчи марта игна олганимдан сўнг қўлимдаги оғриқдан буткул халос бўлдим, ҳалиги яра ҳам аста-секин тузала бошлади. Мен қўлимга қараб туриб, ҳеч қўзларимга ишонмасдим.

Ахир бу дард менга озмунча азоб берганимиди?!

Шу воқеа сабаб бўлдию игна ёрдамида даволашга қизиқиб қолдим. Кўнглимда уни ўрганиш истаги пайдо бўлди. Бунга қариндошларимга айтган эдим, улар фикримга бажонидил қўшилишди. Хитойи табиб ҳам игна билан даволашнинг сир-асрорларини ўргатишга розилик билдирди. Шу баҳона-ю сабаб олти ой Хитойда қолиб кетдим.

Тошкентга қайтиб келгач, биринчи даволаган кишим-умр йўлдошим бўлди. У киши кўпдан буён жигар хасталигидан азият чекиб келарди. Дўхтирларнинг дориси ҳам аллақачон кор қилмай қўйганди. Бироқ мен қўйган игналар кутганимиздан ҳам яхшироқ натижа берди, ҳўжайиним дард кўрмагандек бўлиб кетди.

Шундан буён баҳоли қудрат беморларни даволаб келяман. Сиз мени тўғри тушунинг, тагин мақтаняпти деб ўйламавуг, мана шу биргина игнанинг шарофати билан юзлаб беморлар буткул соғайиб кетишди.

— Марям опа, эҳтимол, игна ёрдамида беморларни даволашнинг имконияти бениҳоя каттадир. Бироқ ҳар бир табибнинг ўз имконияти даражаси, билими ва тажрибаси етадиган муайян бир чегара бўлади. Сиз игна билан қайси касалликларни даволай оласиз?

— Рост айтдингиз, ҳар бир табибнинг ўз куч-қуввати етадиган чегара бор. Бирон бир табиб, оламдаги барча касалликларни даволай оламан, деб айтломайди. Ўзим тўғримда ҳам худди шундай дейишим мумкин. Мен шу кунга қадар жигар, буйрак, фалажнинг турли хил кўринишлари, тутқаноқ, ўт пуфагини шамоллаши, бош оғриги, жинсий заифлик ва бошқа барча касалликларга чалинган беморларни даволаб келдим. Ҳарқалай натижаси ёмон эмас, бундай беморларнинг дярли тўқсон фоизи учинчи муолажадан сўнг тузалиб кетишди.

— Танга игна санчилгандан қаттиқ оғриқ берадими?

— Дўхтирларга жуда юрагингизни олдириб қўйган кўринасиз... Игна санчилганда оғриқ бўлмайди эмас, бўлади. Аммо у сизни қийнаётган дард олдида ҳеч нарса эмас. Аниқроқ айтадиган бўлсам, агар игна кўзланган асаб нуқтасига тушса, аъзойи-танингизга худди ток югурилагандек бўлади. Бироқ бу ҳолат бир лаҳзагина давом этади, кейин жонингиз роҳат ола бошлайди, дардни ҳам, оғриқни ҳам унутасиз...

ШИФО— ИХЛОСДАН БОШЛАНАДИ

“Карвонсарой”ни ҳар доимгидек Тўғамуроқ РУСТАМ қад ростлатди.

КАРВОНСАРОЙ

ТАҚВИМ

МАЙ

Эътиборли саналар

1 МАЙ. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни. Бу яъни: "Палов — сендан, мендан —водка, газাগига — дўппи, шапка".

5 МАЙ. Матбуот куни (со-бик). Бу кун яна Карл Маркс ҳам туғилган. Ҳанузгача чоп этилади.

7 МАЙ. Радио куни — қоғоз танқислиги ва масофа машаққатини сезмайдиган га-зетчилар байрами.

ОБ-ҲАВО

Ой бошида анъанавий мо-мақалдироқ гулдираши кутилади. У ўтиши билан кўчаларни йўл ювувчи машиналар тўлдиради. Бозорларда хари-дорларнинг киссасига кўз олай-тириб кўкатниш уради.

НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН? ҚАНЧА?

* Нью Йоркда 55 дастур бўйича курсатувлар намойиш этилади.

* Шанхайдаги "Фудан" дорилфу-нунда талабалар имтиҳон пайти таплаганликлари учун икки йилга ўқишдан ҳайдаладилар. Қайта тиклан-ганидан сўнг ҳам бундай талабага диплом эмас, фақат олий ўқув юртини тамомлагани ҳақида маълумотнома бе-рилади.

* Бир филм устида 240 хил касб-кор эгаси меҳнат қилади.

* Замбияда аксарият қизлар чер-ковга куёв илинжида қатнашади.

* Ҳиндистон 3 ой ичида турли мамлакатларга парҳез таом сифатида истеъмол қилиш учун 60 милёндан ортиқ қурбақа сотди.

* Ҳорижда ўттиз минг шиша тоза Бойқол суви пулланди. Нархи — шишаси 5 доллар.

* Ҳаммадан ортиқ жапан ва фаранг аёллари умр кўришади — 82, 81,5 йил.

* Аксарият гўдаклар соат тунги 24 ва 4 оралиғида туғилади.

* Лев Толстой 13, Чарли Чаплин эса 8 фарзанднинг отаси бўлган.

Сўнгги фарзанди туғилганида Чап-линнинг ёши 80 да эди.

* Аҳоли турмуш даражасининг юқорилиги бўйича Дания дунёда биринчи ўринга кўтарилди. АҚШ — ун саккизинчи ўринда.

* Қирол Ибн Соуд 1962 йил Монакода бир ҳафтада 16 милён долларни елга совурган.

* Амриқолик 75 ёшли Э.Мерган исмли аёл суюкли мушуги Тинкерга 500 минг долларни васият қилди.

* Сайёрамизнинг олтидан бир қисмини чўллар ташкил этади.

* Янги Зеландияда уч милён аҳолига 70 милён бош қўй тўғри келади.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Ҳақиқатни майдан изламоқ жоиз (Салиери)

Етти бор ўлаб, кейин кес. (Прокруст)

Бўри билан яшасанг, бўри бўлиб увлайсан. (Маугли)

Барчамизда гоҳи шайтондир зоҳир. (Мефистофел)

Тоғ сенинг қошигга келмаса, сен тоғнинг қошига бор. (Сизиф)

Емоқнинг қусмоғи, кулмоқнинг йиғламоғи бор. (Кулаётган одам)

Оҳ, фиғоним тўқилди темир изларга... (Анна Каренина)

Эшакнинг оёқ тираши — тепки егунича. (Хўжа Насриддин).

ИЮН

Эътиборли саналар

1 ИЮН. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Бутун мамлакат ҳудудида болалар вақти, айри: жойларда — болалар соати жорий этилади.
5 ИЮН. Бул ажаҳон ташқи

ЖАН КЛОД ВАН ДАММ ЕЎҚИРГАН ЛАТИФА

Қаҳвахонага бир киши ит-ни етаклаб, кириб келибди ва олишини даъво қилиб, мижозлар билан гаров ўйнабди. Киши роқ ит миқ этмабди. Киши гаровни тўлаб, мижозларнинг масхараомуз қаҳқажаси остида қаҳвахонадан чиқиб кетибди.

— Сени деб шунча пулни ютқаздим-а! — дебди кўчага чиққач итига. — Нега гапирмадинг?

— Тентак! — деб жавоб берибди ит. — Бир тасаввур қил-а, эртага қанча пул ютиб олишимиз мумкин?!

Бemor: — Дўхтир, қази-қартани яхши кўрганим учун қўшнилар мени жиннига чиқаришган.

Доктор: — Бўлмаган гап! Мен ҳам қази-қартани хуш кўраман.

— О, унда юринг бизники-га! Сизга ўз коллекцияمنى кўрсатаман.

ҳафталарга ҳам татбиқ этиш тавсия қилинади.
16 ИЮН. Тиббиёт ходимлари куни. Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: тиббиёт саломатлик учун хавфли.

УИИН-ТОП ШМОҚ

Саволларга жавоб беринг:

1. Иш кунининг қачон бошланади: Эрталаб соғ 8 да — 0 очко. Қачон уйғонасиз? — 100 очко.
 2. Янги Гвинеядаги Папуа оролларида бўлганмисиз? Йўқ — 0 очко. Ҳа — 100 очко.
 3. Навбатларда неча марта тургансиз? Санамаганман — 0 очко. Сира турмаганман — 100 очко.
 4. Охириги марта қачон ресторанга киргансиз? Тўйимда — 0 очко. Бугун эрталаб — 100 очко.
 5. Ишга қандай борасиз? Жамоат транспортда — 0 очко. "Мерседес"да — 100 очко.
- Энди жамланган очколарингизни кўшинг. Агар:
- 0 очко тўплаган бўлсангиз — демак, сиз барча қатори одамсиз, балки бир куни келиб омадингиз чопар;
 - 100 очко тўплаган бўлсангиз — шунинг ўзиёқ омадингизнинг чопгани;
 - 200 очко тўплаган бўлсангиз — демак, омад яхшигина кулиб боқибди, табриклаймиз;
 - 300 очко тўплаган бўлсангиз — ёлғон айтаяпсиз! Бундай бўлиши мумкин эмас;
 - 400 очко тўплаган бўлсангиз — бахтингиз тугал бўлиши учун ё Янги Гвинеяга — Папуа оролларига бориб келишингиз, ёки "Мерседес" сотиб олишингиз керак.
 - 500 очко тўплаган бўлсангиз — журналимизга ҳомийлик қилишни истаймисизми?...

"ВАН ДАММГА ХАТ ЎЗСАМ ДЕЙМАН..."

Ушбу мазмундаги хатлар жўрналимиз номига келаятган мактублар орасида анчагина. Айниқса, жўрналининг бултурги 7-8-сонида берилган "Андоқ урдиларким..." ёхуд тенки таърифиди мақоласидан сўнг амриқолик кино "юлдузи"нинг мухлислари мамлакатимизда талайгина чиқиб қолди. Ҳатто, таъририятимизга сим қоқиб, Ван Дамм билан мактуб орқали алоқа боғлаш ниятида биздан унинг манзилини сўраганлар ҳам бўлди. Мазкур илтимосларни ҳамда Ван Даммга хат ёзиш ниятидагилар илтимоснома юборганлар орасида ҳам анчалгини, шунингдек, бошқа "юлдуз" ва "юлдузча"лар мухлисларининг қўлидан ҳам хат ёзиш келишини инобатга олиб, қўйида сиз сўйган сиймолар сирасига мансуб бир гуруҳ санъаткорларнинг манзилларини эълон қилишни жоиз топдик. Номангиз сўйимли санъаткорингизга етиб бориши учун мактуб сиртига аввал: "USA", "New York", (зеро, "юлдуз"ларнинг аксарияти Нью Йоркда яшайди, деб сўз эа санъаткорнинг манзилини ёзмоқ лозим. Ана кейин — кутаверинг жавобни, худди булбул кўзи тўрт бўлиб ёз келишини кутган каби!

- Мадонна — Madonna 1 W. 64 St. Дастин Хоффман — Dustin Hoffman 145 CPW. Стинг — Sting 88 CPW. Шер — Cher 14 E 4 St. Том Круз — Tom Cruise 14 E 4 St. Фил Коллинз — Phil Collins 110 E 57 St. Роберт де Ниро — Robert De Niro 110 Hudson St. Майкл Дуглас — Michael Douglas 151 CPW. Ричард Гер — Richard Gere 26 E 10 St. Софи Лорен — Sophia Loren 721 5 Ave. Брюс Уиллис — Bruce Willis 145 CPW. Арнолд Шварценеггер — A.Schwarzenegger 275 CPW.

Ушбу "юлдуз"ларнинг манзиллари эа қуйидагича:
Силвестер Сталлоне — Sylvester Stallone 9830 Wilshire Blvd. Beverly Hills, CA 90212 USA. Жулия Робертс — Julia Roberts 151 El Camino Dk. Beverly Hills, CA 90212 USA. Мишел Пфайффер — Michelle Pfeiffer 8899 Beverly Blvd. Los Angeles, CA 90048 USA. Ниҳоят, Жан Клод Ван Дамм — Jean Claude Van Damme P.O.Box 69 A 05 Los Angeles, CA 90069 USA.

...БУ ЛАТИФА ЭСА СТАЛЛОНЕГА ЁҚҚАН

Кунлардан бир кун Билл Клинтон ва хотини Хиллари қишлоқ йўлининг ёқасида жойлашган ёқилғи қўйиш тармоғи олдида ўтиб қолишбди. "Буни қара-я, — дебди Хиллари гуйқус уловларга мой қўйиб турган ишчига ишора қилиб, — ахир, бу менга мактабда севги изҳор қилиб юрган йигит-ку!" "Агар ўшанда унга текканигда, — дебди бунга жавобан Билл, — ҳозир сен ҳам кимларнингдир уловига мой қўйиб юрган бўлардинг". "Йўқ, — дебди ишонч билан Хиллари. — У ҳозир президент бўларди".

Сизга-чи, сизга қайси латифа ёқади?
Марҳамат, ёзиб юборинг!
Энг қизиқарли латифалар мактуб муаллифларининг номи билан бирга саҳифаларимизда эълон қилинади.



Вафо ФАЙЗУЛЛО

Б Е Д И Л

Бадиа



МУТОЛАА

Бу ном неча йиллардан буён кўнглим хоналарини ёритади. Хаёлим далаларига умид экади. Сўзларимни тафаккурнинг бепоён пойгасига солади. Шундай лаҳзаларнинг бирида ўзимча гулдирганим бор:

Тонгининг астаридан тўкилди исмим,
Бокира хаёлни йўрғақлади йўл.
Ҳеч кимни уйғотмай, ҳар кун қон қусдим,
Даҳаним майдонида чақнаган БЕДИЛ...
Айтинг, камалакнинг бўёғи шубҳа,
Нафасимнинг ранги менинг қанақа?

Нега нафасимнинг рангини Бедилдан сўроқлаётирман?
Бу фақат ҳис этилади. Тушунтириш қарийб мумкин эмас.
Ҳар кун кўзим тушадиган адабиётларим жулдур хуржунимга кирган чақаларга ўхшайди. Салом бермай кунимга ёпишади, хайрлашмай йўқолади. Бедилга эса мен талпинганман. Ториксам, хаёлларим сийқалашса, бу аросатда қолиб кетмаслик умидида Бедилга юзланаман. Бундай дамлар мароқли туш. Тилсимлар уйғонади, уйғотади. Тил ўзича мавжланади, кўнгил ўзича... Севинч ичимга сиғмайди. Рухим тоғдай юксалиб, ғамларни қувиб юради. Буям мавсумми? Мутолаанинг баҳорими? Билмадим. Камсўхум эдим. Сиқиминг тилсимларга тўлди. Дилимнинг талотўпларига қаранг. Нималарнидир англаган шуурим ўзини йиғиштиролмай қолди. Кўнглим бўшалсам, дейди. Бедилнинг дарвишлигини изоҳлашга эса йўл бўлсин. Бунақа мақсадни олдига қўйган шахс озгина бўлса-да, девоналикда иқтидори бўлиши керак. Буни кутманг. Ҳеч ҳам кутманг... Бедил мен қочаётган уфқда қолди. Унга талпинган ҳайратлар тобора ундан узоқлашади...

ОЙНА

Ҳар кимнинг фаҳми ойна. Ойнага ойна ҳадя этилади. Ҳамма уз чехрасини, гўзал рафторини кўришга ошиқади. Бедилнинг ойнаси бунга яралмаган. Уники ботиний ҳислар ойнаси. Ҳамма ойналар калитсиз. Бу калитли. Калити тилсимлар қулфига тушади. Ботиндаги доғлар тилсим. Қувонч тилсим. Шунанга қароматгүй ойна — Бедил! Бу ойнанинг жилваси минг турфа. Ранги миллиён бўёқда товланади-ей. Ойна синиқлари биз англаш даражасига етган-етмаган олам-оламларга бўлиниб манзара тугади. Манзара ботинимиздаги қайсар, худбин феълимизнинг рассоми. Кўрлигимиз арвоҳи.

"Дил ойнаси бор, боқмайин ўтди..."

— Дил ойнаси. Дил ойнаси-мунодий. Ўзига, ўзгаларга мунодий: "Дилингда қара, дилингда! Дилингда қаролмадинг-

ми, тамом. Бу тўрт кунлик дунёда ҳаётнинг абас. Бу тўрт кунлик ҳаёт — адам водийси сафари".

"Дил ойнаси бор, боқмайин ўтди,
Кўз унгида баҳор, боқмайин ўтди.
Бундайлар тушунмас, дашт ғуборида,
Ўзларин ҳам бир бор кўрмайин кетди".

Бедил ойнагар. У "ясаган" ойналардан иккинчиси хаёл ойнаси. Хаёл ойнаси кўнгилдан фироқда. Кўнгилдан соғинчда. Мия қаватларида дарбадар изғийди. Бу ойна раққос. Бу ойна созанда. Дилнинг хаёлдаги жонони бу ойна куйида ўйнайди. Ўзидан кетади. Ўзига келади. Шундай лаҳзаларнинг бирида Парвардигорнинг бизга раҳмдил ва бағри кенглиги, осийлигимизни ҳамиша авф этиб келаётганлиги қиличдай ярақлаб кўринади. Қилич чайқалади. Чақмоқ ҳўнграйди. Ойна чаккасидан қон сизади. Нигоҳларда чехра қалқийди. Ҳоради. Йиқилади. Судралади. Хор-зор тилдан иқроп томади:

"Юз шукур, тилмади ҳақ сийнаимизни,
Ошқор этмай шубҳа, дил кинаимизни".

Бироқ бу ойнага ботинан қаранг. Қараганингиз сари чинакам инсонлиқнинг бедилча йўл-йўриқлари дилга атиргул тиканидек ботади. Инсонлик қандай бало? Инсонлик қандай шум ҳаракат? Балони қандай бартараф этса бўлади? Унинг сифлийлигини қандай англаса бўлади? Гумроҳликка қарши солинган йўл биланглайди:

"Борлиқдан уялиб сув бўлмагунча,
Намоён этмади ойна бизни".

Бедил талаби — мамот. Бедил таклифи — ҳаёт. Ва инсон ойнага эврилади. Ойна гулларга, гуллар тупроққа, тупроқ яна инсонга... Энди кўринг ўзингизни... заиф, митти, хор, хўрлигингизни. Буларни йиққан ойна — хаёл ойнаси элас-элас қанотини силкигани билинади. Ойнани кимдир ўйнатади. Чаппа-роста, хоҳлаган ҳолатига солади. Кимдир? Кимдир? Кимдирни тани, тани! Танигандан кейингина ҳаёт бошланади. Мўъжиза кўзингни боғлаб, дилингни очади. Қаёқдандир мингта тилла сандиқ ортилган тевалар лўкиллаб кўринади. Устига ортилгани беғуборлик. Туяларни шаффоф қийиқчаллик йиғит — ойна етаклайди.

Ойна жилваланаверади. Қирлар жилпанглайди. Кўнгил далалари шахидлиги, асирлигидан лолалар тур кўтаради. Ойна жилваланаверади.

Нафас мазҳабида ҳақни топган тақводор дунёдан кетади, чин юртни топади. Келаётганларга гулхан тутқазади. Устига устак ойналикда Бедил танлаган йўллар хатарли, ҳайратланарли. Дил-ойна. Ойна-дил. Хаёл ойна тусида. Ойна хаёл отида кўпкарида. Бироқ пойгадаги отлар бир ўтган манзилларидан иккинчи ўтгилари йўқ. Олдиларида фақат синалмаган, тилсимли йўллар туради. Гоҳида бир йўловчи

— чавандоз — рухпарвар — бир йўла учта: борса келар, борса хатар, борса келмас йўлдан кетаверади. Йўлар бошлаган манзиллар номаълум. Ун сўқмоғи товонни қабартиради. Ун икки тўқмоғи юракни ёради. Мўйсафид-гўдак гина-гузора билан буни билдириб қўяди. Куяди. Иади: Ййганинг... Бошида қилич, Дилида қилич, Кўзида қилич.

АФСУНГАР

Комиллик ва камол афсуни... Икки тувак гулдаста. Туваксиз гулдасталар яна қанча? Дашт. Ташидан замонлар оқади. Ичини исёнлар сугоради.

"Бу даштда интилиш карвонлари бор..."

Бу даштни бизга ўхшаганлар фақат мақтаниш, мартаба учун севади. Яқинлашмай оёғи куйишидан куяди. Интилиш карвонлари яратган қўлида. Англаган жониворлар хаёлини қамчилайди. Англаган махлуқлар — йўловчи...

"Йўловчи шиддатин нишонлари бор..."

Бу хира тасвир. Саргайган тасвир. Чин инсонларнинг ҳой-ҳаваси вақтдан нимадир юлиб олишга тиришиши — сароб янглиғ ҳавасни келтиради. Мен сўзлари қашшоқ бир замон боласи, фикрлари юпун сўз сағири тилла топгандай ҳаволанаман: — "Йўловчи шиддатин нишонлари"га қаранг. Аслида у, томоғига текилган азобни тўкилганича тўккан, пайхон гуллар ичида энг рангсиз, биз гайб дунёсидан йироқларга энг манзури ҳилпирайди:

"Камолга бир йўла етиб бўлмайди..."

Мутлақ қабул қиламиз. Мутлақлик тушунчамиз тенглиги Аслида тенгмикин? Буни комиллик сари олдга ва ортга кетаётган мутафаккир тарозига тортмаса... Яна тош устига тош—

"Тўлин ой йўлида нарвонлари бор".

Сабрилилар кўнглига таскин. Фожиа-нодоннинг камол даввоси. Фожиа-комиллардан камол афсунларининг бир неча баробар кўплиги. Фожиа-уларнинг керилиши. Бедилча камол афсунгарлигидан омон қолмоқ ҳам илоҳнинг марҳамати. Инъомсиз ақл қаҳат.

"Юз шукур, одоб, иқболи кулиб,
Ҳеч кимдан ортиқман дея юрмадим."

Бандага марҳамат этилган комиллик фақат ўзи даража-сида. Ўз доирасидан юқорига кўтарилиши ҳеч мумкин эмас. Инсонликдан юқорилашиш тубанлик...

"Қанчалик бўлмасин инсон камоли,
Кўкда Исо, ерда Илс мисоли.
Ваҳм ҳалқасидан ҳеч ким чиқолмас,
Бари сирланган тос ичра чумоли."

Сирланган тосдан чумолининг чиқиб кетишга уринишлари... У ёлворади. Марҳаматига эланади: "Ҳаммани ўзига маҳлиё қилмоқ камолотидан асрагин". Кошиф кўнгли қартайди, кўнги... Кўнгилининг қартайиши — қуламоқ. Кўнги ҳар лаҳза оғзи қон атиргулдек бўлгани яхши... Ҳолат гўзал. Ҳол ўсал.

"Илм кўз-кўз қилмаслик камоли ўзга,
Лаб очмай сўзламоқ мақоли ўзга.
Ясанчоқлик, кибру ноз оламида,
Ойна тутмаслик жамоли ўзга."

Кўз-кўз қилинмаган билим ақл базмини безайди. Ҳайрат даҳнасини очади. Энг зўри камсукумлик сафоси. Бу сафога нодонлар шерик бўлолмайдилар. Табиат дутор. Комил дуторчи. Чертади. Чертгани мўъжиза туғади. Мўъжизасиз йиллар — эзгин, хароб имконлар. Ҳут кетаётиб, Ҳамал кираяётиб кўнглингиз боғларига боқсангиз бу жуда билинади. Эҳ, дунё, эҳх... Қабр — бешик. Бешик — қабр. Комил баҳорда куз бўлиб яшайди. Камол тирамоқ баҳори. Бу телба-тескари уйин. Уйнайверамиз, уйнайверамиз, уйнайверамиз...

ГҶЗАЛ

Тангри гўзалдир, гўзалликни севади. (Ҳадисдан) Болалигимда гўзал қизлардан ҳайиқардим. Негадир уларнинг кўзидаги сеҳр, чеҳрасидаги нур, тилидаги жозоба ҳар дуч келганимда мени довдиратиб, саросимага соларди. Ҳам бутун

танам ўт олиб, тер орасида қоларди. Тангрим тепамдан сел қуйиб юборгандай бўларди. Нега? Ҳали-ҳамон аниқ-тиниқ бир жавоб йўқ. Ҳамон бу ҳолатим ўзимга тилсим.

Англоксиз завқ ҳали-ҳамон кўнглимни эркалайди, ширин энтиктиради... Минг хаёлга бораман. Хаёллар қишлоқ оралайди. Тилсимлар устига тилсимлар юкланади. Нега ҳар бир қишлоққа бир паллада икки эмас, бир гўзал беради? Нега унга тўққизта ошиқ беради? Калака, кулги, изтироб, қувонч оға-ини... Аввали номаълум, охири тилсим. Ораллиқда дардлар қолади. Ораллиқни бахтсизлар олади. Гўзаллик ҳеч қайсига алвидо айтмайди. У тўққиз азобнинг уйини безайди. Бир "бахтли"нинг қўйинини тўзғитади. Эҳ, фитна уяси... Гўзал чеҳра 18 чўққига чиқиб, қишлоқ оралаган сари қишлоқда телбалар пайдо бўлади. Ойга орзуларини айтадиганлар кўпаяди... Гийбат халталарининг озги очилади. Далаларда ҳавас нишлари унади. Эски ишқ яраларининг усти тирилади. Тешик қулоқ овозсиз қомайди. Еш олчадек ҳислардан қалтираб у парирўй жафосига йўл олади. Парча-парча бўлиб жангта киради.

Гўзаллик мағрурдир мисоли осмон.
Мактублар йиртилган, ҳеч кимга боқмас.

Гўзал қўл етмас Зухранинг олдида. Унинг изларига ҳийқим юраклар поёндоз. Тушлари ошиқлар тушига уланади.

Нечалар кўмилган бу хаёлга... Гўзални, саргайган гўзални юраги чиримган қабрсиз арвоқлар таъқиб қилади. Гўзал чеҳра қатл майдони. Бу рафтор маҳшар меҳроби. Сийратлар шу Маккага талпинади. Севги ҳожилари улар! Карвонларни тўлдириб туҳфа — юрак боради. Унда ханжар билан тилинган битик бор: "Мен сени севаман". "Сенсиз ҳаётни тасаввур қилолмайман". "Сизни яхши кўраман". Жоду... Федор Достоевскийнинг бир нақли бизнинг замона-мизда саҳич бўлди. Фарнинг ҳам, ақли қосир, беобур мақтанчоқнинг ҳам тилида ўша лафз. Дунё нақл чайнаш билан овора: "Гўзаллик дунёни қутқаради." Ишонгингиз келади. Ишончинг кўринмас қанотлари — таскин. Сароб таскини... Достоевский хаёлпарастлиги — эзуликни излаш хаёлпарастлиги. Тақдирлар маҳшаргоҳида Ҳақ нақли қалқийди: Гўзаллик дунёни забт этади, қўл қилади. Ҳам инсоний, ҳам илоҳий тасвир: "Чаман шавқи уйдан чиқарди бир кун, Гулда сеҳр кўрдим, лолада афсун." Гулнинг сеҳрлаши... Лола афсунгарлиги... Куйган кўнги томшаси.

"Наргис жигаримга ўт ташлаб қилди,
Кўзимни баҳору ўзимни Мажнун."

Бедил кетиб бормоқда...
Дилсиз. Умидсиз. Осмон ложувард. Қушлар оқ булутни миниб олган...

Бедил кетиб бормоқда.
Қаноти кўнгида... Кўзлари кўнгида... Онасининг чўккан қабри кўнгида...
Бедил кетиб бормоқда.

Малик кўнги кетиб бормоқда. Шаҳзода ақл жаннат дарвозаси кўринишидан қўрқади. Шаҳзода ақл ҳаёт дала-сида... Ишқ канизаклари, фаришталар бирла... Гул бир луқма. Лола қадаҳчи, қадаҳида минг култум май... Наргис илоҳий ўт фармонбардори. Бедил — баҳор! Баҳор — мажнун! Унинг ташрифига гуллар кўпади. Қисмида ханжар, атиргуллар изини пойлайди... Ота Даштда ифорли насимлардан ҳаприқади...

Наргис жигаримга ўт ташлаб қилди,
Кўзимни баҳору ўзимни Мажнун.

Кўзнинг баҳор мартабасига эришуви минглаб баҳорларга таъғийди. Минглаб баҳорлардан-да гўзал. Бу баҳор кўнгила йўл топса, уйғониш экади.

Бу баҳорнинг ўзича лолалари бор — исён.
Ўзича бинафшалари чайқалади — журъат.

Ўзича булутлари ҳиқиллайди — шафақранг шафқат. Булутлар йнгиси видо эмас, салом. Йиғилардан иймон дарахтлари кўкаради. Жигилдон кўлмаклар ювлади. Ва, ва... эҳ-е-ҳей... Ишқ ватани — Мажнун кўз очади. Олам яшашга арзигулик ҳолатига келади! Тошлар тош эмас, мум...

Йўли Бедил учраганларга ишқни улашиб боради: "Йўл озигим кишиларга бўлди муҳаббат". Учраган кўнгилар безалиб, бошқача хона мақомини олади...

"Токи ишқ қиссаси такрорга қобил,
Бу мато бозорин доим чаққон бил.
Мажнун тупроқ сочар бошига ҳамон.
Фарҳоднинг тешаси тошда муттасил."

Ҳамон шундай... Ҳамон ишқнинг бозори чаққон. Ҳамон гунча "портлаб" гул бўлади. Гул армон таманносида бир бахтсизнинг чимилдиғида сузилади... Ҳамон...

ВИДО ОҲАНГИ

Ҳақиқий шоир кетар олдиан элига "алвидо" дейди. Жисмини тупроққа, қалбини халқига топширади. Шоирлар қабрини зиёрат қилишда мен ноқислик кўраман. Шоир мазорини тупроқдан топиб бўлмайди. Улар мақбараси зиёрати учун эл кўнглига борилади. Кўнгил тавоф этилади.

Сафар олдиан руснинг боласи Сергей Есенин жисми ҳали навқирон 30 арафасида, руҳи нимта-нимта бир маънос, хоки-туроб хайрлашади: Хайр энди, хайр дўстгинам... Бу алвидодан болаликнинг эпкин эсади. Эпкин ватанда ўзича ватан тиклаган. Уша ваған унга мусаффо овоз билан бўзтўрғайликни насиб этган, бугдой бошоғининг қўл силкиши билан онқуйини, навқиронлигини эслатган, тупроқнинг бегубор нафасига қўшилган асл, қиз бола нигоҳидан ишқ ҳаёда этган. Мана ўттизга ҳатлай-ҳатламай, ҳаётдан тўйдириб қўйди бу ишқ. Хайрлашмай кетиб бўладими бу юрда. Видолашмай бўйинга сиртмоқ солиб бўладими ахир?... Хайрлашув жой танламайди. Вақт сараламайди. Яна бири ўзга бир ёқда, ўзга бир овлоқда, бошқача тусда, бўлак овозда видо куйини чалди. Ёши ҳали қирқда. Унинг ҳофизаси жуда бепоеъ, бир овозида салафларидан ўнингидан нидосини жамлаган, ҳам ўз ҳаяжони ва журъати билан улардан ўзган ўзбекнинг эҳтимол иккинчи, эҳтимол учинчи, яна ким билади, йигирманчи улуг Абдуллеси эди:

"Хайр, эй, беармон кезган қирларим,
Хайр, эй, йироққа қочган сўқмоқлар.
Хайр, эй, масканим — туққан ерларим,
Хайр, эй, саҳролар, хайр, эй, тоғлар.
Энди сизни қайта қуча билмасман,
Инжа дийдорингиз энди ўзгадир.
Шамоллар, сиз билан уча билмасман,
Чечаклар, энди сиз менга беқадр."

Бу-ҳали ҳаёт умиди билан ҳаётла хайрлашувдир. Унинг қолип қанотларга сигмас сафари "Яна Баҳор келди, яна оламга..."дан бошланган. Бу салом яна бир шоир тугилгандан кўнглининг ўнгиру тепаларини аён ва шоён этди. Оналари 20-30 йилдан буён шоир тугмай қўйган бу элда... Борларини осиб, отиб-сотиб, бурдалаб еган бу элда... Минглаб йиллар аро қонлардан-қонларга ловуллаб келган ўзбаки юрак бир ҳаприқди. Бир ҳовлиқди. Оҳ... Нуроний туркий битик Билга ҳоқон тошларин хўрсиниқлари... Тошдаги васият яна қанот чиқарди. Танглайида азал тажрибалари... "Эй, турк халқи, тўкис ишонувчисан. Самимий-носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танимайсан. Ушандайлигинг учун тарбият қилган ҳоқонингни гапини олмайин ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг. Уша ерда қолганинг ҳам зўрга ўлиб-тирилиб юргандинг. Тангрим ёрлақгани учун, истеъдодим, бахтим бор учун мен сизларга ҳоқон бўлдим. Ҳоқон бўлиб йўқ, қашшоқ халқни бой қилдим. Оз халқни кўпайтирдим. ...Шу хилда қозонилган, барпо этилган давлатимиз, қонун-қоидаларимиз бор эди. Турк, ўғуз беклари, эй халқ, эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, паства ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? Ўкин, пушаймон бўл, кўргулигинг, тақдиринг учун, тарбият қилган доно ҳоқонингга, емрилган, қўлдан кетган яхши давлатингга. Ўзинг адашдинг, орага ёмонни киргиздинг. Қуроли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди. Муқаддас Ўтукан йишга бординг, шарққа боролгунча бординг, ғарбга боролгунча бординг. Борган ерда яхшилик шу бўлди: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай ўйилиб ётди, бек бўладиган ўғил боланг қўл бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди. Билмаганинг учун, ёмонлигинг учун.... ...Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сўзи ширин, ипак кийими нафис экан. Ширин сўзи, ипак кийими билан алдаб, йироқ халқни шу хилда

яқинлаштирар экан. Яхши қўшни бўлгандан кейин ёвуз илми у ерда ўрганар экан. Яхши, доно кишини, яхши алп кишини йўлатмас экан. Бирор киши адашса, уруғи, халқи, уйи, ёпинчиғигача қўймас экан. Ширин сўзига, нафис ипагига алданиб кўп турк халқи ўлдинг. Эй, турк халқи, ўлдинг..." Бу қусурлар йигирма аср кейин ҳам амалда эди. Шу боис Абдулла Ориф куйини тинглаган даладар ундан ажралиб қолишдан қўрқиб маъюсландилар. Кўнгил бекор хавфсирамаганди. Қўшиқлар дорсиз осиди. Ҳаяжон чопилди. Оғанини турк томошабин. Тили зўрланган, ўзи хўрланган, болалари хор, қўл бўлган бу забун эл... Мажлислар билан қотган дийда 14 йил ўтмай руҳан хайрлашувга келди. Осмонларга учган руҳ дарбадар. Лошига сиймай боболари шайх Ясавий, амир Алишер, шоҳ Бобур, ҳоқон Машраб сари учди... Бизнинг орамизда жисмга беватан телба руҳ келади, кетади. Жуда эрта, жуда эрта хазон бўлган, парча-парча қўшиқ арвоҳлари тупроқни изтиробга солиб тентирайди... ..Бедил хайрлашув бутун кунтуғар халойининг гулшани. АЛВИДОСИ — Орзунинг ижобати. Очилиш атиргули. Топилиш саҳари. Бедил хайрлашув куйини баҳор оҳангида чалади. Ўзига аталган марсиянинг нағмасида йинглаб, бодраб чечаклар уйғонади. Ундан кўпинча мункайган чолнинг "умр-бевафо экан-да" қабилидаги ҳўнгир-ҳўнгири эмас, гўдакнинг, тўғрироғи гўдак-чолнинг чоллиғида ҳам гўдаклиғига қолган соф нафаси атрофга сумбуллар сочиб боради. Умр-турналар арғимчоғидаги кўклам.

"Қарилик гуллайди мисоли баҳор,
Безакка бойдир бу фасли интизор.
Кетмоқ пайида бўл, сочинг оқаргач,
Бу пахта тағида учқуни ҳам бор".

Бедил кетиб боради. Руҳи ҳамма ёққа баҳор улашиб боради. Ўтган манзиллардан топган нарсалари кўнглини яшнатади, яшартиради. У ўлимни бўйинга олиб қўйган. Ўлимга қайгурмайди. Балки уни рози-ризалик билан кутади.

Миртемирникида бирам ўртанарли...
"Розиман, ризоман ўла-ўлгунча,
Халқим деб ўлдим.
Халқим нима бўлса, мен ўша бўлдим,
Юрагим ўртанма, бўғилма бунча."

Бу қўшиқнинг чодир куз. Сариқ кулоҳида эзилиб, ерга кириб боради. Бедил умрининг видоси баҳор. Ҳамал қамали... Соч оқини Бедил болалик юрак учқуни, тонг майсаси қилиди. Ва дили кўрларни огоҳлантиради... Ҳолатим адо бўлиш эмас—жамланиш, ожизлик эмас—қудрат, ўчиш эмас — ёниш... Оҳанг ҳаракатидан ёшлик шижоати томади. Гўдак интилишларидай ҳавасимизни келтиради. Калималар беихтиёр болаликка етаклайди. Бу пистоқи фаслга қайтмоқ бўлганлар озмас, анойимас:

"Болаликка қайтмоқ бўлди у,
Ёдлай дея ота-онамни.
Бироқ қалби чарх урди бўзлаб
Фарзандларин қабри устид.
Қора тунлар ғам чекди юрак,
Тинглай дея аллани такрор.
Ва кўрди у болалигини:
Сочи оппоқ эди боланинг".
(Х.Даврон).

Бедил руҳи тупроққа онанинг кучоғига боргандай боради. Уни атиргул емиради. Сатода чалинган видо куйи гунчалар ила жўровоз қариликнинг шидатинго ғаротидан озорланади: "Қарилик шиддати айлади ғарот... Кўнгил ўргилсин-а бу "ўртар"дан. Ҳали ўттиздан ошмай қорин ишқиди тўнғиган қонларни гимирлатади-я, чоптиради-я у.

"Танда тоб қолмади, кўнгилда тоқат."
Бу улуг ҳасрат икки аср оралаб яна қайтди. Ҳасрат ватани — Туркистон! Ҳасратнинг янги жилваси ҳали сиёҳи кўриб ҳам улгурмаган. Ҳовури кўзга уради:

"Танимда қолмади мадорим,
Рухимда қолмади қарорим,
Бизларни бир йўқлаб келибсан,
Вафо қилтурмисан, баҳорим".
(А.Орипов).

Хотира қиличини яланғочлаб, навқиронлик буюклигини
кексалик арқонига боғлайди.

Куй судралади.
Танбур зўриқади.

Куй судралади... Номус куй аравасида осмон сари
боради.

Куй судралади. Куй паноҳида олам кўз очади. Олам
ҳаяжонга келади. Ҳайратга ғарқоб бўлади.

Куй судралади... Ҳаё мункиллаган моҳнинг юзига тилла
парда тутади. Моҳ соҳибжамол. Ҳаё соҳибжамол.

Куй судралади... Эл юрагининг эшигида мўйсафид,
донишманд оҳанг номусга қўригбонлик қилади.

Куй судралади... Бағирнинг қон дарёси олдинга инти-
лади. Тилида нидо, вужудида ирода. Манглайида болалари
ўқиши учун дуо:

"Эй, теракнинг барги каби титраб турган чол,
Ғам-тоқатдан ўзга умид топмоғинг маҳол.
Умр видоси, номусини елга совурма,
Эл эшигин супурмасин бу оппоқ соқол."

Куй судралади... Узлат сари. Ясавий ғорига қараб. Эл
уйи пештоқига ҳеч бўлмаса шам бўлган оҳанг ўлим
олдидан барчанинг сирини, кўнгилларнинг макрини билиб,
уларга ўз ўлимини раво кўрмайди. Тебранаётган далалар
тагига қолмаслик умидида ўзича қанот чиқаради. Кўкда
ўзича ўзига қўналға излайди.

"Қарликда холи бир бурчак топ дилга, Бедил,
Дарё энди лойқади, қани чиқ, топиб соҳил.
Мана оппоқ сочларда кафан иникоси бор,
Йўлда кўзинг юммасдан ўз манзилинг топа бил."

Куй судралади... Қайноқ куй совиб бораётган лош-кемани
куйдирди. Куй имонни тепага тортади. Уммон шалоғини
чиқарган кема бўзгича бўтанага, хору зорликка ботади.
Рух янги соҳил излайди. Оҳанг тутади сувларни Кема чўкиб,
ўкириб боради: "Хайр. Хайр, ёлгончи қабр." Тушун, англа,
руҳ боқий, руҳга қабр керак эмас. Мақбара руҳга ҳақорат.
Бу унинг феълени, умрини билмаслик... Битта жони қўшиқ,
битта жони куй, битта жони бўёқ, бир жони битик Қафасдан
руҳ бўшалади, жон чиқади: "Пуф-ф-ф.."

Бедилнинг бўлса ҳам кўз ёши равон,
Ҳар қадамига дил жигари қурбон.
Алам моясидир ҳар бир жудолик,
Видо оҳангини жон сақлагай, жон.

1991 йил, баҳор.



Истеъдодли мусаввира Гулнора Раҳмонни зукко ўқув-
чига таништириб ўтириш шарт бўлмаса-да, унинг бир шоир,
бир ёзувчи даражасида сўз устида масъуллиги, шеър
бахрида эркин сузишини эътироф этмасдан бўлмайди.
Маънавиятимизнинг икки ойнаси — тасвирий санъат ва
адабиётдаги бу урinishлардан руҳимиз фақат дур топади,
санъатлар-да бир-бирига кўпроқ уйғунлашади.



НАЗМ

Гулнора РАҲМОН

БЕТАКРОРДИР БАҲОР ҲАМ, КУЗ ҲАМ...

Орзуларим қолди оёқ остида
Устига тўкилди арча хазони.
Огриқлар қийнайди жоним қасдида
Гуллар айтинг, қайда уйнинг мезбони!
Кўлларим гуллайди, тирсакка қадар
Кўзларим дурини тўқдим изига
Ушмамайин кездим дарбадар
Битта юртнинг эрка қизига.
О, жуда улқандир бўғзимдаги оҳ,
Тишимни тишимга босиб сўзлайман,
Айтиб юборсанг-чи, эй азиз даргоҳ
Сенинг соҳибингни қайдан излайман?
Ўтган кунларимнинг номи асрдир
Кутган кунларимда оқарди қоним
Бу қандай, бу қандай сирли қасрдир
Минг йилда бир марта келмас султони.

Барча мўмин-мусулмонга хос
Шукронадан жудоман, жудо
Туйгуларим баландми ё паст
Кечмишимдан хабардор худо.
Ўтда ёнмоқ менга чикора
Оятлар-у саждага ётман.
Гуноҳларим ортар тобора
Кўпдан буён дўзахий зотман.
Кечирдинг-у, кечмадинг нима
Ўзим гулхан аро кетарман.
Йўлларимга қўшилиб ёна
Оташ маконимга етарман.

Мен кетаман, кетавераман
Дардларимни этолмай изҳор.
Юз бор ўлиб остонангизда
Сизга жоним қиламан нисор.

Сиз куласиз қаҳ-қаҳа отиб
Сизга кулгу ярашади, о.
Мендан эса бир умр юзин
Ўгиради шод-хандон дунё.
Ахир бир кун жаҳлим чиқади
Шунда мен ҳам ишим тўғрилаб.
Эсдан чиқиб суратларингиз
Ўзингизни кетгум ўғирлаб.

Кетар бўлдим, йўларингизда
Кеза-кеза беҳуд, бесамар.
Ноумид қайтарман соғинчим
Суяклардан ўтиб жон қадар
Танимайсиз, босиб ўтасиз
Фарёд чекиб ётган изларим.
Мени эса олдинда армон
Кутиб ётар тикиб кўзларин.





Юсуф ХУДОЙҚУЛ



БАҲОР

Яна баҳор бошланди, она,
Ухламади майсалар шу кеч.
Чигирткалар хониши ичра
Зулмат ўкинч, сукунат ўкинч.
Новдаларда уйғонар титроқ,
Пиндиқ ёра бошлабди куртак.
Она, бари ҳаётнинг мангу
Эканига ишора демак.
Ана қуруқ ёғоч бағрида
Митти баргин ёзар пўпанак.
Заъфарон тус хазонга, ахир,
Бу кўкларнинг исёни лак-лак.
Тўда-тўда яйдоқ юлдузлар
Бунча ширин ёнар хотиржам.
Ҳислар жўшқин, эҳтирос жўшқин,
Олий ишқнинг хислати бу ҳам.
Қиқир-қиқир кулар бойчечак,
Заррин сочар жаннатий иқлим.
Гўзал баҳор қувонч ёшига
Мискин қалбим чўмилар лим-лим.
Яна баҳор бошланди, она...

Мана ўша таниш майдонча,
Япроқчалар сочилган тўкис.
Бўшаб қолган ўриндиқлар ҳам
Иккимизни кутмайди, эссиз.
Савлат ичра азим дарахтнинг
Ишқ оҳидан қорайган тани.
Бизлар каби у ҳам тўкибди
Майдончага яшил баргини.
Қайгу тўла мўъжаз майдонча,
Энди бунда ҳижрон ҳукмрон.
Минг азобда ошиқ юраклар
Титраб-титраб сўзламас ҳеч он.
Заъфарон тус япроқлар эса
Ардоқланган минг бир қабр тош.
Ишқимизни кўмгандик биз ҳам
Қайси бири бизники сирдош?
Кимга керак шу азоб асли,
Кимга керак хўрланиш, таҳқир —
Начора, ишқ фалак неъматин
Ўйғоқ қалбга унутиш оғир!

Бир дақиқа келгин, келгин поклигим,
Қайноқ лабларингни бўсага кўмай.
Оташ бер қалбимга маънос чоғлигим,
То мени маст этсин лабингдаги май.
Бу ранглар замоннинг инъомлари ҳеч,
Яшаш шавқин дилда уйғотмас малак.
Шавқи йўқ қалбларга совуқ ҳис ҳоким,
Ёш туриб қайғудан сўнмасин юрак.
Бир дақиқа келгин, келгин поклигим.



БИР ДАМГИНА КЕЛГИН, КЕЛГИН ПОКЛИГИМ

СЕВГИ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Тун шивирлар сокин кеча
Чироқ ёнар милтираб.
Оқ пардани нозик қўллар
Сура бошлайди титраб.
Тун қўйнидан қора шарпа
Яқинлашар хотиржам.
Деразани чертар уч бор,
Ва имола чорлар ҳам.
— О, келдингми муқаддас ишқ
Ҳаққи дея ростин айт.
Йўқ, йўқ асло, бас, гапирма,
Ишондим ортингга қайт!
Ҳаяжонда ёнади қалб,
Нозик вужуд қалтирар.
Бирров нигоҳ ташлар унга,
Оҳ, кўзида ғам кўрар.
— Отам хуфтон намозини
Ўқиган йўқ, кета қол.
Ва чап юзин тутар унга.
Кел дегандек бўса ол.
Ай, куйдирар ўтли нафас
Қиз дудоғи бир ширин.
Чўнг елкага бош кўяр у,
Юмиб олиб кипригин.
— Бўлди, бўлди қўйвор энди —
Қиз ортига қайрилар.
Тагин бирров нигоҳ ташлар,
Оҳ, кўзида ғам кўрар.
— Мени дея келдингми, айт,
Бунча ёқар ишқий куй.
О, кўзингда ғам кўраман,
Сени қийнар қандай ўй?
Йўқ қалбини очмас йигит,
Ҳамон ғамгин боқар жим.
Бир кўнгилни ола билмай,
Бир қалб йиғлайди сим-сим.
— О, ташнасан, аммо бир кун
Тўймоғинг бор, нетай мен?
Сўрайверма ҳар нарсани,
Қўйвор энди кетай мен!
Яна бирров нигоҳ ташлар,
Оҳ, кўзида ғам кўрар.
Ойдин кеча, оппоқ бадан
Юлдузларга кўмилар...



Юсуф ХУДОЙҚУЛ 1961 йили Яккабоғ туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллиётини тамомлаган. Ҳозир "Савдогар" рўзномасида хизмат қилади.



Луқмон БҮРИХОН



Ҳикоя

Шаҳар чеккасидаги катта бир завўднинг кичик бир хизматчиси Замонқул шалоғи чиққан автобуснинг орқа бурчагида қисилиб-осилиб ишдан қайтаркан, тўсатдан мўъжизалар-мўъжизасига дуч келиб қолди, аммо ҳушидан айрилиб йиқилмади, қайтам чарчоқлари тарқаб, бош оғриғи сал босилгандай, тиқилинч автобусни, ундаги иссиқ, дим ҳавони, теварагида серрайганларнинг адоватли тикилишларини бир зум унутгандай бўлди, юраги тошиб, ақли ошиб, хаёли қочиб лаззатли қарахтлик оғушида қолди. Бошқа йўловчилар ҳам унинг тинчи йўқолганига ажаблана-ажаблана тўхтаб турган автобус деразачаларидан ташқарига — одамлар уймалашиб ётган бекаат ёққа мўралашди, бироқ ҳеч қандай тансиқ мол сотилмаётганини кўриб баттар ҳангу манг бўдилар.

Замонқул бундай мўъжизалар мўъжизасига йўлиқишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди, тўғрироғи, унинг эс-ҳушини ишга мудраб бориб, мудраб қайтиш учун автобус ўриндиқларидан бирини амал-тақал қилиб эгаллашдан ортиқ ташвиш забт этолмаганди. Ҳар кун эрталаб ётоқхона қошида, кечқурунлари эса завўд дарвозаси ёнида қантарилиб қўйиладиган ишчилар автобуси томон орқа-олдига қарамай, кимдандир ўзиб, кимдандир қолиб, бировни суриб, бировдан сурилиб ошиқишлар, қий-чув билан жой талашилар уни буткул зада қилиб ташлаганди.

Шу сабабдан ҳам худди биров арпасини хом ўргандай ижирғиниб, гудраниб юрарди. Замонқул айнқица сўнги пайтлар айнигандан айниди. Илғорлиғи учун онда-сонда мақталиб турадиган туппа-тузук ишчидан танбал ва тажанг хаёлпарастга айланди-қолди. Юриш-туришидан, гап-сўзларидан алланечук бесаранжомлик, жонсараклик уфуриб турарди. Одатда кимнидир, ненидир узоқ ва илҳақ кутган кимсалар шу янглиг калавасининг учини йўқотиб қўядилар. Замонқулдаги галати-галати ўзгаришларни турган гап, энг аввал хотини пайқаб қолди. "Мендан кўнгли совияпти", дея ўйларди у кўпдан бери пардоз-андозни дўндирилмаётганидан куйиниб. Айнқица, эрининг аллақандай сабрсизлик билан эртани кутиши, ишхонасига ошиқиши уни қаттиқ шубҳага солиб қўйганди. Бироқ, ишхонада ҳам шу ҳолат эканини, эри қургур у ёқдан уйига бемақсад шошилишини билмасди-да бечора.

Мана, бугун ҳам Замонқул бировнинг йўлига интизор кўз тиккандек, цехнинг чанг ва ёғ қоплаган деразаси ёнида устма-уст тамаки тутата-тутата кунини кеч қилди. Тагин, иш вақти тугамасданоқ, ҳаммани басаранжомлаштириб наридан бери ювиниб-тараниб ташқарига отилди. Завўд дарвозаси ёнида ишчиларни кутиб турган махсус автобуснинг олдинги қулай ўриндиқларидан бирини эгаллаш иштиёқида эканлиги шундоққина юз-кўзидан сезилиб турарди. Аммо, чучварани хом санаган экан. У ушлаган товўқнинг аллақачон патларини юлиб олган доғули хизматчилар ҳамма ўриндиқларни эгаллаб, бепарво гап сотиб ўтиришарди.

Замонқулнинг таъби баттар тирриқ бўлди-да, ташига чиқармай сўкинди. Бу ҳузурбахш сўкинишдан илғари Замонқул анча энгил тортар ва яна хотиржам автобуснинг бирор чеккасида осилиб кетаверар эди. Аммо ҳозир ичига чироқ ёқса ёришмасди. Гуё бўшлиқ қилиб бирортасига минг сўмини олдириб қўйгандек кўнгли хижил, асаблари таранг эди. Шу сабабли бўлса керак, ҳеч нарса ёқмас, айнқица, автобуста бирин-кетин чиқиб келаётган оғайниларининг олди-қочди гап-сўзлари, ҳазил-ҳузуллари гашини қўзаб, жаҳлини чиқарарди.

Кўп ўтмай автобус ишчилар билан лиқ тўлди. Теру чанг, арзон тамакию атир-упаларининг қўланса ислари бўғиқ ҳавони баттар бўғиб қўйди. Лекин одамларни бўғиб бўпти, айна пайтда улар учун нафас олишдан ҳам кўра, қулайроқ жойлашиб олиб, қулайроқ шерикка қулайроқ миш-мишни оқизмай-томизмай, керак бўлса ўзидан пича-пича қўшиб етказиш муҳимроқдай эди. Шу боис бесаранжомлик, қий-чув, шовқин-сурон авж пардасига чиққанди. Кимдир автобус салонининг ўртароғига силжиш ниятида куймалана-ётганларни жеркир, кимдир ҳамма келиб бўлганини айтиб, ҳайдовчинини шалтоқ аравасини қўзғашга даъват этар, яна биров ёнилғи ҳидидан кўнгли беҳузур бўлишидан нолий-нолий тил тағига бир кафт носвой ташлашга чоғланар эди. Аммо, мақтанчоқлигию қўрқоқлигини сохта вазминлик панасига яшириш учун ўлиб-тириладиган ҳайдовчининг чиранган овози ҳаммасидан ошиб тушди.

— Ўв-в-в, — деди у микрофонини андак қитирлатиб турғач, — ётоққача тўхтамай кетамиз, агар унда-мунда тушиб қолувчилар бўлса, марҳамат, оворагарчиликсиз ҳозироқ автобусни бўшатиб қўйсин. Яна бир марта қайтараман...

Унинг одатдаги узундан-узоқ огоҳлантиришлари кўпларнинг гашини қўзаб, кўпларнинг кулгисини қистар, баъзи сиркаси сув кўтармайдиганларни эса гўдиллаб сўкинишга мажбурлар эди. Чунки бу сафсатабоз ҳар гал жўнаш олдидан шундай тантанали баёнот берса-да, жойидан андак жилмай киракашликни бошлаб юборар, ҳеч қурса, йўл-йўлақай беш-олти одам олмаса кўнгли ўрнига тушмасди.

Ниҳоят, автобус қўзғалди. Куюқ дуд бурқситганча зўриқиб ишлаётган мотор шовқини, автобуснинг ичу ташини зириллатиб, йўловчилар қий-чувини босиб кетди. Димоқларга қадрдон ачимсиқ тутун иси урилди.

Кеч куз фасли эканлиғига қарамай ҳаво ҳийла иссиқ ва дим эди. Серқатнов йўл бўйлаб сийрак тизилиб кетган дарахтлар хазон ташлаб паршон туришарди. Ўнгу сўлда машиналар занжири бир зум ҳам узилмайди. Узоқ-яқиндан қўзга ташланиб турган баланд-паст иморатлар, баҳайбат-баҳайбат қувурлар, чала қолган қурилишлар аллақандай ноумид қотиб қолгандек эди. Шаҳарнинг ҳувв чеккасини ҳарир пардадай кирчил туман қоплаб ётарди.

Ҳавонинг иссиқлигидан, автобуснинг бир маромда ин-

гиллаб тебранишидан йўловчилар тобора эликиб, ғала-говур, вағир-вуғур тиниб борар, бутун автобус салони бўйлаб ҳоринглигу лоқайдлик, тажанглигу карахтлик кезиниб юрарди.

Замонқул бутун борлиги кучсизланиб, кўзи тиниб-тиниб кетаётганидан узун тутқичнинг бир четига буткул осилиб олганди. Узининг ҳолсиз, сўлжайиб туриши ҳувв болалик чоғлари онаси хипчин билан хўп савалаб-савалаб чангини қоққач, дорга ташлаб қўядиган эски қуроқ кўрпани эсига солар, бу ғира-шира хотирадан юрагининг қай бир бурчида соғинчга ўхшаш алламбало кўзғалиб қўяр эди.

Замонқул лаблари қовжираб, томоқлари қақраётганини ҳис қилиб беихтиёр устма-уст ютинди, изидан ҳузурланиб узун "уф-ф" тортди. Бироқ енгил тортмади. Қайтам, баттар дармони қуриб, шундоққина ияги тагидаги ўриндиқда ястаниб бошини бир ёнига сал эгилган қўйи бемалол пинакка кетган ишчининг устига лопиллаб қулаёзди.

Ўтирганнинг сарғиштоб ўсиқ сочлари уч-тўрт кун сув кўрмаганидан сўлгин қовоқларига довури бостириб келганди. Юз-бўйин терилари эса гўё еб тўймас кимса ёғ юқи қўлларини нари-бери артиб бир чеккага улоқтирган қоғоз бўлаги каби тиришиб-буришиб ётарди. Япасқи бурнининг керилган катакларидан хийла ўсиб чиққан, тўлқин тутар нозик симларни эслатувчи туқлар, тамакиданми ё тузукроқ емиш илинжиданми сарғайиб кетган сийрак тишлар кўрғаннинг кўнглини ғашлар эди. Бу ғаройиб нухсанинг эғнидаги оддийгина арзон костюми яп-янги бўлса-да, озгин гавдасига ярашмай, шалвираганича осилиб турар, унга қараб туриб, қўйнақой, бирор мейрибон кимса алдаб-сулдаб, қўярда-қўймай кийгизган бўлса керак, деган ўйга борарди киши. Бу қурғур эса, ношуқурларча ярим очиқ оғзидан сўлақайини оқизиб ажойиб кийимнинг ёқасини бемалол булгар эди.

Замонқул мизғибган йўловчимас, гўё ойнага қараб ўзини кўраётгандай беихтиёр ҳурпайган сочларига, уч-тўрт кундан бери устара кўрмаган даҳанига бир-бир қўл юборди. Ғаши келди.

Шу орада автобус навбатдаги гавжум бекатлардан бирида силкиниб-силкиниб тўхтади. Шусиз ҳам оёқ учиди зўрга илашиб, минг бир азоба келаётганлар илкис мункиб-мункиб кетдилар. "Уффф", "Об-бо-о", "Тагини, писс..." деган аламзада жаврашлар яна жоиланиб қолди.

Замонқул бўйинини андек энгаштириб, гўё ҳаммасига айбдорни топмоқчидай, автобус деразасидан ташқарига аланглади, ва... мўъжизалар мўъжизасига, автобус ёққа саллона-саллона юриб келаётган сулув бир қизга кўзи тушди!

Қизнинг оппоқ юзидан оппоқ хаёллар кезиниб юрарди. Нозик елкаларига чўлганган толим-толим сочларидан тортиб оёғи учларига довури бегуборлик уфуриб турарди. Узун-узун киприклари ҳимоясида маъюс-маъюс термилувчи андак ҳуркак, андак мағрур мовий кўзлари, бир керилиб, бир чимрилувчи кундуз қошлари, хиёл қимтилган юнқа лаблари алланечук изтиробдан дарак берарди. Баланд-баланд иморатлар ортига ботиб бораётган қуёшнинг кечки нурлари қизнинг бошидан зардек қуюлар, дайдиган шабада узун-ҳарир этакларидан илтижоли-илтижоли тортқилар эди.

Замонқул танга топган гадойдек ўз-ўзидан севишиб кетди. Ҳар донми асабийлик ва норозиликдан тиришиб-буришиб юрадиган юзларига, мудроққа мойил кўзларига табассум ёйилди. Кўп қатори ҳайдовчининг сурбетларча автобусни тўхтаверишидан ғазабланадиган Замонқул, айни чоғда, шалтоқ араванинг яна пича ҳаяллаши, анави сулув ҳам бир амаллаб илашиб олишини жуда-жуда истарди.

Бекатдаги мўъжизалар мўъжизаси ҳам ичкаридаги бир ғарбининг кўнгилдагини англагандай иккилана-иккилана автобус эшиги ёнида уймаланаётган тўдага қўшилди. Ичкарида эса ғала-говур ёғ сепилган оловдай гуруллаб кетди: "Етар, ҳайданг энди", "Томига ҳам одам чиқармоқчимиз", "Устингиздан арз қиламиз!" деган турли-туман бақирӣқ-қақириқларнинг кети узилмасди. Замонқул ташқаридаги манзарани алланечук сабрсизлик ва интиқлик билан кузатаркан, одамларнинг қийин-қистови остида ҳайдовчи автобусни қўзғатиб қолишдан чинакамига хавотирлана бошлади. Охири тоқати тоқ бўлиб, худди ёрдами тегиб қоладигандек йўловчилар чиқаётган олд эшик томон эшилиб-эшилиб интилди, ҳар тарафдан дўлдек ёгилган норози тўнғиллашлару беомон жаврашларга эътибор бермади.

Замонқулнинг жаҳдидан куч олдимини ёки орқасидан сура-сур қилаётганларнинг мадади бўлдимини, ҳарқалай, сулув қизнинг нозик елкалари тез орада эшик оғзиди лип-лип

кўзга ташлана бошлади, бироздан сўнг, бутун қадди-баста латофату малоҳат билан ичкарида пайдо бўлди. Шундагина Замонқул юраги гурс-гурс уриб ётганини, қўл учлари билинар-билинмас титраётганини сездди. Назарида, бутун автобус салонини атиргулнинг хуш бўйи тутиб кетгандай бўлди. Чиндан ҳам, узун-узун киприклари пирпираб, тим қора кўзлари жовдираб мувозанат сақлаш учун теварагидан ботинмайгина тутқич излаётган ҳурлиқ лойқа анҳор юзиди қалқиб турган бир боғлам гул-лолани эслатарди.

Қизнинг бу тикилини автобустга чиқиб қолганидан афсусланаётгани шундоққина юз-кўзидан сезилиб турарди. Замонқул эса унинг ўнғайсиз аҳволда қолишига ўзи айбдордай ҳижолатга тушганди.

Автобус қўзғалди. Унинг устма-уст силкинишидан йўловчилар сурилиб, урилиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетишди. "Вой-вуй!", "Оҳ-воҳ" саслари, койинишу сўкенишлари яна бир қарра авж пардасига кўтарилди.

Замонқул силкиниш баҳонасида қарийб сулув билан ёнма-ён туриб қолди. Ўртада фақатгина кимнингдир гўладай билагини тўсиқ бўлиб турарди, холос. Тўсиқ эгаси баланд бўйли, келишган йигит қизнинг қулайроқ ўрнашиб олишига атайин халақит берар, нариги тирсағи билан унинг бўртиб турган кўкракларига суйкалишга ҳаракат қилар, ҳузурланиб ўз-ўзидан иржайар эди. Замонқулнинг жаҳли чиқа бошлади. Назарида, қиз ҳам йигит томон мойиллик билан талпинаётгандай туюлди.

Катта бир завўднинг кичик хизматчиси бахтиёр рақибининг хушбичим ва ўқтам чеҳрасига ўғринча кўз қирини ташлаб оларкан, унинг олдида ўзини баттар кўрмисиз ва шалвираган ҳис қилди, ич-ичидан аччиқ ўкинчга ўхшаш нимадир қайнаб кела бошлади, костюмининг ёқалари ичига худди тошбақадай бошини тортиб уввос солганича қайлар-гадир қочиб йўқолгиси келди. Хайрият, шу орада қиз анови йигитнинг ҳаракатларини пайқаб қолиб шахд билан орқага тисарилди, ҳатто нимадир деб жеркигандай ҳам бўлди.

Замонқул ёш боладай севишиб кетди. Қулайроқ жойлашиш баҳонасида рақибининг гўладай билагини остидан сирғалиб қиз томон ўтиб олди.

— Нозиккина бўлсангиз ҳам, — деб зардали тўнғиллади йигит гўзалга қарата, — ҳамма сиққан автобустга сиғмайсиз-а, хоним?

Қиз танбехни деярли эшитмади, у ҳамон тузукроқ жойлашолмай гаранг эди.

— Нимасини айтасиз, — деб луқма қистирди бесаранжомликни зимдан кузатаётган, тикилини баҳонасида қизни киши билмас қучиб олишдан умидвор яна бир эркак. — Таксида юриб ўрганган оймтилалардан-да.

Уларга яқин ўриндиқда гумбаз бўлиб ўтирган, дастурмољчаси билан тинимсиз елпинаётган серсаваљ хотин ҳам тилини тиёлмади:

— Ажаб бўпти, автобустда юриш қандайлигини бир кўриб қўйсинлар, бошқа керилмайдиган бўладилар.

Замонқул мўъжизалар мўъжизасини даҳанаки ҳужумлардан ҳимоя қилиб нималардир дегиси келди-ю, лекин жўяли сўз тополмай, ўтирган аёлга яхшигина ўқрайиб қўйди, холос. У тўсиқдан ўтишга ўтди-ю, бироқ бирор марта ҳам қизнинг лобар чеҳрасига ботиниб қараёлмади. Нимадир унга бехад халақит берарди. Қиз эса бу орада ўзидан анчагина узоқдаги тутқични бир ушлаб, бир қўйиб, ҳамон тикилинича кўнкулмай овра эди. Аммо бу оврагарчиликлар, ҳуркан охудай жавдирашлар унинг чиройини янада очиб юборганди!

Замонқул ажиб карахтлик оғушида қолди. Қизга энди гоят яқин қолганидан унинг бирор жойига тегиб кетиб хафа қилиб қўйишдан чўчирди... лекин хаёлан унинг момик қўлларидан тутиб аллақачонлар узоқ-узоқларга, ҳеч бир каснинг пойи қадами етмайдиган олис гўшага кетиб қолганди. Ташна лаблари билан қизнинг маъюс-маҳзун кўзларидан, пахтадай юмшоқ ёноқларидан ўпар, шалола-шалоло сочларига кўмилиб сархуш-сархуш энтикарди.

Замонқул бетгизин хаёлларидан сулув қиз хабар топиб қолгандай ўз-ўзидан уялиб, зимдан ёнига қараб олди. Бироқ, айни чоғда, оппоқ юзлари баттар оқариб кетган қизнинг ўз дарди ўзига етарлидай эди. Афтидан, у қуруқликка чиқиб қолган тилла балиқчадай нафас ололмай қийналарди.

— Тўхтатинг, — деди у деярли шивирлаб ҳайдовчи ёққа юзланаркан. — Тўхтатинг, илтимос.

Аммо, унинг ўтинчлари нақ биқинида карахт қотган Замонқулдан бошқага етиб бормади. Замонқул эса, тайин гап, унга онда-сонда илтижоли-илтижоли термулишдан

бошқасига ярамасди. Устига устак, мўъжизалар мўъжизасининг автобусдан тушиб қолишини асло истамасди.

— Тўхтатинг, — деди қиз яна титроқли овозда ва жаҳл билан эшик томон ёриб ўта бошлади. — Тўхтатинг, кўнглим айнияти.

Замонқул ҳам уйқусирагандай-уйқусирагандай беихтиёр унга эргашди.

Қизнинг илтимоси оғиздан-оғизга ўтиб, ниҳоят, ҳайдовчига етиб борди шекилли, автобус йўл чеккаси ёқалаб тўхтади.

— Нима гап? — қичқирди ҳайдовчи жаҳл билан ўрнидан тураркан. — Ҳар қадамда тўхтайверар эканмиз-да, а?

Лекин шу лаҳзадаёқ ўнги-сулига боқмай эшик томон талпинаётган қиз қўлидаги бир сиқим пулни кўргач, шаштидан тушди, илжайганича "тисиллатиб" эшикни очди. Қиз йўл ҳақини кимнингдир қўлига тутқазса-тутқазса ўзини ташқарига ташлади.

Замонқул эса тушарини ҳам, тушмаслигини ҳам билмай пича каловланиб қолди. Бироқ, барибир, аллақандай гайритабиий куч таъсиридан шоша-пиша ташқарига талпинди, афсуски, улгуролмади, шарақлаб ёпилган эшик унинг нақ бўйнидан фаллоқдай қисиб қолди. Замонқул зарбни аввалига сезмади, лекин кўз олдидан қиз йўқолиб, ўрнида жимир-жимир юлдузчалар пайдо бўлиб, бутун баданига алланечук лаззатли оғриқ ёйила боргач не юз берганини англаб етди.

— Нима бало, мастми? — деб тўнғиллади кимдир Замонқулни ичкарига тортаркан.

Эндигина жила бошлаган автобус яна шахд тўхтаб эшиклари очилди.


— Тушмоқчи шекилли? — деди тагин аллаким Замонқулни ташқарига итараркан.

Кўрқувдан кўзлари олайиб кетган ҳайдовчи бироз каловланиб тургач, жабрдийданинг ўлмай қолганидан илҳомланиб ўшқира кетди:


— Ўн сўмдан қошмоқчи бўлдинг, а, номард? Ўлишингга оз қолди-ку! — Шу орада Замонқулнинг ишчилардан бири эканлигини пайқаб қолди-ю, гапни бошқа ёққа бурди. — Оббо, кайфи тароғу, қани уни бирор ерга ўтқазинглар, об-боо...

Автобус салонида шов-шув яна жонланиб кетди: "Нима гап?", "Кимни босибди?", "Ўлибдими?"

Замонқул эшик ёнидагиларнинг иддао билан силкилашларидан чинакам мастдай чайқалар, ўз-ўзидан тинимсиз илжайар, одамларнинг гап-сўзлари, ғала-ғовури узоқ-узоқлардан элас-элас қулогига чалинар эди. У кимнингдир норози мингиллай-мингиллай бўшатган ўрнига гўё мовий осмонда яйраб-яйраб қанот қоқиб яна қафасга қайтган қуш каби оҳиста чўкди. Кўз олдидан яна юлдузчалар жимирлаб кетди...



МУАММОНОМА



Ушбу машқ, туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили мумтоз шоир Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмати" асари асосида тузилган.

Муаммономани ҳал этиш учун аввал қуйидаги шеърини мисралардаги рақамларда яширинган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

Оқич:

1. Ҳушламайду олимлар бизни ойғон туркини, орифлардин эшитсанг, очар 25, 9, 4, 24, 10, 3. мулкини 17, 12, 22. ҳадис маъносини турки бўлса мунофиқ, маъносига етканлар, ерга қўяр бўркини.

2. Ғариб, фақир, етимларни ҳар ким сўрар, Рози бўлур ул банаддин 2, 8, 6, 23, 8, 6, 1, 16, 24, 17, 6. Эй беҳабар сен бир сабаб ўзи асрор, Ҳақ 20, 10, 5, 22, 8, 27, 17, пандин эшитиб айдим мано.

3. Жафо чекмай ошиқ бўлмас, тингла 21, 17, 27, 16, 3, Жафо чекиб собир бўлгон бўлмас жоҳил.

4. Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ, ҳақ йўлига етарман деб руҳим 20, 10, 26, 22, 17, 14.

5. Оқил эрсанг эранларга хизмат қилғил, Амри маъруф қилгонларни 16, 15, 15, 8, 22. қилғил.

Наҳи мункар қилгонларга 11, 10, 6, 20, 8, 22. қилғил.

6. Дуо қилинг нодонларни юзин 25, 9, 6, 20, 8, 18.

Ҳақ таоло рафиқ бўлса бирдам турмай, 7, 28, 20, 17,

6. бўлса нодонларни холин сўрамай, нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.

7. Эранлари ҳақ 19, 1, 16, 1, 16, 4. гофил бўлмас, Рижолун ло тулҳихим дер холикун хос.

13, 6, 8, 4. йўлин туткан ҳаргиз йўлда қолмас, Ул ҳазратда сир-асрори мақбул бўлур.

Жавоблар асосида шаклдаги рақамларни маълум ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Унда Хожа Аҳмад Яссавийнинг яна бир тўрт мисра ҳикмати аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

2-СОНДА БЕРИЛГАН ТИЛСИМ ЖАВОБИ

Оқич: 1. "Наврўз кунидан". 2. Сумалак. 3. Жанбил. 4. Шафақ. 5. Яйлов. 6. Тонг. 7. Бойчечак.

Шеър:

Чаманлар бўлди жаннатдин намудор
Очилди гул, сочилди мушки тотор.
Янги йилнинг бошида рўзи Наврўз
Садафдин чиқа бир дурри шабаррўз.
Мавлоно Лutfий. "Гул ва Наврўз"дан.



НИМАЛАР КЕЧЯПТИ КЎНГИЛ ВА РУҲДА?

Қуйида берилётган анкета саволлари шунчаки бир адабий муҳитнинг фикри-ни билиш мақсадида тақдим этилмади, балки иқтисодий қийинчилик даврида адабиётнинг ҳолатини теранроқ тасаввур қилиш, адабиётни қисмат деб билган ижодкорларнинг руҳиятида, қизиқишларида нималар рўй бераётганлигини кўрсатиш мақсадида ҳам тuzиб чиқилди. Қолаверса, давр ўзгариши билан адабиёт кишисининг дунёқараши ва интилишлари ҳам бир мунча ўзгариб бораётир. Айниқса унда ҳаётни — иқтисодни яхшилашга бўлган ҳаракат аввалгидан ўнчандон ошди. Бу эса ижодга муносабатда ҳам ўз ифодасини топиши шубҳасиз. Бу бир томондан эртанги адабиётнинг шакл-шамойилини белгиламасдан, ҳатти-ҳаракатига таъсир этмасдан қолмайди. Балки сиз бошқача фикрдадирсиз. Марҳамат, даврамизга қўшилинг. Жўрналда ўз мулоҳазаларингиз билан қатнашинг.

Таҳририят.

АНКЕТА САВОЛЛАРИ

1. Ҳозир кўпчилик фарзандларини тижоратчи, тил билгич қилиб тарбиялашга қизиқяпти. Инсон камолотга эришиши учун шу кифоя деб ўйлайсизми?

2. Сир эмас, ҳозир бадиий ижоднинг қадри сусайди. Роман, қисса, шеър, ҳикоя каби бирор асарингиз чиқса ҳам илгаригидай қизғин муҳокама бўлмайди. Боз устига газет, жўрнал китоб чиқариш иши жуда қийинлашиб бораётир. Шундай вазиятда сизда ижоддан совиш ҳолати юз бермадими?

3. Мутолаага қандайсиз?

4. Сизнингча, адабиётнинг ва шу катори матбуотнинг келажаги қандай бўлади?

АНВАР ОБИДЖОН:

ФАҚАТ ШАЙТОН КЕЛАЖАКСИЗДИР

1. Камолот пиллапояси жуда баланд. Тижорат ва тил билгич шу пиллапоянинг иккита поғонаси, холос. Лекин, шуни билишимиз керакки, тижорат билан бевосита шуғулланмаган кишилар ҳам савдо-сотиқ қоидаларидан, бозор муомалаларининг нозик сирларидан қанча яхши воқиф бўла олса, рўзгорларимизга шунча қут-барака киради, юртни иқтисодий ривожлантириш бирмунча осон кўчади. Ўз тилига зиён етказмай бошқа тилни ёки тилларни ўрганиш ҳатто гадоё учун ҳам фақат фойда келтиради.

2. Бу энди у ёки бу жараёни ижодкор қандай қабул қилишига боғлиқ. Агар унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатса ижодкор ҳатто оилавий майда жанжаллардан ҳам сўниши мумкин. Менга келсак, ҳозир озгина совигандайман. Балки, бу шунчаки чарқоқдир.

3. Биргина шайтоннинг келажаги йўқ. Ўзбек омон бўлса, ўзбек адабиёти ва матбуотининг оламни лол қиладиган кунлари ҳали олдинда. Лекин бу соҳадаги ишларнинг орқага кетиши камида яна 7-8 йил давом этади, бундан беш йил аввалги шаштига қайтиши учун 15 йил керак бўлади.

ДАДАХОН НУРИЙ:

КИТОБНИНГ ҚАДРИ НИМАНИ КЎТАРАДИ?

1. "Отанг-бозор, онанг-бозор"... деган нақл бор. Коммунистик истибод даврида биз мана шу "кўринмас" ҳақиқатни англамай келдик. Оддийгина "савдогар" сўзини олинг. Яқин-яқингача бу сўз фақат фирибгарлик деб тушуниларди. Аслида савдо ва уни юритувчилар халқимиз орасида эъзозли кишилар ҳисобланган.

Бу ришадорлик алоқаларининг узиб ташланганига етмиш йилдан ошди. Шундан бери қўлимиз савдодан чиқиб, ўзимиз билан ўзимиз овора, дунёни тебратиб турган "касб"дан юз ўгирдик. Энди-энди яна унга қайтмоқдамиз.

Бироқ, ҳали ҳам кечаги кундан қолган иллатнинг таъсири кучли. Ҳозир қадимгидек карвонни бошқариб, ойлаб йўл босиш йўқ. Учоққа ўтириб, бир кунда истаган мамлакатда бўлишингиз мумкин. Карачилик, сурма дўконининг бошлиғи, яқин дўстим Амир Ҳошимий зўр бериб ўзбек тилини ўрганмоқда. Мақсади, Тошкентда ўз сурма дўконини очиш. Биринчи борганимда ўзбек тилидан унга анча сабоқ бериб қайтгандим. Кейин китоблар юбордим. Яқинда яна у билан учрашиб, бинойидек ўзбекча мулоқот қилдик.

Демак, тижоратчи, тил билувчи қилиб "тарбиялаш" биз шарқликларга эскидан қолган одат. Фақат одамнинг ўзида қизиқиш, эҳтиёж бўлмоғи керак. Ана ўшанда зўрма-зўракилик барҳам топади. Яна юқорида айтилганидек, қорин ҳам тўқ, турмуш ҳам бутроқ бўлиши керак-да!

2. 3. Ҳозир адабиёт инқирозга учрайдими, йўқми деган мавзуда баҳслар бўляпти. Бу баҳслар менга бироз галати туюлади. Ахир, ҳиндлар тўрт, тўрт ярим минг йиллик аждоқларидан қолган адабий меросларини қайта-қайта чоп этиб мутолаа қилишмоқда! Бу китоблар не-не замонларни, не-не қора кунларни бошидан кечирмаган дейсиз, бироқ инқирозга учрагани йўқ. Шундай экан, нима учун энди биз икки-уч йиллик қийинчиликдан шунчалик тушкунликка тушиш яхшими. Қолаверса, қоғоз фақат Россиядан чиқадиған анқонинг уруғи эмас! Бу муаммони ўз кучи билан ҳал қиладиган мамлакатлар жуда кўп! Бундан ташқари бир пайтлар Самарқандда бутун дунёга машҳур сифатли қоғоз

ишлаб чиқарадиган корхона мавжуд бўлган. Ижоднинг қадри. Тўғриси айтсам, кейинги йигирма йил орасида бу "қалр" жуда пасайиб кетганди. Китоб дўконларида, омбухоналарда ҳеч кимга кераксиз, бўлиб чанг босиб ётадиган, охири-оқибатда "макулатура" сифатида рўйхатдан ўчириб ташланадиган китобларни айтаман-да! Ҳозир бизни ана ўша қоғозларнинг уволи тутмаётганимиз!

Ҳақиқий ижодкор энг аввало юрак амри билан қўлга қалам олади ва "дарди"ни қоғозга туширади. Бундай ижодкор ўз ишидан "совиши" асло мумкин эмас. Қолаверса, юракдан чиқариб ёзилган ҳар қандай асар ҳам ўз ўқувчисини бефарқ қолдирмайди. Адабиётнинг келажagini худди шундай китоблар белгилайди.

ФАХРИЁР:

МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН АДАБИЁТ

1. Шу кунларда тижоратчи ва тилмочларнинг бозори чаққон. Ота-оналар фарзандларини айнан шу соҳалар бўйича мутахассис қилиб тарбиялашга қизиқаётганини гайритабиий деб қарамаслик керак. Қолаверса, бу биз империя даврида кўникиб қолган ўғирлик ёки қаллоблик йўли билан бойлик орттириш дегани эмас, мулкдор бўлишга интилишнинг замирида эркинликка интилиш бор. Бу эркинликсиз миллатнинг келажаги бўлмайди. Маънавий эркинлик ҳамisha моддий дунёни тақозо этади, мен бу ерда айрим шахсларнинг моддий дунёдан юз ўгириб, узлатга чекинишдай шахсий ташаббусларини айтаётганим йўқ. Аксинча, одамларнинг одамга ўхшаб яшаш истагини назарда тутаяпман. Камолотга эришиш йўлида моддий бойлик ҳам керак. Мен, ҳатто, тез орада ўзбек аслзодалари шаклланишини ҳам орзу қиламан. Аслзода ҳам мансабпараст, порохўр дегани эмас. У миллатнинг қиёфасини белгилайдиган юксак маданиятли зиёли бўлмоғи лозим. Хизмат тақозосига кўра, хорижда ёки хорижий меҳмонлар даврасида бўлганинда уларнинг лутфларига жавоб бера олмай мулзам бўлиб турган миллатдошларингни кўриб ерга кириб кетай дейсан. Менимча, ҳар бир шахс моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлишга интилиши лозим.

2. Мен ҳеч қачон бирор ўқувчига мўлжаллаб шеър ёзмаганман. Шунинг учун ҳам мени ўқувчининг шеърларим ҳақидаги фикри ва на шеърини тўпламининг чиқиш-чиқмаслиги қизиқтиради. Мен учун қизиги — ижод қилиш.

3. Мен ҳамisha оммавий адабиётга қарши бўлганман. Бугунги қийинчиликлар баҳона адабиёт ҳам ўз аслига қайта бошлади. Илгариги "шоирлик" (тўғрироғи, ўзини кўрсатишга бўлган мойиллик) ишбилармонлик ва тижорат соҳаларига кўчиб ўтди. Энди адабиётга шоирлик ёки ёзувчилик даъвоси камроқ хавф соладиган ва зарар етказадиган бўлиб қолганидан суюнишимиз мумкин. Энди ҳақиқий адабиёт билан тижорат адабиётини фарқлайдиган замон келди. Ҳақиқий адабиёт маълум бир давраларга кўчиб ўтади. Начора, шоир айтганидай, ҳақиқий шеърхонлар ҳамisha шоирлар сонидан ҳам камроқ бўлган.

Гуландом ТОҒАЕВА:

"КИМКИ ЕТКАЙ ИШҚ ДАРДУ ДОҒИДИН ОФАТ АНГА..."

2. Мен.. ижоддан совиганим йўқ, чунки ҳали ижодни бошламадим! Менда ҳаётга қизиқиш уйғотган бирдан бир палла — ижод лаҳзаларидир.

Эҳтирос ва яратиш ишқи эса санъатнинг ахлоқидир. Асарни матбуотга бериш, китоб ҳолида чиқартириш, жамият нуқтаи-назаридан керак, холос. Бу нарса ёзувчига ижод лаҳзалари берган шодлиқни бера олмайди. Аслини олганда, ёзувчи китоб чиқариш ташвишларидан холи бўлганида яхши эди.

Мана шундай оғир бир шароитда ёш ижодкорга нима керак? Ҳеч нарса! "Йиқилгани теп!" деган моҳиятан керак бўлса, ўзи тиришиб-тирмашиб, қон кечиб, ё ўлиб-ё қолиб ёзувчилик чўққисига чиқсин, Ғарибликдан Бойлик, Уйқусизликдан Шаҳар, Бахтсизликдан Бахт яратсин, ғуссани ўзига абадий ошно билсин! Тишини-тишига босиб туриб, агар қўлидан келса, дунёга сездирсин! Шундай дейману, бари бир раҳмим келади, ҳамон юзлаб иқтидорлилар уйсиз-жойсиз

фақирлик майини сипқориб юрибдилар. Ва улар... ҳеч қачон ёзувчи бўлмастиклари аниқроқ. Инсоният тарихига бир боқинг: фақир яшаган бирорта даҳо йўқ!!!

Барибир... шаҳд билан юқорига отилмоқчи бўлган булоққа кўзи аллақачон очилган булоқ озгина туртки, кўмак берса, нур устига аъло нур бўлар эди.

3. Адабиёт... Дунёда қалб суянадиган ягона нозик гул... ва... қайсидир дафтаримда ёзиб қўйган эканман: "Адабиёт — жодудир ва мен ёмон жодугарман..." деб. Адабиёт кайфият, қарашларнинг тараққийси, фалсафадан ҳам юксак тушунчадир.

Адабий санъат суви сиқиб олинган гулнинг шираси ва қолган санъатлар... гулнинг пояси, барги, ва ҳоказо. Алоҳида таъкидламоқчиманки, ушбу фикрларим, шахсий нуқтаи-назар, холос. Ёшларда эса... яхши биласиз, фақат Шахсий нуқтаи-назар бўлади. Инчунун, ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига қиёслаш навбати келган экан, бир сўз билан айтганда, жаҳон адабиёти шаксиз катта бир уммон бўлса, ўзбек адабиёти улуг ва тенгсиз А.Навоийни мустасно қилганда, кичикроқ бир... дарёга ўхшайди. Ададсиз ва поёнсиз дунё денгизига ҳозирги ўзбек адабий денгизи кўп нарса қўша олгани йўқ.

Мен ўзим сал-пал, қум заррасичагина хабардор олам — Х.Л.Борхес, А.Камю, Ф.Кафка, Х.Кортасар, Ф.Ницше, Маркес, Рабле, М.Пруст, Достоевский, Акутагава, Грильпарцер, Кьеркегор, Шопенгауэр, Стриндберг ва қисман даҳо бўлган Блоклар дунёси ва ҳозирги ўзбек адабиёти... Қиёсинг ўзи нотабиий. Барибир ўзбек адабиёти жаҳон чорпоёсида бир кунни ўз фахрли ўрнига эга бўлади, деб умид қиламан!

Адабиётимизнинг истиқболини мен янги туғилажак даҳоларда ва бўлажак таржималарда кўраман. Ҳар бир ўзини талантли деб билган ижодкор ҳеч нарсани кечиктирмасдан қалби буюрган бирон-бир асарни таржима қилиши керак. Республикада чиқаётган газета-журналлар қаторида сув билан ҳаводай зарур таржималарнинг ҳам наشري бўлишини истардим.

Мутолаами? У барчамизда етишмайдиган витаминдир. Ёзувчи ва ҳар қандай жонли шахс бу витаминни қабул қилмай қўйса... ўлади! Менинг асосий умрим мутолаа илинжида ўтиб кетмоқда. Ҳеч нарса ўқимаган куним ҳазрат Навоийдан бирор газал ўқиб, мағзини чақмоққа тутинаман ва... мутолаамдан асло қониқмайман.

Алалхусус, сўзим охирида муборак шоиримиздан байт келтирмоққа журъат этдим:

Кимки, етқай ишқ дарду доғидин офат анга,
Доғ меҳри салтанатдур, дард эрур сиҳҳат анга...

ЮСУФ РАСУЛ:

ҲАММАСИ КҮНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

1. Ҳар бир ижтимоий мавжудотнинг ичида бир худбин яшайди. Инсон камоли кўпроқ шу худбиннинг ҳаракатига боғлиқ. Бироқ тижоратчилик ёки тил билиш, ёки етук маърифатлилик ҳам камолот учун камлик қилади.

Менимча, комилликнинг сарзамини қалбда бошланиб, қалбда тугайди. Инсоннинг ичида одамзотнинг пойиқадами ета олмайдиган самовий мутлақ олам бор. Унга ақл орқали, шахсий ҳаракат орқали йўл очилади. Инсон ўзини тушунса, қалбини англаб етса, ёмон қусурлари ҳалокати учун курашса камолотга етади. Инсонни комил ўзини енгган одамдир. Тангри ҳам тенгсиз камолот тимсоли.

2. Социализмдаги бадний ижоднинг қадри сусайгани рости. Балки бунга ўша замон айбдордир, замоннинг эса худди шундай бўлишига озми-кўпми ижод аҳли ҳам ҳисса қўшишган эмасми?

Ҳозир муҳокамага арзигулик асарлар ёшлар ижодида кўзга ташланиб қолапти. Лекин уларни тушуниш учун озроқ вақт керак бўлади назаримда. Ахир биз О.Отахон, М.М.Дўст, Х.Дўстмуҳаммад асарларидаги метафораларни энди-энди англаяпмиз-ку!

Иқтисодий танглик ҳақида гапирдингиз. Қийинчилик, ғам-қайғу меъёрида бўлгани яхши. Лекин қайғу-лаззат. Ҳаёт оғир бўлмасин, унга тик қараш керак. Шунда ҳеч нарсадан кўнглингиз совимайди.

3. Мен башоратчи эмасман. Лекин бугунга қараб эртанги адабиёт эркин бўлади, эркин адабиётнинг эса келажаги порлоқ бўлади, деб биламан. Ушанда матбуот ҳам шунга ўхшаб олдга кетади.



ЯНА БАЙРАМ: КАТТА ФУТБО-ОЛ!!!

"Маттеус, Клинсман. Тўп Феллерда. Хеслер, Маттеус-феллерклинсман зарба. Го-о-о-олл!.."

И-я футбол-ми? Футбол...

Нега ҳайрон бўляпсиз? Ўша ўзимизнинг футбол. Футбол бўлганда ҳам, КАТТА ФУТ-Т-Б-Б-О-О-ЛЛ! Жаҳон биринчилиги!

Ҳа, ана-мана дегунча тўрт йил оқар сувдек ўтиб кетибди. Яқиндагина Марадона олмонлардан мағлубият аламини майдон ўртасида йиғи билан намойиш этаётган эди. Кечагина Милла ҳар бир голидан илҳомланиб, рақс тушиб ўзини кўз-кўз қилаётганди. Колумбия дарвозабони Игунтанинг майдон ўртасида тўпни қувлаб юрганига ҳам кўп вақт ўтмаганди. Яна...

...Ким билади дейсиз, тўрт йил ичида оламда нима воқеалар рўй бермади... Бурунги Алейниковнинг, Добровольский, Цхададзе, Михайличенколарнинг СССРи ўрнига Алейниковнинг Белоруси, Цхададзенинг Грузияси, Добровольскийнинг Россияси, Михайличенконинг Украинаси жаҳон майдонларини кезиб юрибди.

Оврупонинг энг кучли ўйинчиларидан Савичевич, Бокшич, Вуевич, Биланларни бирлаштириб турган Югославия ўрнига алақачон Черногория, Хорватия, Сербия терма жамоалари ҳар хил мусобақаларда иштирок этишмоқда.

Футбол-чи?

Футбол... Менимча ютқизгани йўқ.

Ҳатто, бу йилги жаҳон биринчилигининг финал босқичини футболни етти ёт бегона билган Америка Қўшма Штатлари майдонларига ўтиши бу ўйиннинг қанчалик муҳлислари кўпайганидан далolat беради.

АҚШ. Ҳа, шу йилнинг июн-июл ойлари америкаликлар учун тарихий дамлар даври бўлади. Улар бир неча ойга ўзларининг полolari бейсболларини, голфларию миллий футболларини унуттишларига тўғри келади. Буларнинг ўрнини Оврупо сохкери (америкаликлар футболни шундай атайдилар) эгаллайди.

Бу учун уларга катта шароитлар яратилган. Нью-Йорк, Лос-Анжелос, Сан-Франциско, Чикаго, Бостон, Вашингтон каби шаҳарларда жаҳон биринчилиги ўтказилишининг ўзи катта воқеа. Орландо, Детройт, Далласлар-чи? Уларнинг қаери кам!?

ФУТБОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ-ЧИ? Уларга гап йўқ. Ҳозир майдонга туширинг... Ромарио, Бебето, Клинсман, Бажо, Стоичков, Гуллит, Милла ва албатта Марадона. Ҳаммаси жаҳон юлдузлари. Ҳақиқий футбол байрами.

КИМ ЧЕМПИОН? Қийин савол...Олмонлар олтин совринни ўзларида сақлай олармиканлар, ё жаҳоннинг энг зўр ўйинчиси деб тан олинган Бажо ўз ватандошларини Римга тўртинчи бор олтин совринни олиб кетишга ундай олармикан, ё...

...Яна Марадонамикан?! Балки Бразилиядир? Ахир улар кўкракларига олтин нишонни йиғирма тўрт йил олдин таққанлар-ку. Агар омад ҳоландларга кулиб боқса-чи? Бунга, албата, Куманнинг йиғирма-ўттиз метрлардан бемалол дарвозани нишонга ола билиши, Гуллитнинг боши билан тўпни қайтаришлари, Бергхампу ван Бастеннинг бир ўтишда беш-олти ҳимоячини ортда қолдира билишлари ёрдам берар...

Фараз қилинг, Камерун чемпион. Милланинг рақс тушишларини яна бир бор мазза қилиб томоша қилармикан...

...Яна, яна Шапоузаннинг Швейцарияси... йўқ, йўқ, Мичелнинг Испанияси, Брулининг Швейцарияси... Балки Пятинский ўзининг Россиясини олтин чўққи сари бошлар. Яна, ким билади, дейсиз. Футбол нозик нарса. Ҳалаба баъзан интилганга эмас, омади келганга насиб қилади.

ОЛТИН СОВРИН-ЧИ? Ҳа, унинг тарихи узун. Аввалига Жюл Риме (ФИФАнинг биринчи президенти, жаҳон биринчилиги асосчиси) ўзининг Ватани Францияда тоза олтиндан оғирлиги 1800 грамм, бўйи 30 см. келадиган совринни ясаганди. Бу совринга разм сифатида қадимги юнонларнинг ғалаба худоси "Нике" сурати солинган эди. Соврин соҳиби бўлиш эса фақат Уругвай, Италия, Олмония, Англия, Бразилия мамлакатларига насиб этади. Охири маротаба Пеленинг абжирлиги сабабли "Нике" Лотин Америкасининг энг йирик мамлакатига равона бўлади.

САБАБИ? Сабаби шу эдики, 1970 йил бразилияликлар италияликлар билан бўлган катта олишувдан кейин, совринни учинчи бор ўз юрларига олиб кетишади. "Нике"нинг тўлақонли эгаси бўлиш учун ҳам айнан шу керак эди.

ЯНГИ СОВРИН... Бу ёғига шовилманг. 1974 йил. Олмония. Мана, жаҳон биринчилиги деб аталмиш футбол байрами ҳам ўзинчи бор ўтказилиши кутилимоқда. Олмонияликлар ушбу тантанани нишонлашга катта тайёрларлик кўришди. Мамлакатнинг тўққиз шаҳридаги барча ўйинларга чипталар сотиш олти ой олдин бошлаб юборилди.

"Нике" билан хайрлашгач, 5 кг. тоза олтиндан янги соврин ясади. Унинг муаллифи италиялик уста Силвия Газанига. Ушбу соврин биринчи бўлиб мезонларнинг ўзига насиб этди. Улар Полша, Ҳолландия каби кучли жамоаларни енгишди. Шундан сўнг соврин икки бор Аргентинада, Италия ва яна бир бор Олмонияда бўлиб, яқиндагина АҚШга навбатдаги жаҳон биринчилигининг бош мукофоти сифатида олиб келинди.

АМЕРИКАНИ КОЛУМБ ОЧГАНМИ?.. Қизиқ, овруполиклар бундан беш юз йил олдин Американи кашф этган, бироқ футболчилар ҳали ҳам бунинг урдасидан чиқа олишгани йўқ. Балки Америка Қўшма Штатларининг замини Оврупо футбол юлдузлари учун баракали бўлар. Наҳот, Колумб удадалай олган ишни Бажо, Стоичков, Гуллит эплай олмаеса...

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ... ё... Ҳаш-паш дегунча бу биринчилик ҳам тарихга айланади. Кимдир голиб, кимдир мағлуб... Лекин 1998 йилги Францияда ўтказилажак жаҳон футбол байрами Ўзбекистон тарихида абадий қолиши муқаррар. Сабаби, агар саралаш мусобақалардан эсон-омон ўтиб олсак, жаҳон биринчилиги дарвозалари биз учун очик бўлади. Балки, ойнаи жаҳон орқали: "Тўп Қосимовда, Дўрмонов, Абдураимов, Қосимов. Ана, у Марадонани алдаб ўтяпти. Зарба... Го-оо-оо-олл!" деган сўзларни эшитиб қолармиз... Ҳа, бунга ҳали анча бор. Олдинда машаққатли машгулотлар, ўйинлар, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб ўтишлар... Дарвоқе, апрел ойида Марказий Осиё мамлакатларининг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро футбол турнири Франция сари қилинган биринчи қадамдир.

Яна бир қизиқ ўхшашлик. Жаҳон биринчиликлари ўтказиладиган йиллар юртимиз учун энг омадли йиллар бўлган экан. Ўзингиз қаранг-а: 1962 ва 1982 йилларда "Пахтакор" футбол жамоаси ўз тарихида собиқ Иттифоқ биринчилигида энг юқори (6-ўрин) натижага эришишган.

Ҳатто азалдан кучли ҳисобланган Минск ва Тбилиси динамочиларини енгиб Ҳамдўстлик чемпионолар кубоғи шоҳ-супасининг иккинчи погонасидан Фарғонанинг "Нефтичи" жамоасининг жой олиши ҳам, айни шундай йилга тўғри келибди.

АМЕРИКА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ ВАТАНИ!

Ҳа, жаҳон биринчилигининг очилишига ҳам санокли кунлар қолди. Оз ўтмай Тинч океансоҳиллари билан туташ Лос-Анжелос шаҳрида биринчиликнинг очилиш маросими ва дастлабки ўйини бўлиб ўтади. Биз эса сизга мусобақа иштирокчилари билан яқиндан танишиб олиш учун уларни гуруҳларга бўлинган ҳолда эълон этамиз.

1-гуруҳ. Лос-Анжелос, Сан-Франциско ва Детройт шаҳарлари: АҚШ, Швейцария, Колумбия, Руминия.

2-гуруҳ. Лос-Анжелос, Сан-Франциско ва Детройт шаҳарлари: Бразилия, Россия, Камерун, Швеция.

3-гуруҳ. Чикаго, Бостон ва Даллас шаҳарлари: Олмония, Испания, Боливия, Жанубий Корей.

4-гуруҳ. Бостон, Чикаго ва Даллас шаҳарлари: Аргентина, Греция, Нигерия, Болгария.

5-гуруҳ. Нью-Йорк, Вашингтон ва Орландо шаҳарлари: Бельгия, Марокаш, Ҳолландия, Саудия Арабистони.

6-гуруҳ. Нью-Йорк, Вашингтон ва Орландо шаҳарлари: Италия, Ирландия, Норвегия, Мексика.

Кўриб турганингиздек, ҳар бир гуруҳда кучли жамоалар талайгина. Ва ҳар бир гуруҳ бошқасидан ўз кучида деярли фарқ қилмайди. Фақатгина иккинчи гуруҳдагиларга навбатдаги босқичга чиқиш анча мураккаб кечади. Сабаби, гуруҳдаги деярли барча жамоаларнинг кучи тенг. Омад кимга кулиб боқса, марра ўшаники. Яъни, тўп думалоқ, баъзан ғаройиб ҳодисаларни амалга оширишга қодир.

Бу йлги жаҳон чемпионати олдингиларидан кескин фарқ қилади. Чунки тасодифий жамоаларнинг сони жуда оз. Ким имкониятидан тўла фойдалана олса (баъзан ундан ҳам ортик) олтин соврин ўшаники.

Биз эса томошабин. Баъзида башоратчи...

Нодир СУБҲОН.



Наби ЖАЛОЛИДДИН

ТИЛИМ ЮРАГИМГА ТИЛАЙДИ ТЎЗИМ



ЁЛГИЗГИНАМ ЁЛГИЗЛИК

Ёлғизлик бўлмаса агар
Яшолмасдим ўзимдан ортиқ,
Бу лов ёнмас яшил аланга
Осмондан менга тортиқ.
Тупураман энди дунёга,
Майли, қула бошимга, осмон!
Хайлимни қучиб, пидда
Эрк қасрини топураман осон..
Ёлғизгинам, севгим — ёлғизлик,
Хайл бизга бўлди гўшанга.
Никоҳланиб иттифоқ туздик,
Кишан солдик малъун кишанга.
Тонг отгунча
Исинади сандал менга суяниб,
Қишни бугизлайди биргина сўзим,
Чироқ қизаради шифтга уялиб,
Тилим юрагимга тилайди тўзим,
Тонг отгунча,
Қалб ботгунча.

Тикка келган юрак оловдан алвон,
Чинқирмоқ душвордир,
Йиғламоқ оғир..
Муҳаббат ўтида ёнишлар ёлгон,
Зухроси уйдирма,
Афсона Тоҳир,
Тонг отгунча,
Сен уйғотгунча..
Қайдасан?! —
Бу мен эмас, оловнинг сўзи,
Қайдасан?! —
Ҳов савил уйқулар бўзлар.
Наҳотки бир бора кундан ўзиниб,
Бағримга ҳаловат бўлмас у кўзлар?!
Тонг отгунча,
Тонг отгунча!..
Тонг отгунча!

МЕРОС

Ҳаёт — шўр сув,
Ичдим
Куя-куя қақраган бўғзим,
Олов пуркамандим,
Ютавердим жим,
Ҳаловатлар умримдан тўзғиб.
Кунлар манглайимга ёздилар ёзиқ,
Туяларни ёрилган лабимга босдим.
Бир бор семирмадим,



Минг бора озиб,
Уйқулар киприкка ўзларин осди.
Қисматим ҳақ экан
Бу дунё аро,
Кетмоқ ҳам, ахир, рост бундан бир кун.
Ҳатто ўзага ҳам кўрмасдим раво,
Аммо сенга тутдим,
Болам, шўр сувни!..

СЕВГИ

Тили йўқ кечаларнинг —
Айтай деса зоримни,
Кўнгил ётар ўзини ҳижронларга талатиб.
Ҳар сокин гўшалардан
Илаб сўз бозорини,
Барибир Сизни кўрсам.
Кўрсам!
Жуда ғалати..
Юрагимга кетаман чўкиб.
Бир сўзни кўтармоққа
Мадори йўқ тилимнинг
Ул шўрликни кўмароқ
Кечмишимнинг лаънати.
Шоир номим бор мендек
Бағри тилим-тилимнинг,
Во дариг, Сизни кўрсам,
Кўрсам!..
Жуда ғалати..
Нигоҳингиз!
Йўқ, қаранг,
Сўзим қанча арзондир
Тагин забон йиртилди,
Тўхтаган, олай яматиб
Ер бўлур дилнинг кўки.
Не тонгки, васлингизни
Кўзлар кўп бор қозонди,
Бир қадам..
Аммо кўрсам,
Кўрсам!..
Нетай, ғалати..
Дардим ололмам тўкиб..



Наби Жалолiddин 1962 йилда Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Жонобод қишлоғида туғилган. Афғон уруши қатнашчиси. ТошДД журналистика куллиётини битирган. Ҳозир "Ойла ва жамият" рўзномаси Фарғона водийси бўйича муҳбири вазифасида ишлайди. Шоирнинг "Ялғизлик кеча" номли китоби нашр этилган.



ЖАНОБ КОЙНЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Тўхтамурод РУСТАМ таржимаси

ТАРЖИМОНДАН

Шоирона ташбеҳ ила: "Жаноб Койнер асли ўзим бўлман", деб айтган бўлурди Бертолт Брехт агар шоирлик даъво қилганида. Бироқ, яхшигина шеърин мисралар муаллифи эса-да, Брехт ўзини ҳеч қачон шоир санамаган. Шунингдек, ўзига замондош файласуфларнинг қутини ўчириб, уларнинг эгниларидаги донолик ридосига ҳам дахл этмаган. Ҳолбуки, сизга ҳавола этиладиган "Жаноб Койнернинг айтганлари" бу ридо айнан унинг муаллифига кўпроқ муносиб эканини кўрсатади.

Брехт ижодий мероси теграсида ҳанузгача баҳс тинмайди. Кимдир уни тараққийпарвар деб айтади, кимдир тараққийёт душманига чиқаради, кимдир уни ижодида "модерн" услуби унсурларини кўради, кимдир эса, у анъанавий қолиплардан ҳеч қачон четга чиқмаган, деб даъво қилади. Бироқ, адиб вафотидан ярим асрча вақт ўтганига қарамай, бу ган-сўз ва даъволарнинг ҳеч бири унинг даҳосига соя ташлаблагани йўқ. Зеро, чинакам санъаткор, чинакам санъат намунаси ҳар қандай замон, ҳар қандай маконда ҳар қанақа ёрлик ва тамойиллардан устивордир.

"Жаноб Койнернинг айтганлари" айна шу ҳақда, яъни инсониятнинг айрим "соци узун" вакиллари томонидан ўйлаб топилувчи тамойил ва ёрликларнинг нисбийлиги хусусида. "Ҳомер" "Илиада" ва "Одиссея"ни ёзаётган, чиндан ҳам Плутарх, Ҳераклид, Евстафий, Корнутаглар кўкларга кўтариб мақтаган ва кейинчалик уларнинг ўзидан Полизиано "хуш" қилган мажозлар устида бош қотирган, деб ўйласангиз, чучварани хом санабсиз", дейди Рабле ва бу асло муболага эмас. Ёки, айтилик, адабиётдаги қулқончи қиздирувчи атамалар: "классицизм", "сентиментализм", "натурализм", "модернизм", "анъанавий адабиёт"... Аслида, буларнинг чинакам адабиётга сира дахли йўқ. Ахир, биров расман ёрлик ёпиштирмаган эса-да, Рабленинг "Гаргантюа ва Пантагрюэли" ҳам, Сервантеснинг "Дон Кихоти" ҳам, қалаверса, Қодирийнинг "Ўтган кунлари"ю Шолоховнинг "Тинч оқар Дони" ҳам ўз даври учун "м о д е р н" (яъни "з а м о н а в и й") адабиёт намунаси саналган ва, ақли ожизимча, ҳозир ҳам улар хусусида бундай демаслик мушкул.

Бироқ, том маънодаги қаламкаш учун бу ҳам муҳим эмас. Унинг учун муҳими — қаламни қоғоз бўйлаб юргизиш имкониятининг мавжудлиги. Қолганининг эса, жаноби олийлари — СЎЗ билан чангини чиқарса бўлади. Баайни "жаноб Койнер" — Бертолт Брехт каби.

ЖАНОБ КОЙНЕР ВА ЗУЛМ

Кунларнинг бирида жаноб Койнер, мутафаккир, кўпчилик йиғилган мажлисда зулмга қарши нутқ сўзлар экан, тингловчилар туйқус ўринларидан сапчиб, тарқала бошлаганларини илғади. У оҳиста ўгирилди ва ортида Зулмнинг ўзи турганини кўрди.

— Нимани гапиряпсан? — деб сўради у.

— Камина зулмни ҳимоя қилишга қақиряпман, — дея жавоб берди жаноб Койнер.

Ташқарига чиққач, шогирдлари уни қатъиятсизликда айблашди.

— Қатъият менга уни синдиришлари учун берилмаган-ку. Ахир, мен зулмдан узоқроқ яшашим керак, — деди жаноб Койнер бунга жавобан ва сўнг ушбу воқеани ҳикоя қилди: — Қачонлардир, қама-қама замонлар, "йўқ" дейишнинг ҳадисини олган жаноб Эгте ҳузурига бир шотир ташриф буюриб, унга юрт эгалари берган гувоҳномани кўрсатди. Мазкур гувоҳномага мувофиқ, шотир оёғи теккан ҳар қайси уй ва кўнгли тусадан ҳар қандай таомга эгалик қилишга ҳақли, нигоҳи илғаган ҳар бир одам унинг хизматида бўлишга мажбур эди. Шотир курсига ўтирди, овқат сўради, ювинди, сўнг ётди ва юзини девор томонга ўгириб, ухлаш олдидан сўради: "Сен менинг хизматини қиласанми?" Жаноб Эгте дарров шотирнинг устига жунқўрпа ташлади, боши узра гўжгон пашшаларни ҳайдаб, уйқусини кўриди ва шу тарзда унга етти йил хизмат қилди. Нима буюрилса бажо айларди жаноб Эгте, фақат бир нарсага — чурқ этиб оғиз очишга ҳайиқарди. Орадан етти йил ўтди, шотир кўп еб, ухлаб, буюравериб семириб кетди ва кунларнинг бирида жон таслим қилди. Жаноб Эгте уни эски бир намага ўраб, кўчага олиб чиқиб ташлади, сўнг каравотини тозалаб ювди, деворларни оқлади, хўрсинди ва фақат шундан сўнггина жавобга оғиз очди: "Йўқ".

БИЛИМ СОҲИБЛАРИ

— Билимли одам ҳеч қандай курашларга бош қўша олмайди, шунингдек, ҳеч қачон ҳақиқатни ҳам очик айтмайди. У бировга иззат-икром кўрсатмаслиги, бировнинг иззат-икромини қабул ҳам қилмаслиги керак. У имкон қадар кўзга ташланмасликка уринмоғи лозим. Билим соҳибида барча фазилатлардан фақат биттасигина зоҳир — у билимга эга, — дея айтгучи эди жаноб Койнер.

МАҚБУЛИК ҚУЛИ

Жаноб К. савол берарди:

— Ҳар кун эрталаб қўшним граммофон кўяди. Нима учун у граммофон кўяди? Мусиқа садоси остида бадантарбия қилиш учун. Ҳўш, нима учун у бадантарбия қилади? Кучли бўлиш учун, деб айтишади менга. Ҳўш, нима учун у кучли бўлиши керак? Шаҳардаги душманларини енгиши учун. Ҳўш, нима учун у душманларини енгиши керак? Қорин тўйгазиш учун, деб айтишади менга яна.

Қўшниси граммофонини мусиқа садоси остида бадантарбия қилиш учун қўйишини, бадантарбияни кучли бўлиш учун қилишини, кучли бўлиш унга душманларини енгиши учун, душманларини енгиш эса қорин тўйгазиш учун кераклигини эшитгач, жаноб К. ўзининг навбатдаги саволини берди:

— Ҳўш, нима учун у қорин тўйгазади?



АГАР АКУЛАЛАР ОДАМГА АЙЛАНСА...

— Агар акулалар одамга айланса, майда балиқларга нисбатан меҳрибонроқ бўлишармиди? — деб сўраб қолди жаноб Койнердан уй бекасининг қизчаси.

— Албатта-да, — деб жавоб берди у, — агар акулалар одамга айланса, денгизда майда балиқлар учун ҳар турли емларга тўла улкан ҳавзалар барпо этишади. Ҳавзалардаги сув доимо тоза бўлишининг ташвишини чекинади ва умуман, барча зарур тозалик тадбирларини ўтказиб туришади. Мабодо, айтايлик, бирор-бир балиқнинг юзгичига шикаст етса, унга дарҳол дори-дармон қилинади, акс ҳолда у вақтидан олдин ўлиб, акулалардан осонгина қутулиши мумкин. Балиқлар нохуш кайфиятларга берилмаслиги учун вақти-вақти билан катта-катта денгиз байрамлари ўтказилиб турилади: зеро, шодмон балиқлар хафақон балиқларга нисбатан хушхўроқ бўлади.

Катта ҳавзаларда, албатта, мактаблар ҳам очишади. Мазкур мактабларда акулалар майда балиқларга акула комига тўғри юзиб киришни ўқитишади. Жўрофия, масалан, йирик акулалар эринибгина ҳордиқ чиқараётган жойларни топиб бориш учун керак бўлади. Бироқ энг муҳими, тайинки, балиқларнинг маънавий тарбияси. Уларга майда балиқлар учун ўзларини акулаларга қувониб қурбон этишдан улугроқ ва аълороқ бахт йўқлигини, майда балиқлар акулаларга ҳар қачон, айниқса, уларнинг ажойиб келажаклари ҳақида қайғуришларини гапирганларида ишонишлари лозимлигини сингдиришади. Майда балиқларга фақат итоат этишни ўргангангиз бас, бундай келажак таъминланади, деб ўқитишади. Айниқса, майда балиқлар ҳар турли тубан, материализм, эгоизм ва марксизм руҳидаги таъсирлардан эҳтиёт бўлишлари керак. Мабодо, улардан бирортаси ушбу таъсирларга берилиб, шаккоклик қилгудек бўлса, бошқалар дарҳол бу ҳақда акулаларга етказишлари шарт.

Агар акулалар одамга айланса, улар, тайинки, ўзга ҳавзалар ва ўзга майда балиқларни қўлга киритмоқ мақсадида бир-бирларига қарши уруш очадилар. Жангта улар ўз тасарруфларидаги балиқларни ташлайдилар. Ўз балиқларига улар сизлар ва бошқа акулаларнинг балиқлари ўртасида жуда катта фарқ бор, деб ўргатадилар. Улар, гарчи жами балиқлар гунг эса-да, бари турли тилда сукут сақлайди ва шу боис бир-бирини тушуна олмайди, деб эълон қиладилар. Урушда ўзга тилда сукут сақловчи бир неча душман балиғини ўлдирган ҳар битта балиқнинг кўксига денгиз ўтидан нишон қадаб, қаҳрамон унвонини берадилар.

Агар акулалар одамга айланса, уларда, албатта, санъат ҳам юзага келади. Акулаларнинг тишлари ажойиб бўёқларда акс эттирилган, оғизлари баайин мириқиб ҳордиқ чиқариладиган сайрибоғларни эслатадиган суратлар пайдо бўлади. Денгиз тубидаги театру томошалари мардонавор балиқлар акула оғзига қандай иштиёқ билан юзиб кираётганларини намойиш этади; оҳангдор мусиқа янграйди ва ҳузурбахш фикрлар элитмиш балиқлар оркестр жўрлигида орзумандлик билан акула комига интиладилар.

Албатта, дин ҳам юзага келади, агар акулалар одамга айланса. Балиқлар учун чинакам ҳаёт акуланинг қорнида бошланади, деб ўргатади у. Айни чоғда, балиқлар ўртасида мавжуд тенглик ҳам йўқолади, агар акулалар одамга айланса. Уларнинг айримлари амалга ўтқизилади ва бошқаларга нисбатан юксакроқ мавқега эга бўлади. Нисбатан йирик-роқларига эса ҳатто майда балиқларни еб туриш ҳуқуқи ҳам берилади. Акулаларга бу фақат хуш келади, чунки уларга шунда кўпроқ йирик луқма насиб этади. Йирик, амалдор балиқлар қолган балиқлар ўртасида тартиб-интизомни таъминлайдилар. Улар ўқитувчилик, зобитлик, ҳавзалар қурилиши бўйича меъморлик ва шу каби амалларни банд этадилар. Хуллас калом, денгизда чинакам маданият фақат шундагина юзага келадик, қачон акулалар одамга айланса.

ФОЗИЛЛАР ТАШВИШИ

— Нима билан бандсиз? — деб сўрашди жаноб К.дан.
— Ишим жуда кўп, — дея жавоб берди у. — Янги хатолар устида тер тўқяпман.

СОТИЛМАСЛИК САНЪАТИ

Бир куни жаноб К. таниш савдогарга аллақайси кишини сотилмайдиган одам сифатида тавсия қилди. Орадан икки ҳафта ўтди ва савдогар яна жаноб К. ҳузурига келиб, ундан: — Сотилмайдиган одам деганда, нимани назарда тутган эдинг? — деб сўради.

Жаноб К. жавоб берди:

— Сотилмайдиган одам деганда, мен уни ҳеч қачон сотиб ололмаслигини назарда тутгандим.

— Яхши-ку, — дея ташвиши қиёфада бош чайқади савдогар. — Фақат душманларим уни сотиб олишмаса эди, деб қўрқаман.

— Бу ҳақда энди мен сенга ҳеч нарса деёлмайман, — дея бефарқ елка қисди жаноб К.

НОТАВОН БОЛА

Жаноб К. биров етказган ранжни жимгина ичга ютиб кетиш нақадар ярамас одат экани хусусида сўз юритиб, ушбу воқеани ҳикоя қилди:

— Йўловчи паст овозда ҳиқиллаб турган болага яқинлашиб, йиғлашининг сабабини суриштирибди.

"Кинога тушаман деб икки танга йиққандим, — деб жавоб берибди бола, — ҳўв, анави йигит келди-да, бирини қўлимдан юлиб олди". — Шундай деб у олисда кетиб бораётган қорага ишора қилибди.

"Ҳеч кимни ёрдамга чақирмадингми?", деб сўрабди йўловчи.

"Чақирдим", дебди бола ва баттар ҳўнграб йиғлабди.

"Ҳеч ким сени эшитмадими?", дея сўроқлашда давом этибди йўловчи боланинг бошини силаб.

"Йўқ", дебди ҳўнграб бола.

"Демак, сен бундан баландроқ қичқиролмайсан?", дея сўрабди у тагин.

"Йўқ", дебди бола ва йўловчига умид билан термулибди, чунки у мулоийм илжайиб турган экан-да.

"Унда унисини ҳам ол бу ёққа!", дебди киши ва боладан сўнгги пулни тортиб олиб, оҳиста йўлида давом этибди.

ШАКЛ ВА МАЗМУН

Жаноб К. айрим буюмлар жуда ўзига хос шаклда тасвирланган сувратни кўздан кечирар экан, деди:

— Баъзан айрим мусаввирлар теварак-атрофни кузатиб, аксарият файласуфларнинг ҳолига тушадилар. Бутун эътиборларини шаклга қаратиб, улар мазмун ҳақида буткул унутадилар.

Қачондир бир богбоннинг қўлида ишлашимга тўғри келди. У қўлимга гулқайчи тутқазиб, дафна дарахтини қирқиб текислашни буюрди. Дарахт ёғочдан ишланган каттагина тувакка ўтқазилган бўлиб, турли маросимлар учун ижарага бериларди. Шу вайдан у шар шаклида бўлмоғи даркор эди. Мен ўша заҳотиёқ энг шимариб дарахтни кузашга киришдим, бироқ, ҳарчанд уринмай, узоқ вақт уни шар шаклига сололмай овора бўлдим. Дам у томондан, дам бу томондан ортиқроқ қирқиб юборардим нуқул. Ниҳоят, амаллаб дарахтни шар шаклига солганимда, унинг дарахтлик сиёғи қолмаган эди.

Богбон ишимни кўрди ва афсусланганнамо бош чайқаб, деди:

— Майли, шар бўла қолсин бу. Аммо, дафна дарахти қани?

ГАПНИНГ ОЧИҒИ

— Биз ортиқ бир-биримиз билан гаплашолмаймиз, — деди жаноб К. қайсидир кишига.

— Нега? — деб сўради у чўчиб.

— Сизнинг қаршингизда мендан сира бир тутуриқли гап чиқмайди, — дея нолиди жаноб К.

— Бироқ бу мен учун муҳим эмас, — дея юпатди уни суҳбатдоши.

— Бажонидил ишонаман, — деди жаноб К. зардаси қайнаб. — Бироқ, бу мен учун муҳим.



УЧРАШУВ

Жаноб К. билан анча вақт юз кўришмаган бир киши уни:

- Сиз сира ҳам ўзгармабсиз, — дея қарши олди.
— А?! — деди жаноб К. ва бўзариб кетди.

ЖАНОБ КОЙНЕР ВА ШЕЪРИЯТ

Шеърний тўпламни ўқиб чиқиб, жаноб Койнер деди:
— Қадимги Румда давлат амалларига номзодлар биров пора солиб қўймасин учун Форумга* асло чўнтакли кийимда бормаганлар. Шу каби, шоирлар ҳам энгли либос киймасликлари лозим — ўз ишларини қўл учиди бажармасликлари учун.

СУҚРОТ


Фалсафа тарихи бўйича китоблардан бирини ўқиб тугатгач, жаноб К. файласуфларнинг воқеа-ҳодисаларни мутлақ идрок этиб бўлмади, дея тушунтиришга уринишларини маъқулламай, деди:

— Сўфийлар ҳеч нарса ўқимасалар ҳам кўп нарса билишларини даъво қилганларида, сўфий Суқрот дадиллик билан ўзининг фақат ҳеч нарса билмаслигининггина билишини даъво қилиб чиқди. Фикрини давом эттириб: "...зеро, мен ҳам ҳеч нарса ўқиганим йўқ", дея айтганини фараз қилиш мумкин. (Ниманидир билмоқ учун, ахир, ўқимоқ керак). Бироқ Суқрот, чамаси, ортиқ ҳеч нарса демаган; балки, айтган бўлса ҳам, оғзидан чиқиши биринчи жумладан сўнг янграган ва орадан икки минг йил ўтиб ҳам тинмаётган қарсақлар унинг овозини босиб кетган.

МУЧАЛ

Жаноб К. ўз тақдирини билмоқ истагида раммол(астро-лог)ларга мурожаат қилиш ниятидаги кишилардан уларга ўтмишларидаги бирор-бир ғамгин ёки қувончли ҳодисанинг санасини айтишни илтимос қилди. Юлдузлар тахминан бўлса ҳам раммолларга ушбу ҳодисадан дарак бермоғи лозим эди. Бироқ, Жаноб К.нинг маслаҳати ҳеч натижа бермади, зеро, раммоллар ўз миждоғларига фақат юлдузларнинг хайри-хоҳлиғиго ёки хайрихоҳ эмаслигини маълум қилардилар, холос ва бу асло мурожаатчиларнинг шахсий тажрибалари билан кесинмасди. Раммоллар кўнгиллари ўқиб, юлдузлар фақат тахмин қилади ва бу тахмин доим ҳам амалга ошавермаслиғи мумкин, дердилар. Жаноб К. уларнинг бу жавобидан ёқа ушлади ва яна бир савол билан мурожаат қилди:

— Юлдузлар барча тирик жонзотлардан фақат инсонгагина таъсир ўтказишига камина, рости, ишонмайман. Инчунун, бу кучлар ҳайвонларга ҳам таъсир этмай қолмаган бўлурди. Дейлик, бир кишининг мучали Қовға ва унинг елкасига Сигир мучалли бурга келиб қўнди, хўш, нима бўлади агар бу киши туйқус дарёга чўкиб кетса? Чамаси, бурга, юлдузлар самода унга нисбатан нақадар хайрихоҳ жойлашмасин, киши билан бирга сувга ғарқ бўлади. Йўқ, бу менга ёқмайди.



Манзилмиз: 700017, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 33-40-93, 33-06-63.

Босишга 6.06.94й.да руҳсат берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Шартли босма табақ 4,2. Нашриёт ҳисоб босма табағи 4,0. 46.000 нусхада чоп этилди. Буюртма 2835

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб изоҳланиши шарт. Оригинал макет "Ёшлик" жўрналининг компьютер марказида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа консернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "Ёшлик" №3, (140) май-июн, 1994й.

М у н д а р и ж а

Боқий қадриятлар

Даҳо бобомизнинг руҳи қонда бор! 1

Назм

Мирзо Кенжабек. Ухла ғам 2
Аъзам Ўктам. Гул исин ифторлик учун берди шом.9
Гулнора Раҳмон. Бетакрордир баҳор ҳам,
куз ҳам 21
Юсуф Худойқул. Бир дамгина келгин,
келгин поклигим 22
Наби Жалолиддин. Тилим юрагимга
тилайди тўзим 29

Наср

Маъсума Аҳмедова. Бегим кунлар. Ҳикоялар . . . 3
Луқмон Бўрихон. Бекатдаги қиз 23

Биринчи учрашув

Садриддин Саримсоқов. Онажон 6

Мувоzanат

Табиатнинг меҳру муҳаббатидан яралганмиз 7

Жаҳон адабиёти хазинасидан

Жеймс Жойс. Маҳзун кечмиш. Ҳикоя 11

Одам, олам.

Шифо -- икхосдан бошланади 15

Карвонсарой

Тўхтамурод Рустам. Тақвим. Донолар бисотидан.
Латифалар 16-17

Ҳайрат гулшани

Вафо Файзулло. Бедил. Бадиа 18

Топқирлик машқи

Фозилжон Орипов. Муаммонома 25

Қалб манзаралари

Нималар кечяпти кўнгил ва руҳда? 26

Минг бир амал

Нодир Субҳонов.
Яна байрам: катта футбол-ол!!! 28

Тўқ мағиз

Бертолт Брехт.
Жаноб Койнернинг айтганлари 30

ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАР АВЛОДИ



Шоир Умон ҚҶЧҚОР